

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 8И

КБК 83.3(0)

А - 90

Астанова Зухро Яхшибоевна
ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ ИЖОДИДА “ЙЎҚОТИЛГАН АВЛОД”
МАВЗУСИНИНГ ТАЛҚИНИ

5А 120201 мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун

таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Раҳбар: доц. Жабборов С.Ж.



Самарқанд – 2015 й

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
 I Боб. Инглиз адабиёти она тилимизда	
1.1. Инглиз – ўзбек адабий алоқалари.....	8
1.2. Ғарбий Европа (Америка) адабиётида “йўқотилган авлод” уруш мавзуси ва унинг ҳозирги пайтдаги аҳамияти	15
1.3. Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ижоди ҳақида.....	26
Биринчи боб бўйича хулоса.....	34
 II Боб. Эрнест Хемингуэй асарларида уруш мавзуси	
2.1. Эрнест Хемингуэй “Йўқотилган авлод”нинг вакили сифатида....	36
2.2. Эрнест Хемингуэй ижодида “Йўқотилган авлод” талқини.....	43
2.3. “Алвидо қурол”да тасвир ва талқин.....	49
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	57
 III Боб. Бадиий таржимада бадиий тимсол яратиш	
3.1. Бадиий тимсол яратишда мутаржим маҳорати.....	60
3.2. Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо қурол” асари таржимасининг ўзбек тилида берилиши.....	70
Учинчи боб бўйича хулоса.....	81
 Хулоса.....	 84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	93

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ижтимоий тараққиётнинг миллий ва маданий модули ҳақида гапириб, шуни таъкидлаган эдики, “билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларнинг буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим” [2, Б. 260].

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият” китобида таъкидлаганидек, миллий маънавият негизларидан бири – бу “жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланиш, умумбашарий кадриятлардан фойдаланиш”дир.

Бу борада “юксак умумий касб-хунар маданиятига ижобий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган” кадрлаш тайёрлаш миллий дастури қайта ишлаб чиқилди. Шунинг учун ҳам ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида фаннинг роли, шубҳасиз, катта.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир халқ адабиёти бошқа халқлар бадиияти билан алоқада ривожланиб келган, тарихга назар солсак, бирор бир халқ маданиятининг бошқа маданиятлар таъсирисиз “соф” ривожланганини кўрмаймиз. Бу диалектик қонуниятга зид. Ўзбек халқининг маънавияти, адабиёти ҳам узоқ тарихий даврлар давомида Шарқ ва Ғарб маърифатидан баҳраманд бўлган ва айна пайтда, уларни ҳам бойитган ҳолда ривожланиб келган. Ҳозир ҳам мустақил Ўзбекистонда миллий маданиятимиз таъсирида ривожланаётган бўлса, иккинчи

томондан, жаҳон маданиятининг умуминсоний кадриятларидан озиқланиб камол топтоқда.

Бадиий асарни ташкил этувчи барча элементлар қаҳрамонларнинг характери очиқ беришга хизмат қилмоғи шарт. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак таржима ва таъсир, таржима ва бадиий тил, асар руҳияти ва таржимон маҳоратини кенг ва чуқур ўрганиш танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Бадиий таржимада бадиий тимсолни қайта яратиш, таржимада берилиши, таржимон изланишларининг таъсирини ва бу муаммонинг солиштирма қирраларини ўрганиш ҳозирги даврда ғоятда зарур масалалардандир. Ва бундан ташқари “Йўқотилган авлод” мавзуси ўтган асрнинг биринчи, иккинчи жаҳон урушида миллионлаб ёш йигитларнинг ҳалок бўлиши XX аср инсонлар ҳаётида битмас туганмас жароҳат қолдирди. Шу нуқтаи назардан танланган мавзу ўта долзарб ҳисобланади. Тўғри “Йўқотилган авлод” юзасидан, хусусан, Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!” романининг ўзбекча таржимаси И.Мусаевнинг “Янги доvon: “Алвидо, қурол!” ва Ё.Ҳамроевнинг “Алвидо, қурол!” таржимасида характер инъикоси” каби илмий тадқиқотлари эълон қилинган. И.Мусаев бадиий таржимасида муаллифнинг услубини қайта яратишга бағишланган бўлса, Ё.Ҳамроевнинг илмий мақоласида бадиий таржима персонажлар характери қайта тиклаш масаласи таҳлил ва талқин қилинади.

Биз танлаган мавзу ўз мазмун ва моҳиятига кўра, юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқ қилади. Шу маънода, “Йўқотилган авлод” мавзусида Э.Хемингуэй ижоди мисолида илк бора магистрлик диссертацияси мақомида илмий тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг долзарблиги Эрнест Хемингуэйнинг ҳаётий босқичлари ва ижодини ўрганиш заруратини тақозо этади, шунингдек, ишимиз унинг уруш даҳшатларининг бемаънилигини тасвирлашга бўлган интилишини тадқиқ этишга мўлжаллангандир.

Тадқиқотнинг мақсади. Ишимизнинг мақсади қилиб, инглиз адабиётининг ўзбек адабиётига кириб келишини, “йўқотилган авлод” мавзусининг Эрнест Хемингуэй ижодидаги ўрнини ва бадиий таржимада бадиий тимсол (образ)ни яратиш ҳамда ёзувчи романларида муаммолар мажмуасининг ва тилининг ўзига хос асосий хусусиятларини очиб беришдан иборатлиги асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг вазифалари: Тадқиқотнинг вазифалари қилиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- инглиз-ўзбек адабий алоқалари;
- Ғарбий Европа (Америка) адабиётида “йўқотилган авлод” мавзуси;
- Э.Хемингуэй “йўқотилган авлод” вакили сифатида;
- Э.Хемингуэй ижодида “йўқотилган авлод” талқини;
- “Алвидо, қурол!”да тасвир ва талқин;
- Бадиий тимсол яратишда мутаржим маҳорати;
- Бадиий таржимада портрет яратиш муаммоси.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ушбу диссертация иши тадқиқий йўсинда амалга оширилган. Тадқиқотнинг объекти “йўқотилган авлод” ёзувчиларининг ва унинг бирдан бир вакили бўлган Э.Хемингуэйнинг уруш мавзусидир. Тадқиқотнинг мақсади Э.Хемингуэйнинг „For Whom the Bell Tolls“ ва „A Farewell to Arms“ романларида проблематика (муаммолар мажмуаси) ва тилнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишдан иборат. Предмети эса Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!” романи (аслият ва таржима)дир.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методи. Тадқиқотни методологик асосини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг жаҳон миқёсида олиб бораётган тинчликсевар сиёсати ва ҳар қандай масалани фақат тинч ва осойишта амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги асарлари, чиқишлари дастурул амал бўлиб келмоқда. Ишимизда таниқли таржимашунослардан А.В.Федоров, Гиви Гачечиладзе,

Ғ.Т.Саломов, Н.Комилов, И.Мусаев, К.Мусаев, Ё.Ҳамроев ҳамда адабиётшунослардан Б.А.Гиленсон, К.А.Анастасиев, Т.Денисова ва бошқаларига асосланди. Қиёсий-типологик ва тасвирий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбек адабиётшунослигида илк бора “Йўқотилган авлод” мавзуси магистрлик диссертацияси мақомида таҳлил ва талқин қилинмоқда ва бадиий таржимада бадиий тимсол масаласи атрофлича ёритилмоқда.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқ этилаётган материалнинг таҳлили “XX аср хорижий адабиёти тарихи” курсини ўтишда фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг хулосаларидан, тавсияларидан, бадиий таржимада бадиий тимсол яратиш усуллари тили ўрганилаётган мамлакат адабиётини ўқитишда, таржима назарияси ва амалиёти дарсларини ўтишда фойдаланса бўлади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Машҳур америкалик адиб Эрнест Хемингуэйнинг ижоди, унинг “Йўқотилган авлод” муаммосига муносабати ва шу муаммога бағишланган “Алвидо қурол!” романининг ғоявий мазмуни ва таржимаси ҳақида таниқли таржимашунослардан К. Мусаев ҳам Эрнест Хемингуэйнинг илмий мақолалари эълон қилинган холос. Кейинги пайтларда айрим шингил тадқиқотларни ҳисобга олмаганда Эрнест Хемингуэй ижодини ўрганиш асарларни талқин қилиш битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялар ҳаммада кенг планда ўрганилмоқда. Мақсад: инсониятни катта хавфдан огоҳлантириш. Урушнинг нима эканлигини бадиий воситалар, таржималар талқини орқали баён қилишдир.

Тадқиқотнинг жорий қилинганлиги. Мавзу юзасидан “Хорижий филология” журналида ҳамда “Сўз санъати” илмий тўпламида иккита илмий мақола эълон қилинди:

1. Эрнест Хемингуэй ижодида “йўқотилган авлод”. Хорижий филология: тил, адабиёт ва таълим. Самарқанд, 2015. – Б. 114-116.

2. “Алвидо, курол!”да тасвир ва талқин. Сўз санъати. Самарқанд, 2015. – Б. 45-46.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

1. Ғарбий Европа адабиётида “йўқотилган авлод” мавзусини аниқлаш;

2. Эрнест Хемингуэй “йўқотилган авлод” вакили сифатида ўз бошидан кечирган воқеаларни қай даражада асарларида талқин ва таҳлил этилганлигини белгилаш;

3. Бадиий тимсол ва портрет яратишда муаллиф ва таржимон маҳоратини таснифлаш.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, жорийлиги аниқланган.

Диссертациянинг биринчи боби “Инглиз адабиёти она тилимизда”, деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади. Бу бобда инглиз адибларининг бадиий асарларининг ўзбек тилига амалга оширилган таржималари хронологик жиҳатдан тартиб билан берилган. Инглиз-ўзбек адабиёти алоқаларининг ривожланиши тартиби аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Эрнест Хемингуэй романларида уруш мавзуси”, деб номланиб, уч параграфни қамраб олган. Бу бобда “йўқотилган авлод” мавзуси Э.Хемингуэйнинг “Алвидо, курол!” романи мисолида таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби “Бадиий таржимада бадиий тимсолни яратиш”, деб аталади. “Аслият + воситачи тил + таржима” тизими мисолида бадиий тимсолни қайта яратишда мутаржимнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қилинади.

I БОБ. ИНГЛИЗ АДАБИЁТИ ОНА ТИЛИМИЗДА

1.1. Инглиз-ўзбек адабий алоқалари

Адабиётчиларнинг бадиий таржима масалаларига бўлган қизиқишининг чеки йўқ.

Агар ўзбек адабиётини миллий адабиётлар ва унинг намояндаларини порлаб турган чўққилардан иборат қудратли тоғ ўлкаси десак, унинг энг қийин чўққиларидан бири “таржима”, деб аталади. Уни эгаллаш керак. Ўшанда биз тилимиз ва адабиётимизнинг бутун бойлигини намоён қила оламиз.

Ҳар бир янги таржима янги санъат асари деган сўз. Ундан кузатиладиган мақсад – бошқа халқларнинг энг яхши бадиий ёдгорликларини “импорт” қилиш, у билан халқимизни таништириш, қардош халқлар маданиятининг энг яхши фазилатларини ижодий ўзлаштириш, ўз адабиётимизда яратилган диққатга лойиқ асарларни бошқа халқларга “экспорт” қилиш, уларга тақдим этиш воситаси демакдир.

Ҳар қандай “товар”ни яратиш меҳнат сарфлашни талаб этадиган мураккаб иш бўлса-да, аммо “товар” айирбошлаш воситаси – таржима ғоят мураккаб жараён. Бошқа халқлар тилларига таржима қилинаётган санъат асарининг қимматини ҳар бир давлатда қабул қилинган баҳолаш ва пул бирлиги (сўм, доллар, фунтстерлинг ва ҳоказо) билан белгилаб бўлмайди. Санъат асарининг қиммати унинг мазмуни, яъни ғоявий фазилатлари, тарбиявий-маърифий аҳамияти, бадиий-эстетик хусусиятлари билан белгиланади.

Бир адабиётнинг тарихий тажрибасини бошқа адабиётнинг ижодий ўзлаштиришида таржималарнинг роли жуда катта эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Бошқа халқлар адабиётида яратилган ғоявий чуқур ва бадиий мукаммал асарларни ўз она тилларига таржима қилар эканлар, бу билан ёзувчиларимиз, бир томондан, ўзбек адабиётини янги санъат асари билан

бойитадилар, демакки, маънавий эҳтиёжи ва эстетик диди муттасил ўсиб боради ва таржима жараёнида янги – “учинчи адабиёт”нинг юзага келишига туртки бўлади. Иккинчи томондан, таржима жараёнида уларнинг ўзлари ҳам катта маҳорат мактабини ўтайдилар.

Лекин бадиий таржиманинг ўзига хос бир қонунияти бор: ўз дилингга яқин, бадиий овозинга жўр ва ҳамоҳанг, ўз дидинга мувофиқ, ёзувчининг китобини она тилингга ўтказганинг тақдирдагина чинакам бадиий таржима ярата оласан.

“Мен бир умр Пушкиндан ўрганиб келдим ва ўрганаман”, - деб айтган эди ажойиб Озарбайжон шоири Самад Вурғун. – Унинг ижоди мен учун ҳамма вақт буюк ижодий мактаб бўлиб келди. Агар шоир ўз ижодининг Пушкин поэзиясига ички яқинлигини ҳис этса, агар унинг идеаллари ва ижодий интилишларига мувофиқ келса, агар у Пушкинни жон дили билан севса, бу мактаб унга кўп нарсаларни ўргатиши мумкин. Борди-ю бундай ички алоқа бўлмаса, ҳар қандай ўрганиш ҳам ўзининг ижодий аҳамиятини йўқотади ва жонсиз, кўр, бемаъниларча тақлид қилишга айланиб қолади.

Кейинги йилларда инглиз адабиёти буюк намояндаларининг ижодини ўзбек тилида мунтазам равишда ўзлаштириб бориш, яъни уларнинг барча йирик асарларини планли асосда бирин-кетин таржима қилиш тажрибаси бошланганлиги қувончли ҳолдир.

Жаҳон халқларининг ўзаро ҳамдўстлиги, биродарлашуви, бир-бирини англаши, ҳаёт тарзи, урф-одати, ўзига хос миллий хусусиятлари биринчи навбатда адабий алоқалар, бадиий таржима ва таъсир натижасида юзага келади.

Адабий алоқаларнинг асосий воситаларидан бири бадиий таржимадир. Бадиий таржима бадиий адабиёт сингари қадимийдир. Буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ўзининг “Иқболнома” асарида Искандар Зулқарнайн қайси мамлакатни забт этса, биринчи навбатда ўша халқнинг маданияти, тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганиш мақсадида

мавжуд адабиётларни таржима қилишга буюрганлигини тасвирлайди. Демак, бадиий адабиёт борки, бадиий таржима бақимти ривож топиб, халқларни бир-бирига яқинлаштиради, бир-бирини маънавий жиҳатдан бойитади, тафаккур оламини кенгайтиради. Натижада таржима жараёнида шаклланган фикрлар, ғоялар, ҳаяжонли ҳис-туйғулар мутаржим шуурида жамланиб, янги бир асарнинг юзага келишига туртки бўлади. Мисол тариқасида етук таржимонлардан Эркин Воҳидов “Фауст” таржимаси таъсирида “Тирик сайёралар” асарини, Абдулла Орипов “Илоҳий комедия” таъсирида “Жаннатга йўл” асарини, Туроб Тўла “Мария Стюарт” таъсирида “Нодирабегим” каби асарларни яратди. Бу ҳолат жаҳон халқлари ҳаёт тарзида, адабиёт ва санъатида ўзига хос универсалликнинг мавжудлигидир. Халқимизда ажойиб бир нақл бор “Ўзингни англаш учун ўзгани ўрган”, - деган. Шу маънода халқимизнинг ажойиб шоир ва таржимонлари чет эл халқлар маданиятига қизиқиши, айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Чунки биз қисқа вақт орасида 130 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишимизга тўғри келди. Ва айти шу давр мобайнида аслиятдан она тилимизга таржима қилиш ривож топди. Собиқ Совет даврида чет эл адабиётининг аксарияти восита тил – рус тили орқали она тилимизга таржима қилинган. Аслиятдан ўгирилган бадиий таржималар санокли эди, холос.

Ўзбекистонда таржима тарихига назар ташлайдиган бўлсак, инглиз адабиётидан кўплаб асарларнинг она тилимизга ўгирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Биз ушбу ишимизда Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британияда яшаб ижод этган шоир ва ёзувчиларнинг мутаржимлар томонидан таржима қилинган асарлари ҳақида тўхталамиз. Биз ушбу ишимизда 1985 йил 1 январга қадар таржима қилинган асарлар ҳақида фикр билдирмоқчимиз [82].

Инглиз адабиётидан ўгирилган таржималар таҳлилининг далолат беришича, инглиз-ўзбек адабий алоқалари XX асрнинг 20-йилларига тўғри

келади. Ўзбек китобхони илк бор таниқли Америка Қўшма Штатлари адиби Жек Лондоннинг “Эскимос боласи Киш” асари билан 1926 йилда танишиш бахтига муяссар бўлдилар. Асар араб графикасида бўлиб, унда Америка Қўшма Штатларидаги кичик меҳнаткашлар турмуши баён қилинади. Тез орада Жек Лондоннинг ушбу бадиий асари кичик ва катта ёшдаги болалар ўртасида машхур бўлиб кетди. Жек Лондон шахси ижодкор ва ёзувчи сифатида ўзбек таржимон ва ёзувчиларининг диққат эътиборини тортди. Жек Лондоннинг ушбу ҳикояси 1990 йилда Аъзамов ва Хўжаев таржимасида, 1958 йили Ф.Абдуллаев таржимасида, 1979 йили А.Эшонқулов, А.Ражабов таржимасида чоп этилди. 1938 йили кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун мўлжалланган “Бўри” номли ҳикояси чоп этилди. Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романи Қ.Мирмуҳамедов таржимасида 1961 йили, “Уч қалб” романи Ҳ.Иброҳимов таржимасида 1974 йили, “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоялар тўплами Ф.Абдуллаев таржимасида 1961 йилда чоп этилди. Америка адабиётидан ўгирилган таржималар ичида Марк Твен алоҳида ўрин эгаллайди, чунки у тез орада ўзбек китобхонларининг энг севимли ва ардоқли ёзувчисига айланди. “Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари” номли асари 1939 йилда О.Раҳимий ва А.Тўлаганов таржимасида, О.Раҳимий таржимасида 1947-1969 йиллари чоп этилди. Ушбу асар нафақат О.Раҳимий ва А.Тўлаганов таржимасида, балки 1935 йилда лотин графикасида “Тек Финнинг бошидан кечирганлари” номи билан таниқли таржимон Буюк томонидан ҳам ўгирилган. Марк Твеннинг “Том Сойёрнинг бошидан кечирганлари” деган асари бўлиб, ушбу асар ҳам қайта-қайта нашр этилди. Илк бор 1935 йили А.Пирназаров таржимасида чоп этилди. Асар ниҳоятда сермазмун ва қизиқарли бўлганлиги сабабли, у 1940 ва 1948 йиллари қайта нашрдан чиқди. Ушбу асарнинг давоми бўлган “Том Сойёрнинг янги саргузаштлари” асари А.Абдумажидов таржимасида 1980 йилда нашр этилди. Марк Твеннинг яна бир машхур асари “Шаҳзода ва гадо” қиссаси Нурбек таржимасида 1962 йилда, ўрта ёшдаги болалар учун мўлжалланган

“Ҳикоя ва памфлитлари” 1959 йилда У.Раҳмон ва бошқалар таржимасида чоп этилди. “Жанна д’Арк” романи 1965 йили Р.Комилов таржимасида, “Янки ва Қирол Артур” романи Ш.Усмонхўжаев таржимасида, “Эзма Бесси ҳикоялари” У.Шамсиддинов таржимасида 1963 йили нашр этилди.

Ўзбек китобхонлари қалбидан жой олган яна бир адиб Теодор Драйзер ҳисобланади. Унинг ижоди билан танишиш, асарларини мутоала қилиш 1933 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилда адибнинг “Олтин ваҳимаси”, “Зеки жойлар” ҳикоялар тўпламлари лотин графикасида чоп этилди. Ўтган асрнинг 70-йилларида адибнинг ижодига бўлган қизиқиш янада кучаяди. Жумладан, Т.Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” романи 1973 йили, “Америка фожеаси” романи 1976 йили, “Женни Герхардт” романи 1992 йили Э.Носиров таржимасида чоп этилди. Таниқли таржимон Э.Носиров катта маҳорат билан Теодор Драйзернинг учала романини она тилимизга ўгириб ўзбек китобхонларининг маънавий бойишида улкан ҳисса қўшди.

Америкалик таниқли ҳикоянавис ва турли афсоналар устаси Ирвинг Вашингтон ҳам бадиий таржима туфайли ўзбек китобхонининг севимли ёзувчисига айланди. Унинг “Ҳикоя ва афсоналар” тўплами 1980 йили Н.Ҳолиқов, Т.Искандаров, М.Маҳмудов ва бошқалар таржимасида чоп этилди.

Америкада яшовчи индеецлар ҳаётини ва турмуш тарзини яхши билоғони, уларнинг ўз озодликлари учун мардонавор курашганлиги катта маҳорат билан тасвирланган Фенимор Купернинг “Жосус ёхуд бетараф ўлка ҳикояти” асари 1979 йилда, “Изқувар” романи 1984 йилда, “Сўнгги могикан ёхуд 1957 йил ҳикояти” романи 1973 йилда, “Чингчакчук – улкан илон ёхуд урушнинг дастлабки сўқмоғи” романи 1971 йилда таниқли мутаржим Э.Миробидов томонидан таржима қилиниб, чоп этилди. Генри Лонгфеллонинг “Гайявата ҳақида қўшиқ” А.Абдураззоқ таржимасида 1973 йилда, О.Генрининг “Сўнгги япроқ” (В.Абдуллаев таржимасида 1961 йили), “Ўғрини қароқчи урди” (Т.Пидаев таржимасида 1964 йили)

новеллалари, По Эдгарнинг “Тилла кўнғиз” ҳикояси Х.Рўзматов таржимасида 1962 йилда чоп этилди. Жон Риднинг “Дунёни титратган ўн кун” романи М.Раҳмонов таржимасида 1960 йилда, Джон Стейбекнинг “Ҳайбатли тоғлар” ҳикоялари М.Мирзоидов таржимасида 1963 йилда эълон қилинди. Фаст Говарднинг “Сакко ва Ванцеттининг жасорати: Янги Англия афсонаси” повести М.Яҳёев, В.Абдуллаев таржимасида 1956 йилда, Шульц Жене Виларднинг “Нваҳ қабиласининг фарзанди” қиссаси Т.Иброҳимов таржимасида ўзбек китобхонларига етказилди.

Ўзбек китобхонлари қалбидан аллақачон жой олган адиблардан яна бири Эрнест Хемингуэй ҳисобланади. Унинг “Алвидо, курул!” романи 1973 йилда, “Чол ва денгиз” повести 1963 йилда И.Ғофуров таржимасида, “Қуёш барибир чиқаверади” романи А.Абдумажидов таржимасида 1984 йилда чоп этилди. Булардан ташқари иккита тўплам, яъни “Америкаликлар Америка ҳақида” С.Абдуқаҳҳор, Ф.Алиева таржимасида 1950 йилда, “Олтин сароб” ҳикоялари А.Иминов таржимасида 1972 йилда чоп этилган.

Амалдаги таржимонларнинг аксарияти восита тил, яъни рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинган. “Олтин сароб” ҳикоялар тўпламигина аслиятдан ўгирилган бўлиб, ушбу таржима А.А.Иминов қаламига мансубдир.

Инглиз адабиётидан 18 дан зиёд муаллифларнинг асарлари она тилимизга таржима қилинган. Инглиз адабиётидан таржималар ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Илк бор таниқли инглиз драматурги Вильям Шекспернинг 5 пардали фожеаси “Ҳамлет” Чўлпон таржимасида 1934 йили, Э.Войничнинг “Сўна” романи М.Исмоилий таржимасида 1934 йили нашр этилди. Кейинчалик инглиз адабиётига бўлган қизиқиш янада кучайди. Ж.Г.Байрон, Р.Бёрнс, Г.Грин, Ч.Диккенс, К.Доил, Ж.Олдриж, Г.Уэллс, Г.Ҳаггард, В.Шекспир, Э.Блайтон, Д.Дефо, Р.Киплинг, Ж.Свифт, П.Трэверс ва Энн Ҳогартларнинг асарлари билан ўзбек китобхонлари заҳматкаш мутаржимларимиз туфайли инглиз бадиий адабиёти билан “ошно” бўлишга имкон топдилар.

Албатта, юқорида қайд этилган таржималарнинг аксари восита тил орқали таржима қилинган. Аслиятдан таржималар санокли холос (А.А.Иминов ва Ж.Камол). Шу сабаб ҳамма таржимавий асарлар юқори савияда амалга оширилган, деб бўлмайди. Мана мустақиллик шарофати билан чет тилларга, хусусан, инглиз тилига эътибор кундан кунга кучаймоқда, инглиз тилининг ҳақиқий билагонлари кўпаймоқда ва келажакда аслиятдан ўгира оладиган таржимонлар кўпайишига умид боғлаймиз.

Бу таржималар халқлар ўртасида адабиёт ва санъат асарларини айирбошлаш, маданий алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш, миллатлар ўртасида дўстлик алоқаларини кенгайтириш ишига хизмат қилади. Бунинг натижаси ўлароқ бир халқнинг ютуқлари ва илғор анъаналаридан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади.

Бадий таржиманинг воситачилик аҳамияти жуда катта. Бу восита туфайли ўзбек халқи жаҳон адабиёти асарларини ўз она тилида ўқиш шарафига муяссар бўлмоқда. Шунингдек, халқимиз барча қардош халқлар адабиётининг кўзга кўринган асарлари билан танишиб бормоқда. Ўз навбатида, ўзбек халқи яратган кўпгина санъат асарлари ҳам бадий таржима туфайли жаҳон майдонига олиб чиқилади.

Ўзбек зиёлиларининг меҳнатсевар, камтарин отрядини ташкил этувчи таржимонларимизнинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати туфайли инглиз адабиётида турли туман жанр ва мавзуларда ижод қилинган жуда кўп асарлар ўзбек тилига яхши таржима қилинди.

Ғоя ва мазмун, тил ва услуб томондан мураккаб жуда кўп асарларнинг ўзбек тилига катта муваффақият билан таржима қилиниши узоқни кўра олмайдиган айрим “маданият арбоб”ларининг ўзбек тили камбағал тил, унга жаҳон адабиётининг йирик асарларини ағдариб бўлмайди, деган даъволарни пучга чиқарди. 50 йил мобайнида ўзбек таржимонлари тўплаган тажриба ўзбек адабий тили ривожланган ва катта имкониятларга эга бўлган бой тил эканлиги, унда ҳар қандай мураккаб,

чукур илмий фикр ва гўзал бадийи формани ифодалаш учун зарур бўлган ҳамма воситалар мавжудлигини яққол кўрсатди. Шу билан бирга, жаҳон ва рус адабиёти классиклари асарларининг таржимаси туфайли она тилимизнинг лексик имкониятлари янада кенгайди, сўз бойлиги ошди, турли янги илмий таъриф ва тушунчалар, улар билан бирга янги-янги сўз, термин, мақолалар кириб келди.

Ёзувчи ва унинг асари ўзбек китобхонлари наздида нечоғли муваффақият қозониши ва шоён бўлиши кўп томондан таржимоннинг маҳоратига боғлиқ. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган моҳир таржимон китобхонга муаллифнинг барча маҳорат сирлари, унинг ижодига хос тил ва услуб хусусиятларини тўғри етказа олади. Таржимон доимо эсда сақлаши керакки, китобхон унинг ютуғини “таржимоннинг” эмас, балки муаллифнинг ютуғи, деб талқин қилади, шу билан бирга, унинг таржимасидаги кам-кўстлари “таржимоннинг” эмас, балки, муаллифнинг нуқсони, деб тушунади. Бинобарин, ишқал таржимани китобхон таржимоннинг иши, деб қарамайди, балки бу ёзувчининг ғўр ва ношуд ижодий маҳсули, деб билади.

1.2. Ғарбий Европа (Америка) адабиётида “Йўқотилган авлод”

уруш мавзуси ва унинг ҳозирги пайтдаги аҳамияти

“Lost Generation” “Йўқотилган авлод” XX асрнинг 20-йилларида капиталистик тамаддунида хорижий ёзувчилар гуруҳига нисбатан татбиқ этилган хорижий ёзувчиларнинг капиталистик тамаддунда ҳафсаласизликни акс эттирган ёзувчиларнинг қатор китобларида биринчи жаҳон уруши фожеаларини акс эттирганлиги баён этилади.

“Йўқотилган авлод” ифодасини биринчи марта Америка адибаси Гертруда Стайн Э.Хемингуэй билан қилган суҳбатида ишлатган эди. Ўшандан сўнг биринчи жаҳон урушини бошидан кечирган, руҳан жароҳатланган, ўзларининг ватанпарварлик ғояларига ишонмайдиган,

качонлардир руҳан курук, нима қилишини билмай, саргардон бўлиб юрган жамиятга ёт бўлиб қолган кишилар “йўқотилган авлод” қаторига мансуб эди. “Йўқотилган авлод”, деб аталишининг сабаби, улар кераксиз бемаъни уруш доираларини бошидан кечирганлиги, ўз наслининг табиий давомчиси бўлиш заруратидан маҳрум кишилар бўлиб қолганлиги, мавжуд ва келажак ҳаётига умиди қолмаган кишилар бўлиб қолганлигидир [64, Б. 17].

Америка, Франция, Англия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг демократик кайфиятдаги интеллигентлар урушга жалб қилинган ботинан: ўша урушнинг ноҳукукий, кераксиз, ўзининг уруши эмаслигига ишонган кишилар эди. Бу ҳолатни кўпчилик ҳис қилар, уруш пайтида ҳар хил баррикадалар томонида турган одамлар билан қалбан яқинлик сезишарди.

Урушнинг хунрезликларидан сўнг, кимдир уйига оёғидан, кимдир кўлидан жудо бўлган ёки жисмоний соғлиғини йўқотган ҳолда қайтган эди. Юксак ғояларга, ҳаётга ишонч, келажакка бўлган ишонч йўқолган эди. Устувор ва мустаҳкам ҳисобланган маданият, ақл-заковат, шахснинг ўзига хос эркинлиги худди елга дош бермайдиган кулба сингари кулаб, култепага айланган эди.

Замонлар силсиласи узилиб, энг муҳим ва теран ўзгаришлар юз берган психологик муҳитда ўша юксак тушунча ва туйғуларни йўқотган “йўқотилган авлод” ҳодисаси пайдо бўлди, ҳолбуки ўша авлод мазкур ғоялар таъсирида тарбияланган эди, ўша қадриятлар эндиликда инкор этилган эди. Ўша авлод учун “барча худолар, барча жанглар маҳв бўлган эди”, “инсонга бўлган ишонч” ортда қолган эди [34, Б. 102].

Э.Хемингуэй ўзининг „Fiesta The Sun Also Rises“ романига “Сиз ҳаммангиз йўқотилган авлодсиз”, деган сўзларни иқтибос (эпиграф) қилиб олганди, ана шу жумла борган сайин ўзининг ҳақиқий мазмунини йўқотиб, вақт ва ўша давр одамларини ифодаловчи иборага айланган эди. Лекин кишилар ўртасида расм бўлган ўша ҳаётий тажриба улар ўртасида кескин чегара бўлиб қолди. Зоҳиран ҳамманинг кўриниши бир хил эди: ошкора

хаёсизлик, заҳарханда, афти башараси қийшайган, ҳафсаласи пир бўлган, толиққанликдан эзилган кўринишга эга эдилар. Лекин бу ҳол бировлар учун чинакам фожеа бўлса, бошқа бировлар учун ниқоб, тагин бошқа бировлар учун кенг тарқалган ахлоқ ўйини услубини эслатарди. Улар жароҳатланган, ҳақиқатан юксак ғояларнинг йўқолганини бошидан кечирмоқда, зеро улар ўша ғояларга ишониб яшарди, уларни муқаддас дея эъзозлашардилар, у ўша даврнинг бузуқлигини, боши қовушмаслигини бошидан кечирар эдилар. Лекин улар ўзларининг рухий ҳолатини эҳтиётлаб сақлашдан йироқ ишлашни хоҳлашарди, аммо йўқотишлар борасида, амалга ошмаган ниятларни бекордан бекор изоҳлашни ортиқча даҳмаза, деб билишар, ўзларини меҳнат қилишга отлантиришарди.

“Йўқотилган авлод” вакилларининг ижодий уринишларининг умумий мазмунини инсонни ахлоқий ақидалар таъсиридан ҳалос қилишдан иборат дея таърифлаш мумкин, зероки улар ўша ақидалар замонасозликни оммавий тарзда талаб қиладиган ва инсон шахсининг қадриятини маҳв этадиган характерга моликдир. Бунинг учун янги ахлоқий тамойил топиш, ишлаб чиқиш ва яратиш, янги ахлоқий меъёр ва ҳатто турмуш фалсафасини вужудга келтириш талаб қилинади. Уларнинг замирида урушнинг ўзига, ўша даврда негиз ҳисобланган (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий) тамойил – ашаддий нафрат устунлик қилмоғи зарур эди, уларнинг тараққиёти муқаррар суратда дунёни ҳалокат ёқасига келтирган эди. “Йўқотилган авлод”ни тараннум этган адибларнинг онгида зикр этилган ўша салбий тамойиллардан ўзини узоқлаштириш зарурати ҳақидаги, инсонни пода ҳолатидан соқит қилиш фикри етилмоқда эди, чунки одам шахс сифатида ўзини англаб етмоғи, айни замонда антагонистик (мурасага келтириб бўлмайдиган) жамиятнинг тамойилларига зид бўлган тамойилларни вужудга келтириш зарурати бўлмоғи лозим эди. Ўша адибларнинг қаҳрамонлари ҳеч қачон ўзларини ёт хоҳиш-иродага бўйин эгган эмас, қўғирчоққа айланмаган кишилар сифатида таърифланади, улар ўзларига хос хусусиятларга эга, эмин-эркин

тийнат билан ҳаракат қилувчи кишилар бўлиб, ҳеч қачон бепарволикка йўл қўймаган, эндигина мактабни битирган ёшлар, улар ҳатто мактабни битиришга ҳам улгурмаган. Хўш, “йўқотилган авлод”, деб аталганларнинг хусусиятлари қандай? “Йўқотилган авлод” вакилларининг аксарияти ёшлар [27, Б. 65].

Ҳалол-покиза ва биров анойи, гўл йигитлар ўқитувчиларнинг илғорлик ва тамаддун ҳақидаги баландпарвоз сўзларига ишониб, сотқин матбуот хабарларини ўқиб, миллатчилик ҳақидаги нутқларни ўзига сингдирган ёшлар, биз юксак ва олийжаноб бурчимизни адо этишимиз зарур, деган сохта онг билан фронт (жанг) га отланишган. Кўплаб ёшлар кунгилли равишда фронтга жўнаган. Фаҳму-фаросатнинг дафъатан етуклик касб этиши даҳшат даражада эди; ошкора воқелик билан тўқнашгач, ёшликнинг юксак орзулари чилпарчин бўлиб кетганди. Бешафқат ва бемаъни уруш уларнинг ҳаёлотини дарҳол чиппакка чиқариб юборди, бурч ҳақидаги баландпарвоз сўзларнинг, адолат ва инсонпарварлик ҳақидаги фикрларнинг куруқ ва пучлигини намоён этди. Лекин миллатчилик “тарғиботига ишонишдан воз кечаётган кечаги мактаб ўқувчиси дунёда нима юз бераётганини теран тушунмасди. Улар нега энди ҳар хил миллатлар бир-бирини ўлдириши кераклигини улар англаб етолмасди улар борган сайин бошқа армияларнинг аскарларига бўлган миллатчилик нафратидан воз кеча бошлайди, чунки улар ҳам ўзлари каби оддий бахтиқаро одамларнинг, ишчиларнинг, деҳқонларнинг фарзандлари эканини англаб етишади. Болакайларда байналминаллик руҳи уйғона бошлайди. Урушдан кейин собиқ рақиблари билан бўлган учрашувлар “йўқотилган авлод”да байналминалликни янада мустаҳкамлайди, кучайтиради [13, Б. 37].

Узоқ ўй-мулоҳазалар натижасида аскарлар урушнинг айрим шахсларнинг бойишига хизмат қиладиган восита эканини тушуна бошлашди, улар унинг ноодил хусусиятга эга эканлигини англаб, урушни инкор қиладилар. Биринчи жаҳон урушининг қирғинбарот эканлигини

бошидан ўтказганларнинг тажрибаси уларда милитаризм (урушни фаоллаштириш сиёсати) га, бешафқатларча зўравонликка нафрат уйғотди, ўлим келтирувчи қирғинлардан бир умр нафратланишга ундади. “Йўқотилган авлод”ни тараннум этувчи адиблар ўзларининг урушга қарши ёзган асарларини яратишни ўзларининг ахлоқий бурчи, деб билишарди, бу уларнинг ҳалок бўлганлар ва тирик қолганларга бўлган эҳтироми сифатидаги бурчи сингари янграган эди, улар, шунингдек, келгуси авлодни ҳам ёдидан чиқарган эмасди [14, Б. 43].

“Йўқотилган авлод”нинг энг яхши вакиллари барча ҳаётий синовларда: дахшатли отишмалар, миналарнинг тинимсиз портлаши, совук ва очлик, ўртоқларининг окоплардаги ўлими, шифохона (лазарет) ларда ёки урушдан кейинги оғир йиллар, ишнинг тайини йўқ, пул йўқ вақтда қатъиятлилиқ ва жасорат намоён этишди. Қаҳрамонлар бир-бирини қўллаган ҳолда барча машаққатли кунларни, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун сукут сақлаб ўтказди. “Йўқотилганлик” ва шахсий жасоратнинг ёвузлик руҳи билан суғорилган ҳолатларга қарши курашда унинг хусусияти замирида ётган дунёни ҳис қилиши билан монанд эди, деса бўлади. Уруш туфайли майиб-мажруҳ бўлган одамларнинг “таянч нуқтаси” – жангдаги ўртоқлик ва дўстлик. Уруш туфайли вужудга келган дўстлик – ягона қадрият. Ўлим келтирадиган хатар ва муҳтожликлар билан юзма-юз бўлган пайтдаги биродарлик киши ҳаётида бир умр устувор куч бўлиб қолади. Солдатлар ана шу дўстликка, ягона риштага умид боғлайди, ўша ришта уларни урушдан аввалги пайтдагидек бир-бирига тинч ҳаётга боғлайди.

Тинч ҳаётга қайтгандан кейин собиқ фронт иштирокчилари ҳар хил тарзда “янги ҳаётга йўл” излаётиб, хилма-хил табақадаги одамлар ўзаро учрашувларда бир-бирини билиб олишади, аммо “янги ҳаётга йўл” тушунчасининг ҳам ҳаёлий эканлигига амин бўлишади.

Аммо жанг чоғидаги дўстликка содиқ бўлганлар уни тинч йиллардагидек мустаҳкамлайдилар ва бойитадилар. Ўртоқлар биринчи

чақирикдаёқ туғилиб келаётган фашизмга қарши курашда ўз дўстларига ёрдам қўлини чўза бошлашди.

Урушдан қайтган собиқ солдатлар ўзларини саросимага тушгандек ҳис қилишади, чунки уларнинг кўпчилиги мактабда ўқиб юргандаёқ фронтга сафарбар қилинган эдилар, уларнинг ихтисоси йўқ, иш топиши амри маҳол, улар кўнгилдагидек ҳаёт қуришга мослашмаган эди. Собиқ солдатларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Дунёда ёвузлик ҳукмрон, унинг ниҳоясига ишонч йўқ. Бир бор алданганлари учун улар яхшиликнинг борлигига бўлган ишончини йўқотади. Собиқ солдатлар учун мавжуд воқелик катта ва кичик фожеалардек намоён бўлади, унда одамнинг бахтга интилиши ҳам беҳуда туюлади, улар ўзларида бунинг учун рухий куч тополмайди, улар излаган маънавий қадриятлар, ахлоқий юксак орзулар мағлубиятга маҳкум этилгандек, туюлади [27, Б. 57].

“Йўқотилган авлод” вакиллари дунёда ҳамма нарсанинг ўзгариб кетганини, уларни “демократия” ва “ватан” учун жон беришга даъват этадиган чиройли шиорларнинг ҳаммаси ёлғон экани, ўзларининг алданганлигини тушуниб олгач, саросимага тушиб, ҳамма нарсага бўлган ишончни йўқотишди, эски ҳаёлотлар йўқолди, янгисидан эса дарак йўқ, миркуруқ бўлиб қолган ёшлар ўз ҳаётига зомин бўла бошлашди: мастликка, бузуқликка муккасидан кетишди, янги ҳис-туйғуларга эга бўлишга интиладиган бўлиб қолишди. Мана шундай иллат шахснинг одамлар ўртасида ёлғиз бўлиб қолишига сабаб бўлди. Ёлғизлик фожеавий ҳодиса, бу фақат ёлғиз ҳолда яшашгина эмас, балки бошқаларни тушуниш ва бошқалар томонидан тушунилиш имконияти ҳамдир. Ёлғиз кишилар гуё тўрт девор ичида қолиб, ҳеч кимнинг эшигини қоқиш имконига эга бўлмасликдан бошқа нарса эмас, уларнинг эшигини қоқадиганлар ҳам йўқ. “Йўқотилганлар”нинг кўпчилиги ҳаёт учун курашга дош беролмай ўз-ўзини ўлдиришди, кимдир ақлдан озганлар уйидан паноҳ топди, кимдир йўлини топиб, қасос олувчилар тузоғига тушиб қолди. 1929 йилда Э.М. Ремаркнинг (1898-1970) „All Quiet on the Western Front“ романи босилиб

чикди, унда адиб уруш ҳақидаги ҳақиқатни самимий ва ҳис-ҳаяжон билан баён этганди. Ўша китоб ҳозиргача урушга қарши ёзилган китоб сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу китобда Ремарк урушнинг барча даҳшатли кўринишларини яққол кўрсатди: атакалар манзараси, артиллерий дуэлларнинг юз берганини, ушбу кирғинбарот урушда кўпларнинг ўлганини, майиб-мажруҳ бўлганини ошкора воқеалар ёрдамида тасвирлаган. Ушбу китобни адибнинг шахсий ҳаётининг тажрибалари маҳсули, деса бўлади. 1898 йилда туғилган Ремарк бошқа тенгдошлари каторида мактаб ўринидигидан урушга чақирилган эди, Ремарк француз жанглари ва Ғарбий фронтнинг бошқа бўлимларида иштирок этиб, бир неча бор ярадор бўлган эди. 1917 йилнинг августида у Дуйсберг лазаретида бўлган эди, ўша ердан ҳам жангчи дўстларига ёзган хатларида у бундай урушларнинг бир неча ўн йиллардан сўнг такрорланиши ҳақида башорат қилган эди. Ушбу романда яқин ўтмиш ҳақида ҳикоя қилинса ҳам, лекин у келажакка қилинган мурожаат эди: ҳаётнинг ўзи уни эҳтиёткорлик аломати сифатида исботлаган эди, зероки кайзерлик режимига чек қўйган 1918 йил инқилоби, милитаризмни инкор этмаган эди. Бундан ташқари, миллатчилик, бошқа реакцион кучлар ва Германиянинг биринчи жаҳон урушидаги мағлубияти қасоскорликни тарғиб этишга хизмат қилган эди.

Урушга қарши руҳ билан суғорилган “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романи байналминаллик билан чамбарчас боғлиқ эди. Роман қаҳрамонлари бўлган солдатлар бошқа миллат ўлдиришга ким мажбур этаётгани тўғрисида ўй сура бошлайдилар. Романнинг аксарият бобларида солдатларнинг ўртоқлиги ва дўстлиги борасида фикр юритилади. Етти нафар синфдош йигитлар фронтда бирга курашади, бир ротага тегишли бўлсада, улар камдан кам ҳолларда бирга дам олишади, ўша синфдошларни муқаррар бўлган ҳалок бўлишдан сақлаш учун уларни бирга ўқитишади, ўргатишади, улар уруш даҳшатларини бирга ҳис қилади, ҳужумга бирга ўтишади, артиллерия отишмалари чоғида ҳам бирга

бўлишади, ҳалок бўлган ўртоқларини бирга дафн этишади. Алқисса, етти синфдошдан биттаси омон қолади [14, Б. 56].

Романнинг мазмуни муқаддиманинг биринчи сатрларидаёқ маълум бўлади: бош қаҳрамон ўлдирилганда фронтда жимлик ва осойишталик ҳукм сувардики, ҳарбий маълумотлар биргина: “Ғарбий фронтда ўзгаришлар йўқ”, деган гап билан тугарди. Ремаркнинг шарофати билан аччиқ кулги фразеологик оборот (мулоқот воситаси) га айланди. Романнинг ҳажмдор чуқур тағмаёноси сарлавҳаси китобхонга ҳикоя қилиш ва муаллиф ғояларининг мағзини чақиш имконини беради, ажабо “юксак” нуқтаи назардан қараганда асосий (бош) қўмондонлик мавжуд бўлса-ю, фронтда ҳамма нарса ўзгаришсиз қолса, шунча даҳшатли ҳодисалар юз берган жойда наҳотки ўзгаришлар содир бўлмаса [16, Б. 12].

Ремаркнинг асосий романлари ички томондан ўзаро боғлиқдир. Бу ҳол фожеали даврдаги ягона инсон тақдирининг хроникасини эслатади, хроника (ўтаётган вақт) автобиографик хусусиятга эга. Ўзининг қаҳрамонлари янглиғ биринчи жаҳон урушининг қирғин пайтини бошидан кечирган киши, ана шу тажриба унинг бутун ҳаётини заҳарлаган милитаризм (ҳарбий сиёсат) га бўлган нафратини белгилаган эди.

Ричард Олдингтон (1892-1962) урушдан кейинги ёки “йўқотилган” авлод ёзувчиларига мансуб эди, чунки унинг ижодининг яшнаган пайти XX асрнинг 20-30-йилларига бориб тақалади. Шоир, новеллист, романнавис, биографик асарлар автори, таржимон, адабиётшунос танқидчи Олдингтон “йўқотилган авлод” кайфиятини ифодаловчи эди. Уруш туфайли вужудга келган руҳан саросимага тушиш каби ҳолатлар асосан Олдингтон ижодида катта роль ўйнаган воқеа Биринчи Жаҳон уруши эди. Ёзувчининг илк романи „Death of a Hero“ бўлиб, Англиядан ташқари ҳудудларда ҳам машҳур бўлиб қолди. Роман ғоявий сюжетига кўра биографик романи эслатади, лекин проблематикасига кўра урушга қарши ёзилган романдир. У ҳарбий ҳалокатларни тасвирловчи роман сифатида фронт манзараларига катта ўрин берилган. Автор ўз қаҳрамони тарихига

кўп ўрин қолдирмаган, аммо ундаги воқеалар синчиклаб таърифланган, урушнинг фожеали тугаши яққол баён қилинган. Авлоднинг фожеали тақдири кенг қамровли бўлиб, кишилар характерининг шаклланиши ишонарли тарзда берилган [86, Б. 34]. Романнинг қаҳрамони Джорж Уинтербуорн бўлиб, у ўн олти ёшидаёқ барча шоирларни ўқиб чиққан, ҳатто Чосерни ҳам яхши ўзлаштирган, шахсиятпараст ва эстет сифатида атрофдаги “оилавий ахлоқ”нинг иккиюзламалигини англаб етган ёш йигит. Фронтга келиб қолгач, урушнинг жиноий хусусиятга эгалигини англаб етади. У фронтга истеъдоднинг керак эмаслигини, урушга фақат итоаткор солдатлар керак эканлигини англаб етади. Ўша қаҳрамон йигит бундай ҳарбий ҳаётга мослашишни истамайди, алдашга ва ўлдиришга ўрганмаган. У таътилга қайтгач, ҳаёт ва жамиятга тамоман бошқача муносабатда, ўзининг ўта ёлғизлигини ҳис қилади. Унинг ҳафсаласи пир бўлганини на ота-онаси, на хотини тушуниб етди, унинг шоирона қалбини ҳеч ким тушуниб етмайди. Уруш уни бутунлай эзиб юборган эди, яшашга бўлган истаги йўқолгач, ҳужумлар чоғида кўксини ўққа тутди. Ушбу “ғалати” ва ноқаҳрамонларча ўлимини сабаби атрофдагиларга номаълум, унинг фожеали ўлимини ҳеч ким фаҳмламади. Унинг ўлими тўғрисида, ўзини-ўзи ўлдириш бўлиб, бир жиҳатдан шафқатсизлик ва виждонсизлик дўзахидан ҳалос бўлишдан иборат эди. Олдингтон қаҳрамонининг психологик ҳолатини ва унинг ҳаётининг асосий фурсатларини иложи борица чуқурроқ таҳлил қилишга интилишдан мақсади унинг ҳаёлот ва умидларидан қандай ҳалос бўлишини кўрсатишдан иборат. Сохталикка асосланган оила ва мактаб Уинтербуорнни империализмнинг жанговар куйчиси руҳида шакллантиришга уриниб кўришди. Уруш мавзуси ва урушнинг оқибатлари унинг романларида ва ҳикояларида алоҳида кўзга ташланади. Унинг барча қаҳрамонлари уруш билан боғлиқ, ҳаммасида урушнинг ҳалокатли таъсири ўз аксини топган.

Френсиз Фицджеральд (1896-1940) – Америка адиби ўзининг Америка “жаз даври” (20-йиллар) ни тасвирлаган романлари ва ҳикоялари билан

машҳур бўлган. Ф.Фицжеральднинг ижоди XX аср Америка адабиётининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг гуллаб яшнаган даврини ўз ичига олади. Драйзер, Фелкнер, Форест, Хемингуэй, Сендберг ва Т.Вульф унинг замондошлари эди. Йигирманчи асрнинг 20-нчи ва 30-нчи йилларда ана шу саҳдаги ёзувчиларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли Америка адабиёти дунёнинг энг йирик адабиётларидан бирига айланди, шу жаҳҳада Фицжеральднинг ёрқин ўрни мавжуд. Ғайритабиий тийнатга молик адиб хронологик (воқеаларнинг кетма-кет содир бўлишига асосланган) тарзда ватан адабиётининг янги даврини кашф этаркан, биринчилар қаторида глобал кўп қамровли, биринчи жаҳон урушининг ҳалокатли томонлари ҳақида авлод номидан тилга кираркан, ўзи яратган тимсолларнинг орзулари ва ҳафсаласи пир бўлганини чуқур назмий ифодалилиқ билан боғлади, шу билан бирга гуманистик қадриятларнинг қиппаққа қиқисини олдиндан тасвирлаган эди [71, Б. 8]. Фицжеральднинг адабий муваффақияти жуда эрта ва шовқинли тус олган эди. Унинг биринчи романи „This Side of Paradise“ (1920) ни Алабамадаги ҳарбий хизматини ўтагандан сўнг ёзганди. Романда ҳали фронтга боришга улгурмаган, урушда бўлмаган, унинг тарихда бурилиш бўлганини бошидан кечирмаганларнинг қайфиятини ифодалаган эди. Китоб “йўқотилган авлод” ҳақида ҳикоя қиларкан, улар учун “барча худолар ўлган, барча урушлар ниҳоясига етган, ҳар қандай ишонч ғойиб бўлган”лигини тасвирлайди. Тарихий ҳалокатдан сўнг дастлабки инсоний муносабатлар шакллариининг тамоман ўзгача бўлиб кетганини англаб етаркан, Фицжеральднинг дастлабки романларининг қаҳрамонлари ўз атрофидаги қишилларда руҳан бўшлиқ ҳукмронлигини сезади, улар учун ҳис-ҳаяжонли ҳаётдан нишона қолмаган, ахлоқий жиҳатдан чегараланган, келажакка бўлган ишонч йўқолган [71, Б. 23].

Джон Пассос (1896-1970) Америка ёзувчиси биринчи жаҳон урушида санитарлик қилган, 1914-1918 йилларда француз, итальян ва Америка армиясида иштирок этган, ўшанда у ўзини пацифист (ҳар қандай

урушларга, жумладан, миллий озодлик урушларига ҳам қарши чиқадиган киши) бўлган. Ўзининг „Three Soldiers“ (1921) асарида муаллиф йирик санъаткор эканлигини намоён этган. У америкаликларнинг уруш давридаги психологиясининг чуқур таҳлилини бераркан, ўша давр ижтимоий бўҳронни алоҳида ишонч билан тасвирлайди, ўша ижтимоий бўҳрон урушнинг сўнги давридаги илғор унсурларга хос бўлиб қолганди. Унинг қаҳрамонлари ҳар хил ижтимоий қатламларга мансуб бўлиб, муסיкачилар, фермерлар ва линзалар билан савдо қилувчилардан иборат эди, мамлакатнинг хилма-хил бурчакларида яшаётган турфа хил қарашлар ва тушунчаларга эга эдилар, уларни даҳшатли уруш ўз забтига олган эди. Уларнинг ҳар бири у ёки бу тарзда ўз қисматига қарши курашарди, улар зўравонлик, ҳуқуқсизлик ва камситишларга қарши жанг олиб борарди. Улар тимсолида бутун бошли авлод изтироб чекарди. Дж.Пассос замондошлари китобларининг саҳифаларидан фожеавий “мен” тимсолида сон-саноқсиз фожеавий “биз”лар жарангларди [13, Б. 22].

“Йўқотилган авлод” вакиллари бўлган энг яхши ёзувчилар гуманистик (инсонпарварлик) туйғулари: виждон, инсонийлик қадрияти, авжига чиққан адолат туйғуси, ачиниш ҳисси, севган одамларига бўлган вафодорлик туйғусини йўқотишмай, улар учун жонини қурбон қилишга тайёр эди. “Йўқотилган авлод”нинг ушбу хусусиятлари жамиятдаги барча азоб-уқубатли ҳолларда ўз аксини топган эди: иккинчи жаҳон урушида, ундан сўнг ҳам “маҳаллий” урушларда ҳам намоён бўлган эди. “Йўқотилган авлод” борасидаги адабиётнинг қадри жуда баланд эди. Ёзувчилар ушбу авлод ҳақиқатни баён этиб, қаҳрамонларини улар филҳақиқат қандай бўлган бўлсалар ўшандай тасвирлаб беришган, яъни улар барча ижобий ва салбий хусусиятларини кўрсатишган эдилар. Ёзувчилар ўз китобхонларининг дунёқарашига таъсир кўрсатган эдилар, улар антагонист (зиддиятли) жамиятнинг негизларини қоралаган эдилар, милитаризм (ҳарбий сиёсат) ни бешафқат қоралашди, кишиларни байналминалликка даъват этишди. Улар ўзларининг асарлари билан янги

урушнинг олдини олишни истарди, унинг инсоният учун ғоят даражада хавфли эканлигидан огоҳлантирмоқчи бўлган эдилар. Айни замонда “Йўқотилган авлод”ни тараннум этган ёзувчиларнинг ижоди гуманистик ғояларни олға суриб, одамларни ҳар қандай ҳолатда юксак ахлоқий хислатларга эга бўлиб қолишини, ҳалолликни сақлаб қолишга, руҳий тетикликка, дўстликка содиқ бўлишга ундаган эди [32, Б. 102].

“Йўқотилган авлод” тушунчаси ҳаммамизга яхши таниш. Минг афсуски, ҳозирги кунда ҳам она еримизнинг баъзи жойларида ана шундай мақсадсиз, бемаъни урушлар, “ёш авлодлар”нинг йўқотилиши бўлиб турибди. Бунга мисол тариқасида ҳозирги вақтда Сурия ва Украинада содир бўлаётган нотинчликларни эслашнинг ўзи кифоядир.

Европа ва Америка ёшларининг ҳаётини маҳв этган уруш туфайли “завол топган авлод” фожиаси цивилизация чўққисида “чексиз эркинлик”нинг асирига айланган айрим мамлакатлар мисолида яна бўй кўрсатаётир. Ҳа, неча-неча замонлардан бери давом этиб келаётган ғоялар кураши бугун авж нуқтасига чиққан. Ҳозир инсон онгу тафаккури, қалбини маҳв этиш имкониятлари шу даражада кўпки, хушёрроқ бўлмасак, кўзни каттароқ очиб, атрофга тийран назар билан боқмасак, исталган пайтда “тузоқ”қа илиниш ҳеч гап эмас. Биз буларнинг барчасини ХХІ асрнинг йўқотишлари дейишимиз мумкин.

1.3. Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ижоди ҳақида

Хемингуэй ўз ҳаётининг оддий солномачиси ёки тарихнависи эмасди. У яхши билган, ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган воқеалар ҳақида ёзган. Шахсий ҳаёт тажрибаси эса у кураётган ижод қасрининг пойдевори бўлиб хизмат қилган эди, холос. Хемингуэйнинг ўзи ушбу тамойилни қуйидагича таърифлайди: “Роман ёки ҳикояни ёзиш – бу яхши билганинг асосида бадиий тўқима яратиш демакдир. Ҳақиқатда қандай бўлишини эслашга ҳаракат қилганингдан кўра, бадиий тўқима яхши чиққанда, ҳақиқатга яқинроқ бўлади”.[84]

Ёзувчи ижоди давр билан, ўша даврнинг маънавий муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Эрнест Хемингуэй (Ernest Hemingway, 1899–1961) ижодида ушбу боғлиқлик тўғридан-тўғри намоён бўлган ёзувчи ижодини, ҳақиқий инсон биографиясидан ажратиб бўлмайди. Гарчи ушбу биография китобхон кўз ўнгида бадий жихатдан қайта англаган ва санъаткорона ўзгартирилган бўлса ҳам.

Журналларда босилиб чиққан илк мақолалари ва “Уч ҳикоя ва ўнта шеър” (Three Stories and Ten Poems, 1923) номли мўжазгина китобидан сўнг, Хемингуэй “Бизнинг давримизда” (In Our Time, 1925) новеллалар тўпламини эълон қилди ва шу заҳотиёқ ўз услубига эга ёзувчи эканлигини намоёиш этди. Бу китоб камолотга эришган ёзувчи ижодининг дебочаси бўлди. Аслини олганда, тўплам кўп жихатдан Ник Адамснинг автобиографик образи орқали бир-бирига чамбарчас боғланган новеллалардан иборат туркум эди. Тўпламга кирган 15 новелла ижтимоий ҳаёт мавзусига бағишланган бўлиб, уларда на сюжет, на композицион жихатидан яқин бўлмаган “интерлюдия”лар тўплами бир бутун яхлит ҳолга келтирганини кузатиш мумкин.

“Жуда қисқа ҳикоя” (A Very Short Story) тўпламда ўзига хос ўрин эгаллайди, негаки Италияда госпиталда ётган пайтларида Хемингуэй ва уни парваришлаган ҳамшира Агнесса фон Куровски ўртасида шунга ўхшаш ишқий муносабатлар пайдо бўлган эди; Агнесса унга турмушга чиқишни ваъда қилиб, ўз ваъдаси устидан чиқа олмади. Ҳикоянинг охири атайин, бир қадар қўпол мазмун касб этади. Ваҳоланки, ушбу ишқий сюжет, кейинчалик бирмунча кенгайтирилиб, ёзувчининг янги тажрибаси, янги фикрлари билан бойиши ва “Алвидо, қурол” романига айланиши билан характерлидир.

“Уйда” (Soldier’s Home) ва “Биг-Ривер” ҳикояларида муаллиф урушдан уйига қайтиб келган аскарнинг руҳий ҳолатини тавсиф қилади. Ҳаётда ўз ўрнини топа олмаётган инсоннинг изтиробларини, саросимага тушиб қолган онларини тасвирлайди. Ўғил ва ота-она ўртасида пайдо

бўлган ихтилофларни баён қилади; диққатга сазовор томони шундаки, буларнинг ҳаммаси Хемингуэйнинг бошидан ўтган ва қалбида ўчмас из қолдириб кетган воқеалар эди. “Биг-Ривер” (Big Two-Hearted River) ҳикоясида унинг қаҳрамони урушдан қайтиб келганлиги тилга ҳам олинмайди, лекин ҳикоянинг руҳияти, қаҳрамон кайфияти бу инсон урушдан қайтиб келганлигини зимдан эслатиб туради; руҳан эзилган, келажакка ишончини йўқотиб, тушкунлик ҳолатида қайтган солдат, бу ёғига табиат қўйнида тинч ва осойишта яшаб, ҳузур-ҳаловатда бўлишни орзу қилади. Тўпламда, ҳажман йирик ҳикоялар билан бир қаторда миниатюралар ҳам мавжуд. Миниатюралар – бу уруш, қатл, зўравонлик, қотиллик каби инсониятга ёт унсурларга тўла бераҳм ва шафқатсиз дунёнинг сарҳадларга бўлиниб кетган кўринишидир. Улар – урушдаги ўлим, қамоқхонадаги қатл этилиш, полициячилар томонидан икки ўғрининг ўлдирилиш саҳналари, ва ниҳоят, жонли ва ифодалилиги жиҳатдан ўқувчида кучли таассурот қолдирувчи, Туркияда юз йиллаб яшаган тинч грекларнинг мажбуран қочоқларга айланишини, ўз ватани ҳисобланмиш Туркияни тарк этишини тасвирловчи ҳажман кичик асарлардир.

Табиий ўлиш, зўрлаб ўлдириш, бевақт ўлиш, очликдан ўлиш, қаҳрамонларча ҳалок бўлиш, ўлимга ҳукм қилиниш, ёмон аҳволга тушиб қолиш, азоб чекиш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамот масаласи тўпламнинг номини – “Бизнинг давримизда” – тўлалигича ифодалайди. Хемингуэй фикрича, ҳаёт ҳақида виждонан, рўйрост ёзиш – бу ўлим ҳақида ҳам ёзиш демакдир, чунки унинг қатъий ишончи “ҳаёт – бу, умуман олганда, фожиадир, унинг охири олдиндан ҳал қилиб бўлинган”, деган ақидага тақалади.

Хемингуэй ўзи учун “одоб-ахлоқ қоидаларини” ишлаб чиқди. Уларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан: яъни одам ўлимга, мағлубиятга маҳкум этилган экан, ўз инсоний қадр-қимматини сақлаб

қолишнинг ягона йўли – бу дадил бўлиш, ҳеч нарсадан кўркмаслик, ҳар хил вазиятларда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик, худди спортдаги каби “ҳалол ўйин” қоидаларига риоя қилишдан иборат бўлган.

Биринчи марта бу фикрни Хемингуэй “Бизнинг давримизда” тўплами устида ишни тугатганидан сўнг, “Аёлларсиз эркеклар” (Men Without Women, 1927) номли тўпламига кирган “Енгилмаган” (The Undefeated, 1924) ҳикоясида мужассамлаштиришга ҳаракат қилди. Унда қариликни бўйнига олишни истамаётган матадор ҳақида ҳикоя қилинади. У қандай бўлмасин ҳаммага яна ҳали матадор бўлаолишини, қўлидан шу ишгина келишини, буқаларни енгилшга ҳали куч-қудрати етарлилигини исботламоқчи бўлади. Ҳикоя ғоясини унинг номидан пайқаш қийин эмас, ғоянинг мазмуни қуйидагича: ҳатто мағлубиятга учраб ҳам, одам енгилмаган бўлиб қолавериши мумкин. Ўзига хос маънога эга томони шундаки, Хемингуэй қахрамон сифатида ҳаёлий, ўз тасаввурида ўйлаб чиққан образни танлаб олди, буқалар жангида эса, ўртага ҳаёт тикилганига қарамасдан, у бор йўғи ўйин холос. Бироқ ҳаётда инсон ҳеч қачон таслим бўлиши мумкин эмаслиги, қандай зарбалар берилмасинки, у ортга чекинмаслиги ҳақидаги фикр Хемингуэйни бутунлигича банд этганди. Бу туйғу муаллифга “Ва, қуёш чиқаверади” (The Sun Also Rises, 1926) романи устида ишлаётган пайтларида янада муқом ўрнашиб, унга илҳом бағишлади. Негаки, 1927 йил Англияда “Фиеста” (Fiesta) номи остида босилиб чиққан ушбу роман Хемингуэйга оламшумул шуҳрат олиб келди. Роман эпиграфида муаллиф “Йўқотилган авлод” (the lost generation) ҳақидаги машҳур иборани эпиграф қилиб келтиради. Дарҳақиқат, бу роман чехраларга уруш муҳри босилган одамлар ҳақида эди. Бу роман урушда тирик қолган, лекин алданганлигини англаган, баландпарвоз шиорлар ёлғон эканлигини тушунган, оқибатда ўзлигини йўқотиб саросимага тушган одамларнинг аччиқ қисматида ҳикоя қилар эди. Бу одамлар Хемингуэйга яқин таниш бўлган, чунки унинг ўзи ҳам ўша одамлар муҳитида яшаган, ўша мудҳиш қирғинларда омон қолган бўлса-да, улардан

фарқи – унинг бу ҳаётда ягона таянч нуқтаси – ижод шукуҳи борлиғида эди. Айнан шу бебаҳо хислатини муаллиф ўз қаҳрамони журналист Жейк Барнс образида мужассам этади. Жейк Барнс урушдан қолган оғир жароҳатига қарамасдан, ҳаёт олдида таслим бўлмайди, инсоний қадрини йўқотмайди, ўз обрўсини ерга урмай ишлашни, ижод қилишни давом эттиради.

Романда қаҳрамонларининг ўзига хос қисқа ва лўнда, якунига етмаган диалоглари, изохлар ва бўлиб ўтаётган воқеаларга муаллифнинг муносабати йўқлиги билан алоҳида ажралиб турувчи Хемингуэй услуби шаклга киради, сайқал топади. Урушда оғир яраланган Жейк Барнс адабиёт ва журналистика соҳасига эндигина кадам босди, у ва унинг дўстлари ғам-ташвиш, қайғу-ҳасрат оғушида қолиб, аламини ичкиликдан, кайф-сафо, ўйин-кулгидан олмоқчи бўлишади; бир сўз билан айтганда, “Йўқотилган авлод”га хос бўлган кайфиятни, феъл-атвор ва юриш-туриш тарзини ўзларида ифода этадилар. “Йўқотилган авлод” (lost generation – Гертруда Стайн атамаси – изох М.Х.) бу фронтнинг оғир синовларидан ўтган ва урушдан қайтиб келган ёшлар, руҳан эзилган, тушкунликка йўлиққан авлоддир. Асарда, айти пайтда, Испания табиатининг бетакрор манзаралари, испан халқи, уларнинг миллий байрами – фиеста сахналарида Хемингуэй ҳаётнинг абадийлигини яна бир бора ҳаётини тасвирлашга эришади.

Бадиий ижодда виждонлилик масаласи Хемингуэй учун ёзувчининг ҳаётга нисбатан виждонан муносабати муаммоси билан чамбарчас боғлангандир. “Пешиндан кейинги ўлим” (Death in the Afternoon, 1932) асарида адиб: “Энг муҳими, виждонан яшаш ва ишлашдир”, деб ёзади. Кейинги “Африканинг яшил тепаликлари” (Green Hills of Africa, 1935) асарида Африка бўйлаб ов саёҳатлари кундалиги Хемингуэйнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари ва ёзувчилик меҳнатининг синоатлари ҳақидаги ўй-фикрлари билан галма-гал алмашилиб туради. Истеъдод, интизом, ўзини ўзи тута билиш, ўзини ўзи танқид қила олиш каби тушунчалар билан бир

каторда ёзувчига нималар зарур эканини бирма-бир санаб ўтаркан, энг муҳими “Парижда сақланаётган метр эталонидек сира ўзгармайдиган виждонга эга бўлиш лозим”лигини таъкидлайди.

Хуллас, Хемингуэй қаҳрамонининг ҳаёти ўзига хос маънога, янги мазмунга эга бўлди ва у ўз хоҳиши билан жангга отланди. “Олдинда эллик йил эълон қилинмаган урушлар мени кутиб турибди ва мен бу урушларда иштирок қилиш учун шартномани туздим, – дейди Филипп. – Эсламайман қачонлигини, лекин уни имзоладим”. Урушни лаънатлаган, қуролни ташлаган ва “бир томонлама сулҳ” тузган “Алвидо, қурол” романи қаҳрамони Фредерик Генри эгаллаган позициядан фарқли ўлароқ Филипп Роллингс узоқ ва машаққатли урушлар йўлини босиб ўтди.

“Бонг кимга чалинмоқда” (For Whom the Bell Tolls, 1940) романи Хемингуэй ижодини янги босқичга кўтарди. Адибнинг “Бешинчи колонна” пьесасида намоён бўлган тенденцияларни ривожлантирувчи ва чуқурлаштирувчи ушбу роман ҳам Испаниядаги фуқаролик уруши мавзусига бағишланган эди. Одамлар олдидаги ватан ва муҳаббатга бурч ғояси романда ёрқин намоён бўлган. Агар “Алвидо, қурол” романида Хемингуэй ўз қаҳрамони тилида “баландпарвоз” сўзларни рад этган бўлса (Генрининг қуйидаги фикри бунга далил: “Мени “муқаддас”, “шонли”, “қурбон” каби сўзлар ҳижолатга солади... Бундай сўзлар кўп эди, уларни эшитиш нафратни кўзғатарди”), “Бонг кимга чалинмоқда” романида эса бу сўзлар ўзининг том маъносида янграйди, дастлабки қимматига қайтадан эга бўлишади.

1952 йил кўпни кўрган, етарлича ҳаётий тажриба тўплаган Хемингуэй ўзининг “Чол ва денгиз” (The Old Man and the Sea, 1952) қиссасини ёзади. Ушбу асар муаллифга ҳақиқий шухрат олиб келди. Адибнинг 1954 йил адабиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлишига асосий сабаб бўлди.

Бу қисса бадиий маҳорат, қолаверса, унда кўтарилаётган муаммолар замирида адабий жараёнда муҳим воқеага айланди. Ҳажман унчалик катта

бўлмаган ушбу қисса Хемингуэй ижодида алоҳида ўрин тутати. Уни чуқур фалсафий маънога эга ҳикоя деса ҳам бўлади, шу билан бирга унда тасвирланган образлар рамзий умумлашма даражасига кўтарилади, конкрет ва ўзига хос характерларга эгадир. Ўз меҳнати туфайли ҳаёт маъносини англаган заҳматкаш инсон Хемингуэй ижодида илк бор қаҳрамонга айланади. “Ё бор, ё йўқ” романидаги Гарри Морганни “Чол ва денгиз” қиссасидаги Сантьяго билан тенглаштириб бўлмайди, негаки, у тайинли меҳнат қилмайди, таваккалига яшайди, қалтис ишларга ҳам қўл уради, жиноят орқасидан тирикчилик қилади. Кекса Сантьяго эса ўзи ҳақида бошқача фикрда, дунёга бир умр балиқ овлаш учун туғилганлигини таъкидлайди. Ўз касбига бўлган бундай муносабат Хемингуэйга ҳам хос эди, у бу дунёда ёзиш учун яшаётганлигини кўп марта айтган.

Сантьяго балиқ ови билан боғлиқ ҳамма нарсани билади. Кубада кўп йил яшаган Хемингуэй ҳам бу ишда катта тажриба орттирганди. Чол улкан найзабалиқни тутиб олади, денгизда у билан узок, тинка-мадорни куритадиган, куч-қувватдан маҳрум этгувчи, ҳолдан тойдирадиган олишувни бошидан кечиришга мажбур бўлади, ниҳоят балиқни енгади, аммо йиртқич акулалардан ўз ўлжасини ҳимоя қилишга қурби етмайди, курашда енгиледи. Бу воқеа тафсилотлари жуда аниқ, балиқ овини яхши билувчи тарафидан ёзилганлиги аниқ кўриниб туради. Сабаби, Хемингуэй балиқчиларнинг хавфли ва машаққатли касби сиру-синоатларидан воқиф эди. Қиссада денгиз гўё тирик мавжудотдек намоён бўлади. “Бошқа, ёшроқ балиқчилар денгиз ҳақида худди макон, рақиб, баъзан душмандек гапиришарди. Чол эса денгизни худди илтифотли, саховат кўрсатаётган ёки ундан маҳрум этаётган аёлдек ҳис қиларди, гарчи ёвузлик ёки бемулоҳаза иш тутса, нима ҳам қилиб бўлади, унинг табиати шунақа”. Чолнинг матонати ва жасоратида табиий, унда минглаб мухлислар кўз ўнгида ҳаёт-мамот курашини олиб борувчи матадорнинг жазаваси ҳам, ҳаяжони ҳам йўқ. Чол шуни яхши билади, яъни ўзи эгаллаган касбга хос бўлган жасорат, матонат, феъл-атворнинг барқарорлигини у кўп бора

синовдан ўтказган, исботлаган. “Хўш, нима бўпти, – деди у ўзига. – Энди буни яна исботлашим керак. Ҳар сафар ҳисоб қайтадан очилади. Шу боис ҳам, у бирор бир ишни бошлаганида, ўтмишидаги воқеаларни ҳеч қачон эсламасди”.

Хемингуэй аслида, “ҳақиқий чолни ва ҳақиқий болақайни, ҳақиқий денгиз ва ҳақиқий балиқни, ва ҳақиқий акулаларни тасвирлашга” ҳаракат қилганини ёзган эди. Тан олиш керакки, ёзувчи ўз мақсадига эришди.

Хемингуэй қиссаси, одатда, пухта ўйлаб чиқилган умумлашма натижасидир. “Инсон мағлубиятга учраш учун яратилгани йўқ. Инсонни йўқ қилиб ташлаш мумкин, аммо уни асло енгиб бўлмайди!”, – хитоби орқали адиб ўз фикрини ўқувчига етказди. “Чол ва денгиз” қиссаси – ёзувчининг донишмандлиги, ақл-заковати маҳсулидир. Ижод ва ҳаётда босиб ўтган йўли давомида Хемингуэй ахтарган инсонпарварлик идеали унинг айнан шу асарида бекаму кўст намоён бўлади. Бу йўл изланиш, адашиш, иштибоҳларга тўла бўлиб, Ғарб ижодий интеллигенцияси намояндаларининг аксар қисми шу йўл орқали пишиб етилган эди. Виждонли ижодкор, реалист ёзувчи, XX асрнинг замондоши бўлган Хемингуэй даврининг муҳим муаммоларига ўзи тушунганича, ўзи билганича жавоб излади ва ягона хулосага келди: “Инсонни енгиб бўлмайди!”.

Таъкидлаш жоизки, Хемингуэй ўзига хос услубга эга санъаткордир. Ёзувчининг илк ҳикоя ва романлари нашрдан чиқа бошлаганиданок танқидчилар унинг асарларида диалог муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратишганди. Диалог муаллифнинг қаҳрамонлар тавсифу-таърифларини, узундан узоқ лирик чекинишларини, аҳамиятсиз баёнларни сиқиб чиқарди, “Хемингуэй прозаси”нинг драматизмини кучайтирди. Шу билан бирга диалогнинг қисқа ва лўндалиги, лексик жиҳатдан соддалаштирилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Хемингуэй қаҳрамонлари оддий тилда сўзлашади. Уларнинг нутқи

шоирона метафоралардан холи. Ушбу юзада калкиб турган соддаликда жонли, ҳаяжонли фикр устивордир. Бу фикр сўзлар ичида эмас, балки асар матнининг тағмаъносида қолиб кетади. Ўқувчи қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини теран англагандан кейингина ушбу тағмаънони тушуниб олиши мумкин.

Буюк ёзувчи, Эрнест Хемингуэйнинг аввал шеър ёзганини кўпчилик билмайди. Унинг шеърларида ҳам насридаги мавзулар асарлар марказида туради – бу урушнинг маънисизлиги, инсон қадрининг фожиавий топталишлари, қўмондонларнинг хатоларига қурбон кетган оддий аскарларнинг тақдири, хонашинликдан ториқиш ва саргузаштлар иштиёқи чизгиларидир.

Эрнест Хемингуэй ўз ҳаётидан хулоса қилиб: “Буюк ёзувчи бўлиш учун ижодкорнинг буюк болалиги бўлиши керак”, деган экан. Ҳар бир авлоднинг адабиёт, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижодкор масъулияти ҳақида ўз қараши мавжуд. Бу, энг аввало, ижодкор тарихнинг қайси ва қандай палласида яшаётгани, мамлакат ва ташқи дунёда содир бўлаётган воқеалар, ўша даврда яшаган кучли ижодкор шахснинг асарлари, унинг ижтимоий (гражданлик) позицияси таъсирида шаклланади. Ҳар бир авлод ўзидан кейинги авлоднинг кучли ва ожиз томонлари ҳақида гапириши ҳам ўзига хос анъанага айланиб қолган.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Моҳир ўзбек таржимонлари она тилида юксак санъат намуналарини яратдилар. Республикамизда ҳар бир ёзувчи, шоир ва драматургни таржимон сифатида ҳам танийдилар. Жаҳон адабиёти классикларининг энг машҳур асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилганликлари туфайли В.Шекспер, деганда Ғофур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Л.Н.Толстой, деганда Мирзакалон Исмоилий, В.В.Маяковский, деганда Миртемир ва Зулфияларнинг таржимонлик маҳорати кўз ўнгимизда гавдаланади.

2. Республикамизда бадий таржима тажрибасида баъзан рўй бериб турадиган жиддий нуқсонларни бартараф қилиш ўрнига сифатсиз, ғўр таржималарга мослашиш майли сезила бошлаган эди. Кўпинча, ҳар бир таржимон ўз диди, ҳоҳиши ва шахсий мулоҳазаларига қараб китоб топиб таржима қилар, оқибатда жаҳон адабиёти классиклари ёки буюк ёзувчиларнинг энг машҳур асарлари қолиб кетиб, ўртача савиядаги айрим адибларнинг ҳажмдор роман ва повестларини ўзбекчалаштириш ҳоллари рўй бериб турар, бу эса таржима адабиёти бозорини касод қилишга сабаб бўлар эди.

Таржима адабиётини қатъи истиқбол режаси асосида нашр этишга кўчиш таржимачиликни анча тартибга солишга ёрдам беради.

3. Бадий таржима тажрибаси йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Таржима назарияси унинг янада юксалиши учун хизмат қилиши, эришилган ютуқларни илмий томондан чуқур ёритиши ва мустаҳкамлаши, таржимонларимиз фаолиятидаги нуқсонларни бартараф қилишга йўл очиб бермоғи даркор.

4. Ҳар қандай таржима, В.Г.Белинский сўзлари билан айтганда [10, с. 192], оригинал асар тилини билмаган кишилар учун мўлжалланади. Аммо ҳозир кўп ўзбек китобхонлари асл нусха тилини ҳам яхши биладилар.

Кўп миллатли Ўзбекистон мамлакатада маданий айирбошлаш иши кенгайиб, халқлар ва адабиётлар дўстлиги тобора мустаҳкамланиб, миллий маданиятларнинг бир-бири билан алоқаси, бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши жараёни мунтазам жадаллашиб бормоқда. Катта сиёсий, ғоявий-тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ана шу муқаддас вазифасини реаллаштиришда бадий таржима муҳим воситадир.

II БОБ. ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ АСАРЛАРИДА УРУШ МАВЗУСИ

2.1. Э.Хемингуэй “Йўқотилган авлод” вакили сифатида

Эрнест Миллер Хемингуэй Америка адаби ҳарбий ҳаракатларда бир неча бор иштирок этган. Э.Хемингуэй кўнгилли равишда биринчи жаҳон урушида иштирок этган эди. Ўша йилларда Европа уруш алангасида эди. АҚШда эса ўз қудрати ва зарба кўрмаслигини ҳис қилиш мағрурона бош тортиш сиёсати ва мунофиқона миллий-озодлик урушларига қарши чиқиш кайфиятини вужудга келтирган эди. Бошқа жиҳатдан ишчи, интеллигентлик муҳитида онгли тарзда милитаризм (ҳарбий сиёсат) ни вужудга келтирди. Аммо АҚШ асрнинг бошидаёқ империалистик ва мустамлакачилик давлатига айланди. Ҳукуматнинг ўзи сингари бошқа йирик монополиялар ҳам бозорлардан манфаатдор бўлишиб, колония (мустамлака давлатлар)ни, таъсир доирасини ўзаро тақсимлаб олишди. Энг йирик сармоядорлар капитал (сармоя) ни экспорт қилишга берилиб кетишди. Морган уйи тамоман очиқчасига Антантанинг банкири эди. Лекин расмий тарғибот, ушбу монополияларнинг қарнаи “мардона” ғоясизлик, “солдатча” тўғрилиқни қайта кўриб чиқарди, ҳолбуки солдатлар уруш ҳақида миш-мишлардангина билиб олишарди. Эрнест Хемингуэй романининг қаҳрамонлари унинг ўзига ўхшаган одамларнинг хусусиятларини ўзида акс эттирган; романда заминнинг кўп қиёфали чиройли тимсоли пайдо бўлди, хусусан, унинг ўзи яхши билган ва севган Испаниянинг тимсоли ўзига хосдир [12, Б. 76]. Э.Хемингуэйнинг бутун ижоди таржимаи ҳол тарзида бўлиб, ўзининг хусусий бошидан кечирганлари, ҳис-ҳаяжони фикрлари ва дунёда юз бераётган воқеаларга бўлган қарашлари унинг асарларида ўз ифодасини топган. Чунончи, „A Farewell to Arms!“ романи Биринчи Жаҳон уруши воқеаларига бағишланган, унинг бош қаҳрамони урушдан қочиб кетади, лекин бўлмағур инсоний хислатлари учун эмас, балки уруш унда нафрат уйғотади, унинг бирдан бир нияти ўзининг суюкли хотини билан бирга

яшаш, урушда у ўзини майиб-мажруҳ қилади, холос, деган фикрга келади. Лейтенант Фредерик Генри образи кўп жихатдан автобиографик характерга эга. Ушбу романни яратаётганда юксак даражада ўзини танқид қилиш руҳида қалам тебратган, уни тинимсиз тузатар, ёзилган нарсани қайта-қайта кўчирарди. У романнинг финал (тугаётган қисми) ини 32 вариантыни яратган, энг тўғри вариантыни яратгунча ишлаган. Бу ҳол унинг эътирофига кўра ўта азоб-уқубатли иш эди. Романни номлаш учун ҳам озмунча вақт сарфланмаган эди [17, Б. 17].

Роман босилиб чиққан вақтдаёқ бестселлер (кўп тиражда босилиб, тез вақт ичида сотиладиган китоб) лар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаган эди. Роман Хемингуэйнинг жаҳоний шуҳратидан дарак берарди-ю, ўша роман XX аср адабий асарлари ичида энг кўп ўқиладигани эди. Ўша “Алвидо, қурол!” романини барча авлодларнинг вакиллари бир хил қизиқиш билан ўқийди. Э.Хемингуэй ижодида уруш мавзуси муҳим ўринни эгалларди. Унинг империалистик урушларга бўлган муносабати шубҳали эмасди. Эрнест Хемингуэй ўзининг романида урушни инсоннинг катта ва кичик фожеаларни намоён этадиган барча даҳшатларини кўрсатади. Роман воқеасини ҳикоя қилиш Генри номидан амалга оширилган бўлиб, тинчлик пайтида фронт ҳаётини тасвирлаш билан бошланади. Ушбу тимсол орқали Хемингуэй ўзининг бошидан кечирганларини кўрсатади. Лейтенант Генри бундай олиб қараганда урушга қарши эмас. Бундан ташқари, унинг наздида бу ҳол ҳақиқий эркакнинг мардона ҳунаридир. Фронтга жўнаб кетгач, урушда ҳафсаласи пир бўлиб, барча ҳаёлотларидан жудо эканлигини бошидан кечиради. Шахсий тажриба, итальян солдатлари ва зобитлари билан дўстона фикр алмашиш уни миллатчилик офатидан сақланишга ундайди, урушнинг бемаъни, шафқатсиз қирғин эканини тушунишга олиб келади. Итальян армиясининг бемаъниларча чекиниши дунёда уйғунликнинг йўқлигини ифодалайди. Чўнтак блокнотида бепарво қўл билан ёзилган бемаъниларча отилиш ҳукмидан халос бўлиш учун Фредерик урушдан қочишга уринади.

У бунга муваффақ бўлади. Генрининг қочиб кетиши – бу ўйиндан чиқиш қарори, яъни жамият билан бемаъни алоқаларни узишга бўлган қарори эди. У қасамёдни бузади, лекин китобда унинг ҳарбий бурчи тобе бўлганлар бурчи сифатида тасвирланади. Лекин на Фредерикнинг ўзи, на унга тобе бўлганлар урушга бўлган муносабатида ўз бурчини тушуниб етди, улар унда мазмуннинг йўқлигини кўришарди, холос. Уларни фақат сафда турганда бир-бирини сезиш туйғуси ва ҳақиқий ўзаро ҳурмат бирлаштиради. Хемингуэй нима ҳақида ёзмасин, у ҳамиша ўзининг асосий муаммоси ҳисобланган нарса инсоннинг фожеали қисматига тушган нарсага қайтарди. Хемингуэй энг ночор ҳолатларда инсон матонатига муносиб баҳо бераркан, стоицизм фалсафасини (кадимги юнон ва рим фалсафасида материализм ва идеализм ўртасида турган рационалистик фалсафий таълимот) ни тарғиб этарди [28, Б. 16].

Хемингуэй ижодида гражданлик уруши мавзуси тасодифий тарзда туғилган эмас. У муаллифнинг Италия ҳақидаги репортажларидан фашизм режимига қарши бўлган нафрати замирида вужудга келган эди, шунингдек, ўша режимга қарши курашган пайтларда пайдо бўлган эди. Шуниси ҳайратга сазоворки, америкалик бир қарашда тамоман бетараф кузатувчи бўлишига қарамасдан, шундай теран ва самимий равишда ўзга халқларнинг менталитети (фикрлаш тарзи) ни идрок этолган. Фашистик Италия ва Германиянинг националистик (миллатчилик) ғояларининг хатарлилиги бошданок тушунарли эди. Испан ватанпарварлари томонидан ўз ҳудудини озод қилишга интилиши – бу уларнинг ватанпарварлик тўйғусидан далолат беради.

Испания ғайритабиий мамлакат. У бутун дунёга маълум бўлган тарқоқликдан иборат. Каталония, Валенсия, Андалусия вилоятларида яшовчиларнинг барчаси узоқ тарихий давр мобайнида бир-бири билан рақобатлашиб, ҳар хил тарзда ўз мустақиллигини сақлаб келмоқда. Лекин гражданлар уруши даврида Хемингуэй ёзганидек, бу ҳол муҳим роль ўйнаган эди. Бундай бўлиниш ҳарбий ҳаракатлар чоғида салбий таъсир

кўрсатиши мумкин эди, бундай ҳол кўшни вилоятлар алоқада бўлишга ҳалал беради, яъни жангчиларнинг ташаббускорлигини пасайтиради. Лекин Испанияда айнан шу факт (шу ҳодиса) тамоман қарама-қарши роль ўйнаган эди, ҳатто уруш пайтида ҳар хил вилоятларнинг вакиллари бири-бири билан рақобатлашгани шунга олиб келдики, вилоятларнинг бир-биридан узилганлиги уларнинг жанговарлик руҳига таъсир қилди, яъни мана биз душманга қарши курашаяпмиз, дея ўзларини кўрсатмоқчи бўларди, ҳолбуки, улар бир мамлакатнинг фарзандлари эди. Шу ҳақда Эрнест Хемингуэй ўзининг Мадридга бағишланган испанча репортажларида эслатади. У душман уларни бир-биридан ажратиб қўйганда зобитларда ташаббускорликнинг кучайганлиги ҳақида ёзганди. Испаниядаги граждaнлар уруши коммунистик партия ўртасида бошланган эди, уни икки буюк давлат – Совет Иттифоқи ва АҚШ ҳукумати ҳимоя қилган эди, бу генерал Франко бошлиқ партияга қарши бўлган уруш эди, уни Германия ва Италия қўллаган эди. Дарҳақиқат бу уруш фашизм режимига қарши бошланган эди. Ушбу фашизм мафкурасини Хемингуэй ёқтирмасди, шу боис у ўзининг ҳамфикрлари томонидан туриб, фашизмни қоралаган эди. У Испания ҳудудида фашизмга қарши курашнинг давом этишини яхши тушунарди [34, Б. 31].

Хемингуэй ўзининг „The Fifth Column“ пьесаси ва „For Whom the Bell Tolls“ романида автор фашизмни ошкора танқид қилади, у диктатор Франкони халқни ҳимоя қилолмасликда айблайди. У уни французча-инглизча луғатни тескари ўқиётган одамга ўхшатади. Ёзувчи ўз мақолаларида бутун дунёни вужудга келган фашизмга қарши курашга даъват этаркан, уни таг томири билан чопиб ташлашга чорлайди. Америкалик ёзувчи фашизм режими бир – бир ярим йил ичида тугайдиган ҳодиса эмаслигини яхши тушунарди, унинг замондошлари буни чуқур англамасди. Лекин Хемингуэй Муссолини ва Адольф Гитлер сиёсатини тўғри баҳоларди. У фашизмдан нафратланарди, журланист сифатида ўзининг барча усули билан унга қарши курашарди. Ўзининг фашизмга

қарши курашида у ҳатто коммунистик партияга қўшилиб, қарашларини баҳам кўришга мажбур бўлди. Тажовузорга тенг келадиган куч-қудрат коммунизм бўлганлиги учун унинг томонида туриб курашишни тақозо этар эди, бу тахлит жангда унга таяниш зарур эди. Бу жиҳатдан гражданлик уруши драматик (жиддий) характерга эга эди, у бегона қарашлар томонига ўтишга мажбур бўлди, ўз фикрларидан эса воз кечишга тўғри келди. Ёзувчи шундай зиддиятли туйғуларни „For Whom the Bell Tolls“ романининг асосий персонажи Роберт Джордон номидан ифодалайди. Унинг қаҳрамони фронт линияси (чизиғи) ни кесиб ўтиб, фашист армияси ўтадиган кўприкни портлатишни ўз зиммасига олади, у бу вазифани адо этишда партизанлар отрядига таянади. Э.Хемингуэй ушбу романда қатор ахлоқий муаммоларни ҳал қилган, шуни таъкидлаш керакки, у буни ўзи учун янгича ҳал қилади. Биринчи галда бу муаммо инсон ҳаётининг қадр-қиммати билан боғлиқ бўлиб, ахлоқий бурч эди. Бошқа бу юксак ғоя билан суғорилган бурч эди. Роман фожеани ҳис этиш билан йўғрилган. Унинг қаҳрамони ана шундай ҳис-туйғу билан яшайди. Партизанлар отрядига ҳар қадамда ўлим таҳдид солади, у гоҳ фашист самолётлари қиёфасида, гоҳ фашист патрул (муайян ҳудудда тартиб ва ҳавфсизликни таъминловчи кичик гуруҳ) лар қиёфасида намоён бўлади. Лекин бу фожеа иложсизлик ва ўлимга маҳкум этилганлик фожеаси эмасди, тўғри, „A Farewell to Arms“ романида шундай воқеа юз бергани маълум.

Ушбу топшириқни бажариш Джордоннинг ҳалокати билан тугаши мумкин, шундай бўлишга қарамасдан, ҳар бир киши ўз бурчини адо этишни керак, урушнинг тақдири кўпроқ бурчини адо этишга боғлиқ. Хемингуэйнинг қаҳрамони ўзининг инсоният олдидаги бурчи дея курашади, бу юксак кураш ғояси озодлик учун кураш билан кўпроқ боғлиқ эди. Бу бир томондан ижтимоий бурч ҳам эди [35, Б. 30].

Асар бошданоёқ бурч ғояси билан йўғрилган. Хемингуэй ўзининг „A Farewell to Arms!“ романида ўз қаҳрамони оғзидан “баландпарвоз”

сўзларни Испания урушига нисбатан ҳам татбиқ этса бўларди, чунки бу сўзлар ғоят катта қимматга эга эди. Джордон ўз бурчини адо этади, кўприкни портлатади, аммо ўзи оғир ярадор бўлади.

Хемингуэйнинг „Islands In The Stream“ (1970) романи антифашистик асар сифатида намоён бўлган эди. Томас Хадсоннинг тақдирини ҳам шундай даражада мушкул, лекин ўзини ҳаётий азоб-укубатига қарамасдан тўғри йўл танлаган, деб баҳолаш керак, у ўзининг кимлигини курашда, деб билади. Шахсий ҳаётидаги муваффақиятсизликлар, ўзининг севимли хотини билан ҳамнафас бўлиб яшаш имконининг йўқлиги, ўғиллари билан доимий фикр алмашув имконияти йўқлиги уни ғам-андух чоҳига итқитади, тинимсиз меҳнатга берилишга мажбур этади. Ўзининг ҳаёт йўлининг ана шу босқичи – ўғилларининг ҳамон бўлганлиги унинг ижодини барбод этади, шу боис у ўзини антифашистик курашга бағишлайди. Фашизмга қарши онгли равишда курашаётгани унинг ҳаётини сермазмун этаётгани ва умумиш унга кувонч бағишлаётганини қалбан ҳис этади. Томас Хадсоннинг иккинчи жаҳон урушида иштирок этиши тамоман кўнгилли ва онгли тарзда эди. Томас Хадсон яхши таъминланган одам. У ҳам Хемингуэй сингари фашистларнинг сувости қайиқларини катер (махсус кичик кема) да хизмат қилиб кузатиб юради. Автор ўз қаҳрамонини қайиқ командири даражасида тасвирлайди, чунки қайиқдагилар унинг ҳукмига бўйсунади. Томас Хадсон ҳам ўз бурчини қандай амалга оширишни ўзи ҳал қилади. Томас Хадсон фашизмга қарши курашда онгли ҳаракат қилишга интилади. Уруш унинг учун ҳаётий истеъдод эмас. Романнинг қаҳрамони ўзи қўл урган барча ишни иложи борица яхшироқ амалга оширишга, виждон амри билан адо этишга интилади, бу унинг бутун руҳиятининг амри эди. Томас Хадсон урушда иштирок этади, чунки бу бурчнинг тарихий асосланганлигини ва зарурат эканлигини тўлиқ англади. Уруш Томас Хадсон учун фашизм – ҳеч шубҳасиз, ёвузлик. Уруш қаҳрамонни росмана қаттатди, урушда унинг катта ўғли ҳалок бўлди. Лекин уруш Томас Хадсон учун “Жирканч ҳунар” эмас, лекин

чукур ҳис-туйғулар билан йўғрилган ҳаётининг бир қисми эди. Томас Хадсон кимга қарши курашаётганини билади. У биринчи жаҳон уруши давридаги тажрибасиз солдатлардан эмас эди, ҳа, Хемингуэйнинг дастлабки асарларидаги “тўпга ем” бўладиганлардан эмас эди [59, Б. 42].

У ўзини доим “ёвуз тақдир”га қарши қўяди, ўзини бутунлай банд қиладиган машғулоти топишга интилади. Томас Хадсон конкрет тарихий зиддият чоғида дунё учун хатарли ҳисобланган конкрет душманга қарши ҳаракат қиладди.

„Islands In The Stream“ романининг қаҳрамони фашистлар Германияси томонида туриб урушда иштирок этаётган одамларнинг ҳаммаси ҳам ўз хоҳиш-иродаси билан урушга жалб қилинмаганлигини англаб етади, улар муносиб ҳолда ёлғон ғояларга берилган кишилар эканини яхши билади. Шу билан бирга у нафратдан холи эмас. У антифашист ҳолда гуманист (халқпарвар) лигича қолади, ярадор бўлган эпизод характерлидир, у яраланган немисни катерига миндириб олади. Томас Хадсон уни жасурлиги учунгина ҳурмат қилмайди. Томас Хадсоннинг ҳайратланиши шундаки, немис командасининг аъзолари ўз ўртоғининг аҳволини ўйлаб, унинг ортидан қувиб келишни лозим топишган эди. Автор романда Томас Хадсоннинг ўз эгоизми (манманлиги) ни қандай енгил жараёнини алоҳида қайд қиладди. Қаҳрамоннинг кишилар билан бирлашуви Роберт Джорданнинг антифашистик хусусиятини эслатади. Томас Хадсоннинг катери антифашистик фронтнинг бир қисмига айланади. Шу босқичда Хадсон луғати таркибида “дўст” сўзи пайдо бўлади, бу команда аъзоларига мурожаат белгиси эди, умумишини ҳис қилиш эди, шу билан у ўзининг барча ҳаётий азоб-уқубатларини унутган эди [27, Б. 32].

„Islands In The Stream“ романининг қаҳрамони ҳақида гап кетаркан, унинг жанговар постидаги ўлими, қўлда қурол билан ўлими унинг “йўқотилган авлод” вакили сифатида муносиб киши сифатида қолиши унинг ибратли қаҳрамонлиги шаклида халқ ёдида сақланиб қолади.

Минг афсуски, ўша жасур репортёр тириклигида ҳукуматни бошқарувчилар томонидан қадрланмаган, халқ оммаси ҳам унга нисбатан бапарво бўлган. Агар уни тинглаб, унинг ортидан боришганда фашизмга қарши кураш бошқача тус олган бўлурди, инсоният бошига тушган фожеанинг олди олинган бўлурди, тарихий жараён ўзгача йўлдан борган бўларди.

2.2. Эрнест Хемингуэй ижодида “Йўқотилган авлод” талқини

Маълумки, Америка бадий адабиётида мақсадсиз “уруш” ва “Йўқотилган авлод” мавзусига кўплаб ёзувчилар ўз муносабатини билдиришган ва ўз асарларида очикдан-очик урушга қарши бадий асарнинг дурдоналарини яратишган. “Йўқотилган авлод” мавзуси Эрнест Хемингуэйнинг “A Farewell to Arms” (1929), Уильям Катберт Фолкнернинг “Soldiers Pay” (1926), Жон Родерико Дос Пассоснинг “Three Soldiers” (1921), Френис Скотт Фицджеральднинг “This Side of Paradise” (1920), Эрих Мария Ремаркнинг “All Quiet on the Western Front” (1929), Ричард Олдингтоннинг “Death of a Hero” (1929) романларида ўз аксини топишган.

Империалистик урушнинг бемаънилиги, ноинсонийлиги муҳокама қилинади. Урушдан қайтган ёш авлоднинг ҳаётга нисбатан мақсадсиз ва бепарво эканлиги урушда қатнашган Э.Хемингуэй ва Дос Пассос ёки Америка армиясида хизмат қилган Уильям Катберт Фолкнер, Френис Скотт Фицджеральдлар ўзлари кўрган, бошидан кечирган воқеалари асарлари орқали баён этилган.

“Йўқотилган авлод” муаммоси Э.Хемингуэйнинг 1926 йилда чоп этилган “Фиеста” романида кенг ёритилган. Биринчи Жаҳон уруши тугаганига кўп ўтмасдан шундай қисқа муддатда роман ёзиш учун Хемингуэйдек меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлиш зарур эди. Тағин муҳим бир нарсани унутмаслик керакки, у романни ўзи яхши билган, характерини ипидан игнасиғача чуқур билган, бир неча йил давомида кузатган авлод ҳақида, ўзи билан бирга Испанияда жангу-жадални

бошидан кечирган одамлар тўғрисида ёзган эди. У ўзини Джейк Барнс тимсоли орқали тасвирлаган, ўзининг шахсий тажрибаси, бошидан кечирганини борлиғича баён этган эди. Бир пайт Хемингуэй романининг “Фиеста” номидан воз кечиб, уни “Йўқотилган авлод”, деб аташга қарор қилади, кейин бу фикридан қайтиб, уни “Фиеста” деб атайди, “Йўқотилган авлод” иборасини эпиграф қилиб олади, у билан ёнма-ён Экклезиаст (мангу ҳолатда турган Ер ҳақидаги китоб) дан цитата (ҳавола) келтиради [19, Б. 62].

Э.Хемингуэй роман устида ишлаётиб, жонли ҳаёт, жонли характерлардан чекинади, шу боис унинг романининг қаҳрамонлари бирёқлама эмас, бир хил ранг қизил ёки қора билан бўялмаган, улар салбий ва ижобий хусусиятларга эга бўлган жонли одамлардир. Э.Хемингуэйнинг романида “Йўқотилган авлод” муайян қисмининг характерли хусусиятлари баён этилган, айнан уруш туфайли йўқотилган характерли хусусиятлар ифодаланган. Лекин Хемингуэй ўзини ва унга яқин бўлган кўп кишиларнинг “Йўқотилган авлод” қаторига қўшмайди. Лекин “Йўқотилган авлод” турфа хил.

Роман саҳифаларида номлари тилга олинган ва тилга олинмаган персонажлар кўзга ташланади, ҳеч шубҳасиз, уларни биринчи қарашдаёқ аниқлаб, илғаб олса бўлади. Ўзининг “Йўқотилганлиги” билан ажралиб турганлар ғалабалар қувончини, мағлубиятнинг ғамгинлигини яққол кўрсатаётган кишилардир, уруш эса бешафқат, қанча булғонган, оғриқлар ва зўравонликка чулганган ҳодисадир. Ўша кунлар хотираси бизнинг хотирамизда мангу яшайди. Балки шундай кун келадики, ер юзида оҳ-воҳларга ва оналар йиғисига чек қўйилар, заминимиз даҳшатли отишмалардан халос бўлган кунни кутиб олар!

“Йўқотилган авлод” ҳақидаги адабиёт Биринчи Жаҳон урушидан сўнгги ўн йилликда Европа ва Америка адабиётларида таркиб топди. Дунёнинг турли мамлакатларида 10-20 – нчи йилларда “Йўқотилган авлод” мавзусида ижод қилган ёзувчиларнинг (Хемингуэй, Ремарк,

Р.Олдингтон) китоблари катта шов-шувга сабаб бўлганди. 1910 йилларнинг бошидаёқ яхши бадий тил, яъни модернизм даври билан ҳамоҳанг тил излаш биринчи ўринга чиққан эди, дунё ва инсон муаммоси шахс ва жамият ўртасидаги муаммоси, “талант” ва “анъана” ўртасидаги муаммо сифатида шаклланди ва неромантик оқим русумини олди. Умуман, хорижий ёзувчилар: Барбюс, Хемингуэй, Олдингтон ва Ремарк асарлари ҳар хил миллий заминда яратилган эди. Мактуб йўсинига, тақдирига ва бадий қувватига кўра, жойига қараб ўша асарлар XX асрлар санъатида ўзгача ўринни эгаллаган эди. Уруш ҳақидаги аввалги ва ҳозирги китоблар ҳар хил нуқтаи назарларга эга, яъни конкрет воқеаликни бошидан кечирганлигига кўра, албатта. Уруш мавзусини айрим жанрларни кенг тасвирлаш ҳаракати муайян даражада сезиларли ҳолдир. Лекин уларнинг илк романларида биринчи жаҳон уруши тасвири алоҳида аҳамиятга моликдир. Уруш тугагандан сўнгги ўн йиллик ичида ёзилган романлар ғоявий жиҳатдан ҳам, тузилиши жиҳатдан ҳам, қаҳрамонларнинг тақдирини тасвирлаш жиҳатдан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Уруш ҳақидаги барча бошқа асарлар ўзларининг моҳияти, ҳаётийлиги билан ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга боғлиқлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, ўша китоблар замонавий ғоялар силсиласини тараннум этган ҳисобланади. Тўғри, ўша асарлар муайян даражада баҳсларга ҳам сазовордир. Бунинг учун улар кенг миқёсда бўлиши, воқеаларни катта миқёсда тасвирлаган бўлиши асло шарт эмас. Дунёда юз бераётган ижтимоий жараёнларни тўғри намоён этишда, гап ана шунда. Ҳойнаҳой жанг майдонидаги киши зарурият туфайли ўзига ўхшаганларни ўлдириши ва ўзининг ҳам ўлиб кетиши – уруш ҳақидаги ҳар қандай китобнинг оддийгина “қафаси” бўлиб, у барча ахлоқий ва сиёсий масалаларни қамраб олади. Ушбу “қафас” ҳеч қачон чинакамига бетараф бўлмайди, ўз мазмунига кўра соф “биологик” тарзда бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас, у ҳамиша ўзининг ижтимоий характерини фош қилади.

Юқорида номлари келтирилган хорижий муаллифларнинг асарларининг ҳар бирида саҳифадан саҳифага ўтган сайин қонли урушнинг ва қаҳрамонлар ишонган юксак ғояларнинг барбод бўлиши таърифланади, уларнинг ҳаммасида “ватанни ҳимоя қилиш” ҳақидаги “баландпарвоз сўзлар”га бўлган нафрат намоён этилади; ўша китобларнинг ҳаммасида рўшнолиги йўқ ҳаёт баён этилади, қаҳрамонларнинг саросимага тушиши тасвирланади. Ўша маънавий жиҳатдан гўзал инсонларнинг қаҳрамонларча курашгани тараннум этилади. Уруш, шафқатсизлик, барча кучларнинг бирлашуви ва маънавий гўзаллик ўша асарларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Урушнинг шафқатсизлиги гўзалликни инкор этаркан, унинг даҳшати кишиларни ёввойи ҳолга солиши ўша асарларда яққол ифодаланган, шунингдек, одамларнинг руҳан эзилиши, энг юксак орзуларнинг ушалишига бўлган ишончнинг йўқолиши уруш оқибати эканлиги яққол акс эттирилган.

Э.Хемингуэй ўз ҳаёти давомида бир нечта урушларда қатнашишига тўғри келди. Аниқроқ қилиб айтганимизда биринчи жаҳон урушида, Испаниядаги граждандар урушида ҳамда иккинчи жаҳон урушида. Бу урушларга турлича муносабатда бўлсада, ўз ҳаётини бир хил қурбон қилди. Биринчи жаҳон уруши унинг “уруш”и эмас эди. Бутунлай ёт эди. Буни у ўзининг “Алвидо, қурол!” романида очиқ – ойдин айтиб ўтган. Лекин бу урушнинг барча илллати ва шармандагарчилиги, инсонлар ўртасидаги жанговар дўстлик унинг хотирасида абадий сақланиб қолди. Мардлик мардлигича, қўрқоқлик қўрқоқлигича.

Испаниядаги граждандар уруши Хемингуэй учун том маънодаги ватан уруши эди. У фашизмни чин дилдан ёмон кўрар эди. Шу боис, у Испания Республикасининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида фашизмга қарши курашди. У ўзининг “Қўнғироқ кимларни чорлаяпти” романида жанглар тафсилотини батафсил баён қилади. Булар романнинг асосий аниқловчи чизғилари бўлиб, фашизмга бўлган нафратини ва ғазабини ифодалайди. Романдаги ҳаёт лавҳалари – ҳаёт лавҳалари бўлиши билан биргаликда

уруш лавҳалари эди – мураккаб ва кескин. Лагерда курашаётган қаҳрамонлар ҳақиқий қаҳрамонлардир. Бюрократизм ва кучларнинг тарқоқлиги романнинг бош қаҳрамони Роберт Жордани ҳам, Хемингуэйни ҳам жўнбушга келтиради. Уларда нафрат ва ғазабни кўзғайди.

Республика ҳаётидаги ўта мураккаб ва кескин вазиятни ифодалаш борасида энг асосий вазифани унутмайди. Унинг учун энг асосий вазифа – бу фашизм устидан ғалаба. Унинг учун ва унинг қаҳрамони учун ҳам энг асосийси фашизм устидан ғалаба қилишдир. Унинг қаҳрамони бусиз ўзининг ҳаётини тасаввур қилаолмайди. У бу ғалаба учун ўлишга тайёр. “Деярли бир йил давомида ўз ишончим учун жанг қилдим, - деб хотирлайди Роберт Жордони. – Агар биз бу ерда ғалаба қилсак, демак ҳамма ерда ғалаба қиламиз. Тинчлик – олий неъмат, бунинг учун жанг қилсанг арзийди ва мен шу боис ташлаб кета олмайман. Омадинг бор экан, дейди у ўзига, сенинг ажойиб ҳаётинг бор эди”.

Хемингуэйнинг иккинчи жаҳон урушида қатнашиши Испания воқеаларининг мантиқий давомидир. Иккинчи жаҳон уруши Испанияда шаклланган фашизмга қарши курашнинг давомидир. 5 йилдан сўнг иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ўзининг аччиқ уруш хотираларидан келиб чиққан ҳолда “Дарё ортида, дарахтлар соясида” номли асарида шундай дейди. “Бандитни так-томири билан янчиб ташласанг, тинчийсан”. У фашизмни “бандит”, деб атаydi.

Э.Хемингуэй таниқли америкалик ёзувчи, халқаро Нобел мукофоти совриндори (У ўзининг “Чол ва денгиз” повести учун 1929 йил Нобел мукофотига сазовор бўлган эди). ХХI асрда яшаб ижод этди. У ўз ҳаёти давомида иккита даҳшатли урушнинг тўлиқ гувоҳи бўлди, бошидан жуда кўп ва ҳўп фожеавий кун ва тунларни ўтказишига тўғри келди. У америкалик ёзувчилар орасида биринчи ва иккинчи жаҳон ҳамда Испаниядаги граждaнлар урушларида тўлиқ қатнашган ва ҳар учала урушнинг битмас туганмас жароҳатларини, эндигина ҳаётга қадам қўяётган, келажакка орзу умид билан интилаётган америкалик ҳамда

европалик ёшларнинг қирилиб кетаётганлигини ўз кўзи билан кўрган ёзувчидир. Кўрган кечирганларини, омадсиз бахтини, сўнган муҳаббатини ўз асарларида баён этди. Айниқса, унинг учун “Алвидо, курол!” номли романида биринчи жаҳон уруши тафсилотлари, Ҳенри ва Кетриннинг соф муҳаббати ва унинг фожеавий якунига бағишланган бўлиб, XX аср ёшларининг аксарияти ҳар иккала уруш туфайли чексиз уммонга юз тутганини талқин қилди ва бутун жаҳон империалистларига очикчасига “Уруш” эълон қилди. У ўзининг асари ҳақида шундай дейди: “Мен кўп урушларда қатнашдим, шунинг учун бу масалада ғаразим қаттиқ, ҳатто жуда ҳам қаттиқ. Бу китобнинг муаллифи сифатида шу фикрга келдим. Урушларда жанг қилаётган одамлар дунёдаги энг ажойиб одамлардир, фронтнинг қизғин қисмларига кириб борганинг сари бундай ажойиб кишиларга кўпроқ дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнғизлардир. Мен урушда бойлик ортирганлар, уруш оловини ёққанлар урушнинг биринчи кунларидаёқ мамлакат граждaнларининг мухтор вакиллари томонидан отиб ташланмоғи зарур, деб ҳисоблайман” [73, Б. 5].

Дарҳақиқат, Эрнест Хемингуэй шундай имконият бўлганида албатта амалга оширган бўлар эди. Чунки унинг ўзи иккинчи жаҳон урушида жуда кўплаб фашистларни ер тишлатган эди. Ҳатто фашистлар уни “қотил” дейиш даражасига боришди. У табиатни ва воқеъликни жуда усталик билан тасвирлайди. Шу билан биргаликда даҳшатли уруш ҳомийларини жирканч башараларини, кулгули турқини мусаввирларча чизиб беради. Масалан:

“Кичкина оч тусли енгил машиналар ҳам ўтади. Уларни тез ҳайдаб боришарди, кўпинча ҳайдовчининг ёнида офицер ўтирар, орқа томонда ҳам офицерлар бўларди. Булар юк машиналарига қараганда кўпроқ лой сачратиб кетарди. Агар офицерлардан бири жуда ҳам пакана бўлиб, орқа ўриндиққа икки генерал ўртасида ўтирган бўлса-ю, азбаройи бўйи

калталигидан юзи кўринмай фақат шапкасининг тепаси-ю, торгина елкасигагина кўриниб турса ва бунинг устига машина зоят тез кетаётган бўлса, ажабмаски, шу киши қирол эди” [73, Б. 8].

Ёки бўлмаса

“... яна шаҳарда ойимтиллаларнинг борлиги, қирол ўзининг оч рангли машинасида ўтиб кетиб турганлиги, энди унинг башарасини ва дутор бўйин кичкина гавдасини, эчкиникига ўхшаиш бир тутам оппоқ соқолини кўриш мумкин” [73, Б. 9].

Ҳар иккала тасвирда қиролнинг ўта бачкана қомати, “дутор мисол кичик гавдаси”, “эчкиникидек оппоқ соқоли” жуда ажойиб тасвирланган. Уруш инсониятга ҳеч қачон омад, бахт келтирган эмас. Бунга тарих гувоҳ. Уруш инсониятга очлик, ўлим, вабо, муҳтожлик, кўрқув, жаҳолат олиб келиши мумкин. Асарда шундай жумлаларга назаримиз тушади. Муаллиф томонидан оддий, содда ва ички бир ғамгинлик билан айтилган.

“Қиш бошланиши билан сурункасига ёмғир қуйиб берарди, ёмғир билан бирга вабо тарқалди. Лекин унинг олди олинди, вабо давомида қўшинда фақат етти минг кишигина ўлди, холос” [73, Б. 9].

Дарҳақиқат, хавотирли ва қадрсизланган ҳаёт ғарбнинг юрагида қийноқли касалланган бўшлиқни кетма-кетлик билан мустаҳкамларди. Буларнинг ҳаммаси Эрнест Хемингуэйнинг асарида очик-ойдин айтилган. У ўз асари ҳақида шундай дейди: “У уруш “Ўлим” ва “Йўқотилган авлод” ҳақида тўлиқ тирик қолган ошкора таърифдир”. “Йўқотилган авлод” пулга алмашилган авлод кимларнингдир манфаати учун алмашилган авлод. Шу авлод нима учун, кимга, нима сабабдан жанг қилаётганини англаб етганда орқага қайтишнинг ҳам олдинга чиқишнинг ҳам иложи йўқ эди.

2.3. “Алвидо, қурол!” да тасвир ва талқин

XX аср прозасининг йирик вакилларида бири Эрнест Хемингуэй ўзининг ажойиб ва сермазмун ҳикоя, қисса ва романлари билан жаҳон адабиёти ва маданиятида муносиб ўринга эга. Унинг айниқса, “Алвидо,

курол!” романи дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган бўлиб, бизнинг она тилимизга ҳам 1974 йилда таниқли таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан ўгирилди ва бизнинг халқимизнинг ҳам маънавий мулкига айланди.

“Алвидо, курол!” романининг она тилимизда нашр этилиши биланок кўплаб танқидчилар ва таржимашунослар “аслият – восита тил – таржима тил” тизимида тадқиқ қилишиб илмий мақолалар эълон қилишди. Шулар жумласига И.Мусаевнинг “Янги доvon: Алвидо, курол!” ҳамда Ёзил Хамроевнинг “Алвидо, курол!” таржимасида характер инъикоси” каби илмий мақолаларни киритишимиз мумкин. Улар ўз тадқиқотларида ютуқ ва камчиликларини мисоллар воситасида исботлашга ҳаракат қилишган.

Ёзувчининг тили ва услуби ҳақида И.Мусаев шундай дейди: “Соддалик... Бу Хемингуэй ижодининг ажойиб фазилатларидан бири. Услубнинг гўзал хоссаси бўлмиш бу соддалик, самимийликка, турган гап, осонликча эришгани йўқ. Тўғрироғи, қалбидаги ҳисларни бўямай қандай бўлса, шундайлигича тасвирлайди” [47, Б. 288].

Дарҳақиқат, Э.Хемингуэй эндигина табиатга, ҳаётга наботот ва ҳайвонот дунёсига завқ-шавқ билан чексиз ички бир туйғу, муҳаббат билан кириб келаётган бир пайтда даҳшатли урушнинг, лаънати урушнинг битмас-туганмас жароҳатларини бошидан кечиришига тўғри келди. У эндигина “она сути оғзидан кетмаган” навқирон 19 ёшли йигитча эди. Шу боис бўлса керакки, уруш давридаги барча кўрган-кечирганларини ипидан-игнасигача ўта соддалик ва самимийлик билан тасвирлайди. Масалан:

“Одамлар ҳолдан тойган терга ботган эдилар. Баъзи бировлар пўлат қалпоқлар кийиб олишган, лекин кўпчилик уларни халталарига осиб олганди. Қалпоқлар кўпларнинг бошига катта бўлиб, деярли қулоқларини ҳам бостириб тушганди. Офицерларнинг ҳаммаси қалпоқ кийган, лекин уларники бошларига ўрнашиб турарди. Бу Базиликаат бригадасининг бир қисми эди. Мен уларни оқ-қизил йўл-йўл петлицаларидан танидим. Полк

аллақачон ўтиб бўлганига қарамасдан йўлдан ҳамон орқада қолганлар ўтиб боришарди - булар ўз бўлинмалари билан баробар бўлишига қурблари етмай қолганлар эди. Уларнинг ҳаммалари абгор, ҳаммаларини тер ва чанг босганди. Баъзи бирлари бутунлай касалга ўхшардилар. Орқада қолганларнинг охиргиси ўтиб бўлгач, йўлда яна бир солдат кўринди, у оқсоқланиб борарди. У тўхтаб, йўл чеккасига ўтирди. Мен машинадан тушиб унинг олдида бордим” [73, Б. 40].

Романнинг асосий мазмуни қисқа ва лўнда. Италия армиясида хизмат қилаётган америкалик офицернинг ҳаёти, унинг урушга бўлган ишончи ва ниҳоят урушнинг бемаъни бир “шайтоний васваса” эканлигини англаши ҳамда унинг инглиз ҳамшираси Кетринга бўлган илк ва самимий муҳаббати ва мана шу жирканч уруш туфайли Кетриннинг вафоти, айрилиқ... урушдан юз ўгириб куролни ташлайди, тузатиб бўлмас “жароҳати” тасвирланади.

Эрнест Хемингуэйнинг бадиий тасвирнинг ҳақиқий устаси эканлигини унинг ҳар бир сатрида ҳис этишимиз мумкин. Унинг ҳаёлидан бирорта “детал” четда қолган эмас. Солдатларнинг уруш туфайли маҳкум бўлган аянчли ҳолати реал ва жонли тарзда тасвирланади, воқеалар тафсилоти ўқувчи кўз олдида “кинодагидек” намоён бўлаверади. “Одамлар ҳолдан тойган”, “терга пишган”, “қурблари етмай қолганлар”, “абгор, ҳаммаларини тер ва чанг босганди”, “У оқсоқланиб борарди” ва ҳоказолар воқеалар тасвирини ёритишда анча қўл келган.

Маълумки, роман ечими фожеа билан тугайди. Кетрин туға олмасдан бу оламни тарк этишга мажбур бўлади. Дунё юзини кўра олмаган чақалоғи ҳам, онаси ҳам урушнинг қурбонига айланади. Мана шу ҳаётий кечинмалар Ҳенри ҳаёлида Кетрин ўлмасдан 5-10 дақиқа олдин содир бўлади. Буни муаллиф катта маҳорат билан очиб берган.

“У бир сония ҳам яшамаган. Фақат она қурсоғидагина тирик бўлган. Мен неча марталаб унинг қимирлаганини сезганман. Кейинги пайтлари

билинмай қолган эди-я. Балки у ўшандаёқ бўғилиб қолгандир. Бечора чақалоқ! Энди Кетрин ўлади” [73, Б. 338].

“Алвидо, қурол!”ни рус тилига ағдарган таржимон Евгений Калашников ёзувчининг урушга қарши уруш эълон қилишдан иборат бош концепциясини жуда яхши англаган ҳолда, асарни асл инглизчасига ҳамоҳанг бўладиган юксакликка кўтара олган. Иброҳим Ғофуров романни ана шу русча таржимаси орқали ўзбек адабиётига олиб ўтди. Маълум бир тилда бунёд қилинган санъат асарини – иккинчи тил орқали учинчи тилга ўтказиш нақадар оғир, хатарли, масъулиятли журъат бу! Аммо таржимоннинг муаллиф ижодини чуқур билмаганлиги, услубини мукаммал эгаллаганлиги унга қўл келган.

Хемингуэйнинг қисқа, содда гаплардан иборат тили мақсадини шундай аниқ ифодалайдики, бундай “гапира олиш” фақат унга насиб этган. Ёзувчи ўзига хос услубда Валентини тилидан Кэтринга аниқ таъриф беради. Валентини Ҳенрига дейди:

...Yes, yes. That's it . You look healthy as a goat. Who's the pretty girl? Is she your girl? I thought so. Isn't this a boatty war? How does that foot? You are fine boy I'll make you better than new. Does that hurt? You bet it hurts. How they love to hurt you , these doctors. What have they done for you so far? Can't that girl talk Italian? She should learn. What a lovely girl I could teach her. I will be patient here myself. No, I will do all your maternity work free. Does she understand that?

She will make you a fine boy. A fine blonde like she is. That's fine. That's all right. What a lovely girl [92, Б. 72]?

Иброҳим Ғофуров таржимаси:

...Хўш. Хўш. Буни қаранг-а. Отдай бақувват экансиз. Анов ёқимтойгина қиз ким эди? Севгилингизми? Шундайдир, деб ўйловдим. Шу уруш ёмон бўлди-да! Бу ер оғрияптимми? Азамат экансиз. Тузатамиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Бу ер оғрияптимми? Оғримасинмиям. Бу докторлар оғритишга кўп уста бўлишади-да. Шу пайтгача сизни нима

билан даволашди? Бу қиз итальянча сўзлаша оладими? Ўрганиши керак. Дилбар қиз экан. Мен унга дарс беришга рози бўлардим. Ўзим шу госпитальда ётаман. Йўқ, яхшиси, мен кўзи ёриган пайтларда текинга доялик қиламан. Нима дейганимни тушунадими? У сизга ажойиб ўғилча туғиб беради. Ўзига ўхшаши оқнар бўлади. Шундай, яхши. Шундай, аъло. Дилбар қиз [77, Б. 8].

Таржимонлар персонажнинг ўзига хос “тили”ни, касб-корига хос услуби, психологияси, фикрлаш тахлитини ҳам сақлашга ҳаракат қилишган.

Э.Хемингуэй қўллаган „goat“ ҳижжалаб ўгирилса, “така” сўзига тўғри келади. Башарти, Е.Калашникова таржимада буни “козел”, деб берганда, гап жуда чучмал чиққан бўларди. Ўз навбатида, И.Ғофуров ҳам „goat“ га русча текстда эквивалент қилиб олинган “бык” сўзини “буқа” ёки “ҳўкиз”, деб ағдарганида, жуда қўпол бўларди. Шунинг учун инглиз тилидаги “такадай соғлом” ўхшатиши рус тилига “ҳўкиздай соғлом” бўлиб ўтса, ўзбекча таржимага келиб “отдай бақувват” бўлган! Қизик, “така”, “ҳўкиз”, “от”. Мана сизга таржиманинг ижодий жараён эканлиги, ҳар бир тилнинг ўзига хослиги.

Таржимада сўзлар ва уларнинг тартиби қарийб аслига мос келади. Ўзбек таржимони эса бу ерда айнан: “*Тузатамиз, худди янгидай бўлиб кетасиз*”, деб берса, нотабий чикқан бўларди. Иброҳим Ғофуров таржимасида бу шундай жаранглайди: “*Тузатамиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз*”. Мутаржим шундай муқобил вариант топганки, худди аслиятдагидек жаранглайди.

Ёзувчи қаҳрамонлар ҳаётини кескин муҳит ичида тасвирлайди, бу эса китобхонда уларга нисбатан фақат ишонч эмас, балки хайрихоҳлик туйғусини пайдо қилади. Уруш ва унинг фожеаси туфайли Ҳенрига дунё фақат Ҳенри ва Кэтриндан иборат бўлиб қолади. У жамиятдан, сиёсий дунёдан ажралиб, якка ўзини ва Кэтриннигина ўйлайди, холос.

Воқеа фожеали якунланади. Кэтрин ҳалок бўлади.

Кэтриннинг ўлими тасвири ҳар икки таржимада ҳам оригиналдаги каби кучли, ишонарли қилиб берилганки, китобхон ёзувчининг асосий мақсадини тўла англаб етади.

„I am going to die“, she said, then waited and said I hate it“ [86, p. 239].

Мен тезда ўламан, деди у. Кейин бир зум сукут қилиб турди-да, деди: мен эса хоҳламайман [74, Б. 265].

Жуда таъсирли гаплар. Бу ерда ҳеч қандай сунъийлик йўқ. Гўё ёзувчи ёзмагандек, бу ёзишлар унга алоқадор ҳам эмасдек. Кэтриннинг ўша ҳолатдаги қиёфаси китобхоннинг кўз ўнгидан кетмайди ва худди сизга шикастда, майин, лекин ҳамон нимадандир умидвордек гапираётганга ўхшайди.

Аслида-ку, *„I hate it“* сўзма-сўз олганда *“мен уни ёмон кўраман”* ёки *“мен ундан нафратланаман”* бўлиши керак. Лекин асар руҳидан кўриниб турибдики, Кэтрин ўлимдан чўчимайди. У кўркқани учун ажалдан нафратланиб, уни ёмон кўраётгани йўқ, фақат у ўлишни истамаяпти, холос. Рус таржимони шунинг учун ҳам бу жумлани *“Я не хочу”*, деб берган.

Ўзбекчада эса *“Мен эса хоҳламайман”*, дейди Кэтрин. Русча вариантда *“эса”* маъносини берувчи ҳеч қандай сўз йўқ. Инглизча нусхасида ҳам. Лекин ўзбек таржимони тил, мантиқ, ҳамда тасвирланаётган вазият тақозоси билан қаҳрамонни ана шундай гапиртирган.

Ҳар икки таржима ҳам асарнинг руҳидан келиб чиқиб, авторнинг меҳнати, истаги, мақсади, ижодий услубини чуқур ҳис қилган ҳолда амалга оширилган. Айниқса, Хемингуэйнинг содда ва аниқ, сеҳргар тилини таржимада ўзидай бериш таржимонларнинг катта ютуғидир.

Таржимада аслига монанд сўз топиш, уни ўз ўрнида қўллай билиш таржимондан маҳорат ва дид талаб қилади. Юқоридаги Кэтрин Баркли тилидан олинган, *„I am going to die“* жумласи ўзбек тили таржимасида қиёмига етмагандек туюлади кишига, зеро, *“Мен тезда ўламан.”*

Бизнингча, асарнинг руҳидан келиб чиққан ҳолда, таъсирли қилиб, “Менинг куним битиб бораяпти”, “Менинг кетгим йўқ”, “Наҳот, ҳаётнинг интиҳоси шу бўлса ...” каби вариантлар орқали ўзбек тилида қайта яратса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар бир бадиий полотнодаги (асардаги) ижобий қаҳрамон кескин ҳаётий карама-қаршиликлар, курашлар, тўқнашувлар натижасида шаклланади, юксалади. Максим Горький айтганидек: “Ёзувчи фақат қалам билангина эмас, балки сўзлар воситаси билан манзара чизишни, чизганда ҳам рассом сингари одамларни ҳаракатсиз тасвирлашни эмас, балки уларни сўз билан муттасил ҳаракатда, ўзаро тўқнашувлардан иборат” бўлган ҳаракатда, синфлар, гуруҳлар, яқка шахслар курашида кўрсатиши лозимлигини тушуниши керак.

Кўп қиррали ҳаётимизнинг турли томонларини бадиий акс эттириш, кишиларимизнинг орзу, кураш ва интилишларини ҳаққоний бадиий ифодалаш асосий мақсад ва вазифаси бўлган ҳар бир талъант соҳиби ўз даври ва замондошлари ҳаётини бадиий қуввати доирасида қуйлашга интилиши табиийдир.

Бадиий ижодда ҳар бир образ (унинг ижобий ва салбий бўлишидан қатъи назар) ўзига хос равишда майдонга келади. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бадиий адабиётда образлар турличадир. Бир томондан, тарихий шахслар образлари мавжуд бўлса, иккинчидан, асосий ва етакчи гуруҳни тўқима образлар ташкил этади. Бадиий ижодда ҳаёлий, фантастик, мажозий-аллегорик, символик, романтик образларни ҳам учратиш мумкин. Ҳар қайсиси ўз навбатида ёзувчидан етуклик талаб қилади.

Санъаткор яратмоқчи бўлган образига хос хусусиятларни жамғариш жараёнида унинг муайян шароитдаги ҳаракатларини ҳам кўзда тутати. Чунки тарихий шахсларнинг ҳаракати билан замонамиз кишиларининг ҳаракати орасида катта тафовут мавжудлиги аёнлиқ.

Ёзувчи ўзи яратмоқчи бўлган образнинг характери, тили хусусиятлари, ташқи кўриниши аниқ бўлишига эришиш мақсадида ҳаёлга,

топқирликка ўрин бериши ҳам мумкин. Чунки М.Горький айтганидек, “хаёл, топқирлик фактлар занжирида ўрни бўш қолган, ҳали етишмайдиган бўлимлар ўрнини тўлдиради” [15, Б. 308].

Адиб шундай иш тутган тақдирда тарихий воқеаларни ўзида ташувчи тўқима образлар даврга муносиб бўлиб, ўша замон кишиларидан қолишмай ҳаракат қиладилар.

Демак, ёзувчи ўзининг индивидуал хусусиятига эга бўлган, конкрет, реалистик ҳаёти образлар яратишда образларини ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда умумлаштиришга, типиклаштиришга алоҳида эътибор беради.

Ҳар бир бадиий асарда ижобий қаҳрамон қанчалик кўркам ва қизиқарли бўлса, салбий образлар ҳам эътибор қозонадиган даражада қизиқарли чиқиши керак. Бир томонда енгувчанлик, ҳаётийлик қанчалик устун турса, иккинчи қутб вакиллари унга шунчалик кескин ва шиддатли қаршилиқ кўрсатиши шарт. Бунда қарама-қаршилиқлар, кураш ва конфликт зўраяди, шу жараёнда характерлар янада очилади.

Ижобий образнинг ана шу кескин қарама-қаршилиқлар, курашлар фонидаги ҳаракати ва интилиши унинг тақдирини белгилайди. Бу ҳолат унга нисбатан қизиқиш ҳосил қиладди, натижада китобхон унинг кураш ва характеридан ўзига ибратли томонлар ахтаради, ишларидан завқланади.

Адабиёт ва санъатга хос бўлган бадиий образлилиқни ҳаёт шакли, деб атаган эди Н.Г.Чернишевский. “... Санъат, - деб ёзган эди у, - оддий баёнга ва айниқса, илмий баёнга нисбатан ўз олдига қўйган мақсадига тўлиқроқ эришади. Нарса ҳақидаги оддий кўрсатмага қараганда ҳаёт ёрдамида биз ўша нарсa билан яхшироқ таниша бошлаймиз ва унга кучлироқ қизиқиб қоламиз” [79, Б. 85].

Хемингуэй китобнинг хотимасида Кэтриннинг ўлими муқаррар эканлигини ишонарли қилиб тасвирлаш учун биринчи журнал нашридаги саҳифалари хроникасини ўқиш вақтида 39 марта қайтадан ёзиб чиққан. Ҳенри билан Кэтрин ноиложликдан видолашадилар.

Кино талқинида Кэтрин ўлмайди. Бу эса Эрнест Хемингуэйнинг ғазабини келтиради – киночиларни кўришга кўзи бўлмай қолади. Адиб ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмушни бениҳоя ёмон кўрарди.

Бироқ ҳаёт ўз йўлида давом этади, у истаклар билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

Хуллас, Эрнест Хемингуэйнинг ушбу романида табиат билан уруш лавҳалари уйғунлашиб кетган. Ҳар бир “детал”да урушнинг бемаънилигини, тубанлигини, адолатсизлигини образлар тасвири ва талқини орқали чуқур ҳис этасиз ва нафратингиз жунбушга келиб лаънатлайсиз.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Адабиётда уруш мавзуси долзарб эди, долзарблигича қолади. Ёзувчилар китобхонларга ҳақиқатни у қандай бўлган бўлса, ўша тарзда баён этишади. Уларнинг асарлари орқали биз уруш фақат ижтимоий фикргина бўлиб қолмай, у немисларнинг ваҳшиёна хужмкорликлари ҳақида кўп нарсани билиб оламиз: мўъжазгина Сербияга хужми, Лувенни вайронага айлантирилиши, ниҳоят, сувости уруши орқали “Лузитания” нинг чўктирилиши. Газеталар АҚШнинг “демократияни сақлаб қолиш учун” урушда иштирок этишини талаб қилишган эди. Хемингуэй ва унинг тенгқурлари фронтга отланишарди. Лекин Хемингуэйни Америка армиясига қабул қилишмайди, шунинг учун у 1918 йилнинг апрелида санитарлар отряди билан итальян армиясига юборилган эди [36, б. 10].

Бу ғарбий фронтнинг энг нобоп участкаларидан бири эди. АҚШ қисмларининг юборилиши секин борарди, кўнгилли санитарлар колонналари ҳам Америка армияси формасини намойиш қилмоғи керак эди, улар истамай курашаётган итальян солдатларининг руҳини кўтаришлари зарур эди. Орадан кўп ўтмай Хемингуэй ўтирган автоколонна Пьяве дарёси бўйидаги Фосальти фронт участкасига келиб қолди. Лекин у олдинги қисмга интиларди, лекин унга окопдаги аскарларга

хар хил совғалар: тамаки, мактублар ва рисоалар тарқатиш топширилган эди. 9-июлга ўтар кечаси Хемингуэй олдинга сурилган кузатиш постига борадиган бўлди. У ерда у Австрия миномётидан отилган снарядга дуч келиб, оғир контузия (қаттиқ зарб, портлаш натижасида етган жароҳатсиз шикаст) га дуч келади; енгил жароҳатлар ҳам олганди. Унинг ёнидаги икки нафар италиялик аскар ўлдирилган эди. Хемингуэй хушига келгач, оғир ярадор бўлган учинчи солдатни ҳам окопга олиб кирди. Унинг тиззаси ва болдири лат еган эди. Яраланган италиялик солдат ўлдирилган эди. Унинг танасидан йигирма саккизта осколько (синиклар) ни чиқариб олишди; Хемингуэй Миланда даволанаётганда баланд бўйли корасочли медицина хамшираси Агнес фон Куровскига ишқи тушади, у асли Нью-Йорклик эди. Хемингуэй госпиталдан соғайиб чиққач, лейтенант унвонига эга бўлади, у, шунингдек, итальян ҳарбий крести (хочи) билан мукофотланган эди, уни кумуш шуҳрат медали билан мукофотлайдилар. Ўшанда, Италияда 1918 йилда Хемингуэй ҳам ёзувчи бўлмаган эди, у солдат эди, фронтда ўтказган ярим йилда бошидан кечирганлари унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган эди, ўша йиллар таассуротлари уни бир қатор асарларида ўз ифодасини топган эди. 1918 йилда Хемингуэй ўз юрти АҚШга қаҳрамон шуҳрати билан қайтган эди, у биринчи ярадор, биринчи мукофотланган киши сифатида қайтган эди [36, б. 11].

Кейинчалик у бошидан кечирган туйғуларни тикларкан, яна уруш мавзусига қайтди. Фронтда бошидан кечирганлари ёзувчининг хотирасида, дунёни ҳис қилишда катта таассурот қолдирган эди, ўша уруш унга тузалмас жароҳат сингари туюлган эди. Хемингуэйни ҳамиша кишиларни, хусусан, уларнинг ҳақиқий инсоний тийнати намоён бўлган вазиятларни тасвирлаш жалб этарди, адибнинг ўзи айтганидек “ҳақиқат чоғи”да юксак жисмоний ва руҳий кўтаринкилик касб этган, ўлим хавфини бошидан кечираётган пайтда тараннум этишни истарди. Лекин ҳақиқий инсон тийнатини тушуниб тасвирлаш осон кечмасди. Урушдан кейинги ўн йилликда кўп жиҳатдан фронт иштирокчилари ҳақида фикрлаб, ўзини

рағбатлантирарди, чунки ўшалар “йўқотилган авлодлар” эди. У доимий равишда фронтда бошидан кечирганларини ўйлар, воқеаларни ўлчаб бичар, баҳоларди, баъзан ўз таассуротларини “совутарди”, юксак даражада холисликка эришишга интиларди. Кейинчалик унинг ижодида Биринчи Жаҳон уруши мавзуси катта ўрин эгаллайди-у Германияда, Францияда, Лозаннада кўп ишлайди. У фашизм режимини юзага келтирган тартибсизликлар ва чўкиб кетган Франция ҳақида ёзади. Кейинчалик “Алвидо, курол!” ва “Қўнғироқ кимдан дарак беради” романларида муаллиф Иккинчи Жаҳон урушида инглиз авиациясида иштирок этиб, “қирғин келтирувчи” самолётларнинг учувчилар билан курашганлиги, француз партизанлари ҳаракатига бошчилик қилганлигини, Германияга қарши ва жасорати учун бронза медали совриндори бўлганлиги ҳақида ёзади. Шундай қилиб, журналист шундай бой ҳарбий тажрибаси билан бир талай замондошлари қатори халқаро муаммолар сир-асрорини тушуниб етади. Жасур репортёр ёзувчи сифатида бир мунча истеъдодли ёзувчи Э.Хемингуэй ўзининг Испания ҳақидаги репортажларини катта маҳорат билан ёзган эди. У кўп ҳолларда урушнинг бориши ҳақида ҳайратомуз даражада аниқ ва чуқур фикр юритарди. У ўзини ғаройиб пейзажлар таҳлилчиси сифатида намоён этди, у талантли таҳлилчи (муҳаллил) эди.

Хемингуэй олға сурган мавзулар абадийлигича қолади. Гарчи ёзувчининг кўп асарлари унинг ўлимидан сўнг чоп этилган бўлса-да, Хемингуэй 60-70 йилларда АҚШда ва бизнинг мамлакатимизда ўз даврининг кўзга кўринган арбоби сифатида тарихда қолди.

III БОБ. БАДИЙ ТАРЖИМАДА БАДИЙ ТИМСОЛ ЯРАТИШ

3.1. Бадиий тимсол яратишда мутаржим маҳорати

Атоқли ёзувчи А.М.Горький бадиий адабиётни “инсоншунослик” фани, деб атаган экан, бу ўринда қаҳрамонларнинг характери ни назарда тутган эди [15, Б. 308].

Ҳар бир халқ вакиллари яратган санъат намуналарида ўша халқ бошидан кечирган ва кечираётган тарихий тараққиётнинг шарт-шароити, ўша миллат вакиллари нинг руҳий ва маънавий қиёфаси, урф-одатлари, турмуш шароити, маросимлари, байрамлари, ақидалари, диний ва ҳар бир миллат вакиллари яратган санъат намуналари ўзига хос миллий хусусиятларга эга. Миллий ўзига хослик асосан инсон характерида мужассамлашади. Унинг характеридаги одат ва фазилатлари тимсолида намоён бўлади.

Ёзувчи ўз халқига хос бўлган ирода, қудрат, истеъдод, меҳнатсеварлик, донишмандлик, жасурлик, топқирлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик каби ажойиб фазилатлар ҳақида зўр ҳурмат билан шоирона руҳда ҳикоя қилади.

Таржимада асл нусханинг бадиияти, нафосати, руҳи ва нафаси қайта яратилиши, таржима асари китобхонда асл нусхадек таассурот қолдириши керак. Иброҳим Ғофуров ана шу мақсадни кўзлаб таржима қилади, бу ишни чинакам ижодий жараён, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, Э.Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!”и И.Ғофуров томонидан асарнинг руҳи, бадиияти ва шираси тўлиқ сақланган ҳолда таржима қилинган.

Асарнинг таржимасида шундай парчалар борки, китобхон, беихтиёр романнинг таржима эканлигини унутиб қўяди, муаллифнинг маҳоратидан ҳайрат ёқасини ушлаб: ажабо, Хемингуэй асарни ўзбек тилида ёзмаганмикан, деган ҳаёлга бориб қолади. Таржимон қаламининг сеҳрли кучи шунда бўлса керак. Мутаржим шуни Хемингуэй ўзбек тилида қандай

ифодалаган бўларди, деб ҳар бир нуқтани неча марта мулоҳаза қилиб, қалб тарозисига солиб кўрдийкин?

Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй – XX аср прозасининг ажойиб вакили. Бу улуғ адибнинг ҳикоя, қисса ва романларида инсон ҳамда халқ характерининг мукамал гавдалантирилганини, айти пайтда наботот ва ҳайвонот дунёсининг ҳаёти бадиий кашф этилганини, улар одамзод ҳаёти билан узвий тасвирланганини, тириклик кушандаси бўлган уруш лаънатланганини кўрамиз.

Соддалик... Бу Хемингуэй ижодининг ажиб фазилатларидан бири. Услубнинг гўзал хоссаси бўлмиш бу соддалик, самимийликка, турган гап, осонликча эришгани йўқ. Тўғрироғи, қалбидаги ҳисларни бўямай, қандай бўлса ўшандайлигича равшан ифодалашга эришиш учун у, ўзигача бўлган адабиётни сув қилиб ичиб юборди. Хемингуэй рус адабиётини жуда севарди. Рус классик насри ҳақида зўр муҳаббат билан сўзларди. Бу муҳаббат уни ҳозирги рус адабиётига ҳам қизиқиб қарашга ундади. Ахир, М.А.Шолоховнинг содда насридаги рус характери ҳақида бекорга тўлиб-тошиб гапирмаган-да...

Характерни белгилаш ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Йирик рус назариётчиси Л.И.Тимофеев фикрича: “Характер – маълум жамият муҳити юзага чиқарган инсоний ахлоқ типидир... Характер, аввало, конкрет ҳаёт шароитидаги ҳиссиётлар ва индивидуал хатти-ҳаракат эгаси бўлмиш конкрет инсондир” [60, б. 41].

Инсон ва унинг ички дунёси адабиётда доим характер яратувчи бош восита сифатида намоён бўлади.

“Зеро, адабиётнинг қалбига жон бахш этгувчи нарса қаҳрамон характеридир” [6].

Фақат адабий асарда бадиий мазмун формасида намоён бўлган, хусусий диалектик бир бутунлиги ифодаланган характер орқалигина ёзувчи шахсларнинг ўзаро ва жамиятдаги муносабатлари, эстетик оламини очиқ бера олади.

Ўзига хос услубга эга бўлган ҳар бир санъаткор санъат оламига фан учун бадиий асар ҳақида маълум таҳлил воситаси бўла оладиган оригинал ижодий услубни олиб киради.

Ҳар бир характер, албатта, инсоний индивидуалликдир. Лекин ҳар бир шахс характер эмас.

Характер шундай хусусиятга эгаки, у асарнинг эстетик мазмунини очиб берувчи ўзига хос шакл сифатида фақат ўтмиш ёки бугунги кун кишиларигина эмас, балки келажак одамларининг аломатларини ҳам ифодалай олиши мумкин. Характер, шакл ва мазмуни ажралмас таркибий қисми ўлароқ, ҳамма вақт бадиий маҳорат ва таълант мезони бўлиб қолади. У мураккаб тўқнашувлар, баъзан ғожеавий муносабатлар тугуни тариқасида фақат ижобий бўлибгина қолмай, салбий бўлиши ҳам мумкин. Характернинг социал-эстетик моҳияти унинг ижобий ёхуд салбийлигини белгилувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади [10, Б. 5].

Ўзбек адабиётининг бугунги жамолини жаҳон ҳамда рус адабиёти улуғ вакиллариининг таржима этилган асарларисиз, изма-из пайдо бўлаётган янги бадиий таржималарсиз тўла тасаввур қилиш қийин.

Истеъдодли таржимон И.Ғофуров турли даврларда жуда кўп асарларни таржима қилган бўлса ҳам, аммо у ўгирган асарларда бадиий тимсолнинг таржимада берилиши, қайта яратилиши, таржимон маҳорати ҳозирга қадар атрофлича ўрганилмаган. Иброҳим Ғофуров бадиий таржима ишга ижодий ёндашади, асарнинг ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятларини акс эттириш “сир”ларини яхши билади. Таржимон Э.Хемингуэй яратган ўлмас образларни ўзбек тилида нозик дидли катта санъаткорга хос маҳорат билан қайта тиклади.

Образ санъат ва адабиётда ҳаётни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирган манзара ва характердир. Воқеликни санъат ва адабиётда образлар воситасида акс эттириш ҳақидаги қарашлар Аристотель замонидан буён мавжуд бўлса ҳам, бироқ, асосан, XIX асрнинг биринчи ярмига келиб

Ҳегель, В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг асарларида тўлиқ шаклланди.

Шунинг учун ҳам образ тушунчаси ўз характери ва мазмунига кўра жуда мураккаб ва айни пайтда кенг қамровли тушунчадир. Объектив воқеликнинг у ёки бу тарзда инсон онгидаги инъикоси кенг маънода образнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам образ термини қайси ўринда, қайси маънода ва ижтимоий онг шакллариининг қай бирида қўлланишига қараб, кескин фарқланувчи маъноларга эга бўлади. Инсон ижтимоий онгининг шакллари ўз табиати, функцияси ва характерига кўра икки катта қисмга: фан ҳамда санъат ва адабиётга ажралади. Шундай экан, фанда ҳам образ мавжуд. Чунки бирор илмий фикрни исботлаш, тасдиқлаш учун олим у ёки бу нарсани, унинг образларини келтиради. Бироқ фандаги образ ҳеч қандай эмоционалликсиз, қуруқ фактографик ва айни пайтда воқеликни аниқ нусхалашдан иборат бўлади. Чунки фан исботлайди, адабиёт ва санъат эса кўрсатади. Санъат ва адабиётдаги образ воқеликнинг конкрет шахс (ижодкор) тафаккури, ҳиссий олами призмасидан ўтиб, унинг қайтадан бойитилган ҳолдаги тикланиши, жонланишдан иборатдир. Бу мураккаб жараёнда санъаткорнинг эстетик идеали, дунёқараши, руҳий олами, ғоявий позицияси ва ижодий тажрибаси етакчилик қилади, воқелик шу асосда қайтадан жонланади, образли тасвирга эга бўлади. Демак, санъат ва адабиётдаги акс эттириш актив инъикосидан иборатдир. Чунки адабиётдаги ҳар бир образ инсонга “қандай бўлиши керак эди, қандай бўлиши лозим”, деган нарсани уқтиришга хизмат қилади. Санъат ва адабиётнинг воқеликни образлар воситасида акс эттиришнинг ижтимоий функцияси ҳам, тарбиявий кучи ҳам йўналтирувчилик қудрати ҳам худди мана шунда.

Образ асарда тутган ўрни ва вазифасига қараб адабиётшуносликда турлича: персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер каби терминлар билан ифодаланади. Чунончи, персонаж бадий асарда иштирок этувчи шахслар мажмуини англатади. Масалан: Ҳенри, лейтенант

Ринальди, Эллен Фергюсон, мис Ван Кампен, Гордини, Пассини, Рокка кабилар Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, курол!” асаридаги персонажлардир.

Бадий асардаги персонажлар ўзининг асардаги мавқеи, бажарган функциясига қараб, икки хил бўлади. Агар персонаж асар воқеалари марказида туриб, сюжет воқеаларини ҳаракатга келтирса, асар конфликтининг ҳал этилишида етакчи роль ўйнаса, ижодкор ғоясини ифодаласа, бундай персонаж асарнинг бош образи саналади. Масалан: Ҳенри, Кэтрин Баркли кабилар. Кўп ҳолларда асар марказида бир эмас, бир-бири билан тенг мавқега эга бўлган бир неча образлар туради. Бундай образларнинг ҳар иккиси ҳам бош образ саналаверади. Агар персонаж асар марказида турмаса ҳам, бирор жиҳати билан ижодкор ғоясини ифодалашга, уни тўлдиришга хизмат қилса, бундай образлар иккинчи даражали образлар саналади. Масалан: лейтенант Ринальди, Пассини, руҳоний, Эллен Фергюсон кабилар.

Образлар ижодкорнинг эстетик идеалига мос келиши ёки келмаслигига, ёзувчининг ўзи тасвирламоқчи бўлган образга хайрихоҳлиги ёки хайрихоҳ эмаслигига образни инкор қилиши ёки тасдиқлашга қараб, ижобий ҳамда салбий образларга бўлинади.

Образ тушунчаси характер тушунчаси билан боғлиқдир. Аммо бу икки термин ўзига хос тафовутларга ҳам эгадир. Ана шу ўзига хосликларни тушунмаслик айрим ҳолларда образ ва характер терминларини аралаштириб ишлатишга олиб келади. Образ характерга нисбатан кенг тушунча бўлиб, характер образнинг мукаммаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган, индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир. Ҳар қандай образ характер бўлаолмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади. Демак, характер ўзининг бошқалардан фарқланувчи индивидуал хусусиятларига, муайян қатъи иродавий йўналишига эга бўлган образдир.

Танқидий реализмнинг юксак намуналаридан ҳисобланмиш “Алвидо, қурол!”ни ёзганда Эрнест Хемингуэй 29 ёшли йигит эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳенри ва Кетриннинг ҳаётга муносабатларида, уларнинг бахтли тақдир яратиш учун бўлган курашларида ёшлик ҳарорати барқ уриб туради.

Ҳаётда: биринчи жаҳон урушида қатнашган 19 ёшли лейтенант Эрнест муҳориба сабабли, ўз севгилисидан тирик ажралади. Асарда қаҳрамонлар Ҳенри ва Кэтрин талай қийинчиликларни енгишга эришишсаларда, ўлим уларнинг эндигина очила бошлаган гулдек бахтини таг томири билан юлиб ташлайди. Роман урушга қарши уруш эълон қилади. Инсон урушни енгади...

Романни инглизча аслида мутолаа қилганимизда дастлаб шундай фикр туғилади: нима учун энди қаҳрамонлар муҳаббат деб шунча курашишса-ю, қанча азоб-уқубатлар эвазига унга етишганда... шафқатсиз ўлим уларни ажратиб ташласа! Кўрган азобларининг ўзи етмасмиди? Кэтриннинг ўлими кимга керак бўлиб қолди экан? Асарни синчиклаб ўқиб чиққан китобхон Кэтрин ўлиши кераклигини, бундай ҳаёт соф виждонли, пок одамларни ҳеч қачон эъзозламаслигини, балки таҳқирланиши, топталиши мумкинлигини тушуниб етади.

Маълумки, илмий, мантиқий тафаккур яхлит ҳодисаларни ва жараёнларни қисмларга, гуруҳларга бўлиб текширади. Ҳаёт шакли, яъни образли шакл воситасида эса санъаткор томонидан тасвир доирасига тортилган ҳодисалар, турмуш жараёнлари, кишиларнинг тақдирлари, ҳис-туйғулари, уй-фикрлари бир бутун, жонли ҳолда қамраб олинади. Бундай қамраб олиш адабиёт ва санъатнинг моҳиятига, улар олдида турган мақсад ва вазифаларга жуда мос келади, чунки тўлақонли, жонли яхлит, ҳаётий манзаралар чизиш йўли билангина китобхон қалбида гўзаллик ва шодлик туйғусини уйғотиш ҳамда унинг ўзини мукаммал инсон сифатида тарбиялаб боришга эришмоқ мумкин.

Бадийй образга хос биринчи хусусият, юқорида айтилганидек, унинг жонли аниқлиги, ўзига хос белгиларга бойлиги бўлиб, бу хусусият санъат ва адабиётнинг кишиларга ҳиссий таъсири қудратини белгилайди. Образнинг иккинчи санаб ўтилган хусусиятлари унинг китобхонга, томошабинга, тингловчига кўрсатадиган таъсири қудратини оширади ва санъаткор ҳис қилган, уйлаб юрган, тўқиб чиқарган нарсаларни гавдалантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Агар шоир ўз олдига қандайдир бир жойни тасвирлаш мақсадини кўйиб, унинг кўплаб белгиларини, аниқроғи, муҳим белгиларни санаб чиқса, у ҳолда поэзия эмас, оддий жўғрофия вужудга келади. Аксинча, шоир ўша жойнинг жўғрофий хусусиятларини қайд қилиш билан шуғулланмай, унинг ҳақиқий қиёфасини, жонли манзарасини гавдалантирувчи белгиларини кўрсатиб берса, у ҳолда чинакам поэтик образли таъсир юзага келади.

Фикримиз тасдиғи сифатида қуйидаги парчанинг қандай тасвирланганини кўриб чиқамиз:

„In the late summer of that year we lived in a house in a village that looked across the river and the plain to the mountains. In the bed of the river were pebbles and boulders dry and white in the sun, and water was clear and swiftly moving and blue in the channels. Troops went by house and down the road and the dust they raised powdered the leaves of the trees. The trunks of the trees too were dusty and the leaves fell early that year and we saw the troops marching along the road and the dust rising and leaves, stirred by the breeze, falling and the soldiers marching and afterward the road bare and white except for the leaves.

The plain was rich with crops; there were many orchards of fruit trees and beyond plain the mountains were brown and bare. There was fighting in the mountains and at night we could see the flashes from the artillery. In the dark it was like summer lightning, but the nights were cool and there was not the feeling of a storm coming.

Sometimes in the dark we heard the troops marching under the window and gun going past pulled by motortractors. There was much traffic at night and many mules on the roads with boxes of ammunition on each side of their pack-saddles and gray motor- trucks that earned men, and other trucks with loads covered with canvas that moved slower in the traffic“...[92, Б. 3].

Ўзбекча вариантыда эса:

“Ўша йили ёз охирларида биз қишлоқда, кулбада турардик. Кулбадан нарида дарё билан водий, улардан ҳам олисроқда тоғлар ястаниб ётарди. Дарёнинг ўзани офтобда оқарган, қуруқ қайроғочлар ва майда шағал билан қопланган, дарё шаҳобчаларида эса сув тип-тиниқ ва кўм-кўк бўлиб, шўх шалдираб оқиб борарди. Кулба олдидаги йўлдан қўшинлар ўтиб борар, уларнинг оёғидан кўтаришган тўзон оғочларнинг баргларида ўтирарди.

Оғочларнинг шохлари ҳам чангга бурканганди, ўша йили япроқлар эрта тўкила бошлаганди, биз бўлсак, йўлдан қўшинларнинг ўтиб боришини, чанг-тўзоннинг кўкка ўрлашини, шамол япроқларни юлқиб-сулқиб учуриб кетаётганини, солдатларнинг одимларини, сўнгра эса кимсасиз, бўм-бўш тунроқ йўлда ёлғиз япроқларгина тўкилиб ётишини томоша қилардик.

Водий ерлари ҳосилдор эди, унда бозорлар сероб эди, водий этагидаги тоғлар эса тақир қўнғир тоғлар эди. Тоғларда жанг кетмоқдайди, кечалари портлашлардан ёлқинлар кўтариларди. Қоронғида улар шафаққа ўхшаб кўринарди: фақат тунлари этни жунжиктириб совуқ турар, ҳаво қуруқ эди.

Баъзан қоронғида деразадан қўшинларнинг ўтиб боришини, тўп-тўпхоналар тортиб келаётганини эшитиб қолардик. Тунда йўлда қатнов зўраяр, иккала томонига яшик-яшик ўқ-дори ортган хачирлар, устига солдатлар тушган, юкларига брезент ташилаган кул ранг машиналар шошилмай тўхтовсиз ўтиб турарди...” [73, Б. 7].

Кўрамизки, санъаткор тасвирлайдиган нарсалар ва шахсларда уларга хос бўлган айрим белгиларнинг барчаси эмас, балки муайян ҳаётий

вазиятда улар учун характерли, муҳим ҳисобланган томонлар юзага чиқади. Бундан нарса-буюмлар ва ҳодисалар қандайдир тайёр схема (тарх) асосида тасвирланиши керак экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Бу ерда гап бадий асарнинг узвий яхлитлиги, яъни унда ҳар бир детал муайян ғоявий бадий мақсадга бўйсунтирилган бўлиши ҳақида бормокда. Барча белгилар, тафсилотлар, чизгилар жуда катта қунт билан тўпланиб жамлангандагина ҳодисалар ва характерларнинг моҳиятини очишга, турмуш манзарасини яратишга хизмат қилади.

Турмуш манзарасини яратмай туриб, санъат ўз мақсадига эриша олмайди. Маълум бўладики, бадий образнинг ўзига хос белгиларга бойлиги тасвирланаётган нарса-буюм, ҳодиса ёки кишиларга хос хусусиятларнинг барчасини кўрсатишни эмас, балки улардан алоҳида ажралиб турувчиларни уларни моҳиятини очиб берадиганларини жамлашни англатади. Аммо бу фикрни ҳам жуда кенг маънода тушуниш керак эмас, чунки бадий асарлардаги айрим персонажларга хос баъзи белгилар улар учун характерли бўлмаслиги, фақат такрорланмас фавқулодда томонларни алоҳида ажратиб кўрсатишга хизмат қилиши мумкин.

Адабий образларда нарса ёки ҳодисаларнинг нусхаси эмас, балки уларни бадий равишда тадқиқ этишнинг натижалари мужассамлашган бўлади.

Баъзи адабиётшунослар образликни ёрқинлик тушунчаси билан тенглаштириб қўядилар ва “ҳаётий шакл” фақат бизга аниқ кўриниб турган нарсаларни акс эттириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Лекин “ҳаётий шакл” шундай акс эттиришнинг ўзи билангина чекланмайди. Лирик шоир томонидан ифодаланган ҳис-туйғулар, эпик ёки драматик асар қаҳрамонлари томонидан илгари сурилган фикрлар ёрқин ҳолда кўзга кўриниб турмайди, бироқ улар санъаткор фикр-туйғулари билан уйғунлашиб кетган ҳолда китобхон онгига ва қалбига худди кўриниб турадиган нарсалардек таъсир ўтказа олади. Лирик поэзия китобхонга

асосан, худди шундай таъсир кўрсатади, чунки унда баъзан яққол кўринадиган образлар учрасада, хис-туйғулар ва фикрларнинг ҳиссий ифодаси етакчилик қилади.

Бадий тўқима туфайли санъаткорлар катта ҳаётий ҳақиқатни мужассамлаштиришга муваффақ бўладилар: улуғ ёзувчиларнинг қаҳрамонлари ҳаётда шундай феъл-атворли кишилар тасвирланган шароитларда қандай ҳаракат қилса, ўйласа, ҳиссиётга берилса, худди шундай фикр юритадилар, ҳаракат қиладилар, худди ўшандай ҳислар билан яшайдилар.

Бадий тўқима ёрдамида ҳаёт моҳиятини очиб берган ва тасвирлаш маҳорати билан китобхонни ишонтира олган ёзувчи асари турмушнинг ўзидан олинган, тўқиб чиқарилмаган, лекин тасодифий, хусусий тарздаги далиллардан иборат асарга нисбатан ҳаққонийроқ чиқади. Худди, шунингдек, ҳаёт моҳиятини очиб берган тўқима ҳақиқатга ишонган инсон фақат алоҳида далил ҳақиқатини тан олувчи одамга нисбатан донороқ бўлади.

Аён бўладики, бадий тўқима воқеъликни образли акс эттиришнинг зарур шарти бўлиб, санъат ва адабиётнинг маърифий аҳамиятини, имкониятларини тўлиқроқ идрок этишимизга имкон беради.

Бадий образ хусусиятлари тўғрисида сўз борганда, унда алоҳида ўзига хос, хусусий, такрорланмас белгиларда бир қатор ҳодисаларга кишиларга ва ижтимоий йўналишларга хос умумий, характерли томонлар акс этиши маълумдир. Алоҳидалик билан умумийлик орасидаги бундай алоқадорлик бадий образнинг жонлилигини, бир бутунлигини таъминлайди, маърифий аҳамиятини белгилайди ва ёзувчи кўзда тутган ҳаёт ҳақиқатининг моҳияти очилишига имкон беради. Ҳаёт ҳақиқати моҳиятини очиш эса адабиёт олдида турган тарихий мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

3.2. Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо курул” асари таржимасининг ўзбек тилида берилиши

Э.Хемингуэй юзлаб характерларни яратди, ёзувчи қандай образ яратмасин, бу образлар сиймосида ўзимизга таниш ва бизга тушунарли бўлган одамларни кўрамиз.

Иброҳим Ғофуров Э.Хемингуэй асарларига чуқур ихлос билан қарар, буюк Америка ёзувчиси уни мураккаб конфликтли воқеалар ичида мукамал характерлар ярата олиши билан мафтун этар эди. Иброҳим Ғофуров ўз тажрибасида инглиз ёзувчисининг ўзига хос услубини сақлашга, Хемингуэй ўзбек тилида ҳам “ўз Хемингуэйлигича” қолишга эришишга астойдил ҳаракат қилди. Ана шу мақсадда Хемингуэй асарларини диққат билан мутоала қилди, асарларнинг яратилиш тарихи, услуби ва текстологиясини қунт билан ўрганди.

Таржимада муайян асарнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапирганда асл нусхада ўз аксини топган фикр, образ ва ҳис-туйғуларнинг энг нозик қирраларини бошқа тилда қайта тиклаган таржимон меҳнатининг машаққатлари ва мураккаблигини тасаввур қилмоқ керак. Асл нусханинг ўзида гоҳо ниҳояти битта сўзни бошқаси билан алмаштириш маънода жиддий оқибатга олиб келиши мумкин. Таржимада эса ўзининг тузилиши жиҳатдан тамомила бўлак системага мансуб бўлган тилга битта эмас, балки ҳамма сўзлар “ўзгартириб” кўчирилади.

Иброҳим Ғофуров Хемингуэйнинг бу ажойиб асарини томошабинга, китобхонга манзур қилиш мақсадида ўз она тилининг имкониятларидан унумли фойдаланди. У буюк ёзувчи яратган асарларнинг руҳига ва образлар дунёси ичига чуқурроқ кириб бориш учун бу романнинг русча таржимаси билан муфассал танишди.

Ҳар қандай асарда ҳам бўлак персонажларга қараганда бош қаҳрамон образи анча қабарикроқ, бўртирма планда, қуюқроқ тасвирланади. Таржимон ҳам айна асосий образни аниқ ва равшан чиза олган.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асарда тасвирланаётган воқеаларнинг марказида инсон туради. Муаллиф муайян образни бино қилар экан, бу образни унинг ўзига хос характери ёки ўзгаларникидан фарқ қилувчи хусусиятлари билан яратади. Бинобарин, таржимоннинг вазифаси муаллиф яратган образнинг яхлитлиги ва баркамоллигини, унинг характерининг “жонлилиги”ни мукаммал акс эттиришдан иборат.

Таржимон тасвирланаётган образ нутқи, шаклу шамойили ҳаракатларини, унинг бошқа персонажлар билан ўзаро муомила, муносабатларини, у яшаб турган муҳитни ва айни образга муаллифнинг муносабатини тўғри акс эттириш воситаси орқали таржимада образнинг бадиий мукаммаллигини таъминлай олади.

Таржимон бадиий асар муаллифи яратган характернинг барча белгилари, булар улуғвор ёхуд тубан мақсадларини акс эттирадими, муқаддас ёки жирканч ниятлардан дарак берадими – барибир, образга хос бўлган майда-чўйда деталларгача ҳаммасини тўғри ва тўла-тўқис тиклаши лозим. Бадиий образнинг ҳатто бирон “зиғирдай” хусусиятини ташлаб кетиш ёки йўқотиш, унинг нотўғри талқин қилиниши, ё бўлмаса сохта тасвирланишига сабаб бўлиши мумкин.

Таржимон образни уни ўраб турган муҳит ичида олиб қараши зарур. Образнинг характери уни индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи бир қанча хусусиятлар мажмуидан иборат.

Асарни таржима қилишга киришишдан олдин образларнинг характерини аниқлаб олиш ҳамда образни типиклаштиришга хизмат қилган бош хусусиятларни фаҳмлаб олиш ва ниҳоят характернинг моҳияти, унинг асосини ташкил қилувчи бош омилларни белгилаш, шундан кейин образга хос иккинчи даражали хусусиятларни аниқлаш маъқул.

Иброҳим Ғофуров ўз таржимасида Хемингуэйнинг “Алвидо қурол” асари қаҳрамонларининг реалистик баркамоллиги ва бадиий мукаммаллигини усталик билан тиклай олган. Натижада ўзбекча

таржимада ҳам образлар жонли бўлиб чиққан: ҳаёт қарама-каршиликларига мувофиқ тарзда кишиларнинг ички дунёсида ҳам ўзгариш сезила боради, сўнгра бу уларнинг ташқи қиёфаси, ҳатти-ҳаракатлари ва нутқида ўз аксини топади.

Ҳенри образини таржимада тиклаш шартларидан бири - трагедиянинг умумий манзарасини тўғри акс эттиришдан иборатки, бу уруш ва тинчлик ўртасидаги кураш формасида берилган.

Иброҳим Ғофуров таржимасида биз Ҳенрини қай аҳволда кўрамиз? Ҳенри кўз ўнгимизда юксак маданиятли, жисман кучли, доно лейтенант, мард инсон, ўз севган махбубаси Кэтринга чексиз садоқатли, вафоли ёр сифатида гавдаланади.

„... They want to put me somewhere“.

„None of the rooms are ready. There isn't any patient expected“. She tucked at her hair and looked at me near sightedly.

„Show them any room where they can put me“.

„I don't know“, she said. „There's no patient expected. I couldn't put you in just any room“.

„Any room will do“ said. Then to the porter in Italian, „Find an empty room“.

„They are all empty“, said the porter. „You are the first patient“. He held his cap in his hand and looked at the elderly nurse.

„For Christ's sweet sake take me to some room“. The pain had gone on and on with the legs bent and I could feel it going in and out of the bone [92, Б. 60].

Ўзбекчада:

“Мени бирон ерга жойлаштириш керак.

Биронта ҳам палата тайёр эмас. Биз ҳали ярадорлар келади, деб ўйламовдик.

У сочларини тартибга солишга уринар, менга кўзи яхши ўтмайдиган одамларга ўхшаб кўриб-кўрмай қаради.

Мени қаерга қўйишсин, кўрсатинг.

Билмайман, - деди у. Ҳеч кимни кутмовдик. Сизни қаерга тўғри келса, шу ерга ётқизолмайман.

Қаерга бўлса ҳам майли, дедим мен. Кейин қоровулга итальянчалаб айтдим: - Бўш хона топинг.

Ҳаммаси бўш, - деди эшик қоровул. Сиз бу ерга келган биринчи ярадорсиз. У бош кийимини қўлига олганча, ўрта ёшлардаги ҳамширага қараб турарди.

Бало бўлмайдими, бирон жойга ётқизсанглар-чи мени! Букилган оёқларимда оғриқ зўраймоқда, суяк-суягимдан ўтиб бормоқда эди” [73, Б. 91].

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, “шафқат” ҳамшираси кийимидаги аёл Ҳенрини қабул қилишни хоҳламасада (“Сизни қаерга тўғри келса, шу ерга ётқизолмайман, биз ҳеч кимни кутмовдик”), унинг жасоратли, тенгсиз, довюрак, тадбиркор лейтенант эканлигини эътироф этиш лозим.

Яна шундай парчани ҳам ўқиймиз:

„I can’t put on sheets“, the woman said. „The sheets are locked up“. I did not speak to her. „There’s money in my pocket“, I said to the porter. „In the buttoned- down pocket.“ The porters look out the money. The two stretcher-bearers stood beside the bed holding their caps. „Give them five lire apiece and five lire for yourself. My papers are in the other pocket. You may give them to the nurse“ [92, Б. 60].

“...Чойшаб беролмайман, - деди аёл, - ҳаммаси қулфлоглик.

У билан ади-бади қилишиб ўтирмадим.

Чўнтагимда пул бор, - дедим қоровулга. Тугмаси қадалган чўнтагимда.

Қоровул пулни олди. Ҳар иккала санитар ўрним олдида шапкаларини ушлаганча туришарди.

*Икковларига ҳам беш лирдан беринг, беш лирни ўзингиз олинг.
Қоғозларим бошқа чўнтакда. Уларни ҳамширага олиб беринг [73, Б. 91].*

Кэтрин Баркли Ҳенрига нисбатан ўзининг юрак ҳислари ва қайноқ муҳаббатини яширмайди. Ўзбекча таржиманинг фазилати асарни Е.Калашникова рус тилига қилган таржимаси билан қиёс қилганда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунончи:

„She looked at me, And you do love me“?

„Yes“.

„You did say you loved me, didn't you“?

„Yes“. I lied. „I love you“. I had not said it before.

„And you call me Catherine“?

„Catherine“. We walked on a way and were stopped under a tree.

„Say, I've come back to Catherine in the night“.

„Oh, darling, you have come back, haven't you“?

„Yes“.

„I love you so it's been awful. You won't go away“?

„No, I'll always come back“.

„Oh, I love you so. Please put your hand there again.“

„It's not been away“[92, Б. 22].

Иброҳим Ғофуров таржимаси:

“.... Сиз мени яхши кўрасиз-а?”

Ҳа.

Ростдан ҳам ахир сиз мени яхши кўраман, деган эдингиз-а?

Ҳа, ёлгонладим мен. Мен сизни севаман. Мен бунга бундай, деб айтмагандим.

Мени Кэтрин, деб чақирасиз-а?

Кэтрин.

Биз яна озроқ юриб, яна дарахт тагида тўхтадик.

Бундай, денгчи: кечаси мен Кэтрин олдида қайтдим.

Жоним, сиз ахир қайтиб келдингиз, тўғрими?

Ҳа.

Сизни шундай севаманки, мен шундай ёмон аҳволга тушдимки. Энди бошқа кетмайсиз-а?

Йўқ. Мен ҳар доим қайтиб келаман.

Сизни шунчалар севаман. Қўлингизни мана бу ерга қўйинг.

Доим шу ерда турибди [73, Б. 36].

Кэтрин Барклининг бу латиф, ҳар қандай баландпарвоз ва фалсафий жимжимадорликдан холи оддий “баёноти” ўзбек тилига ҳам худди шундай содда, босиқ ва вазмин таржима қилинган.

Иброҳим Ғофуров таржимаси асл нусхага монандлиги, Хемингуэйнинг фикри, Кэтрин садоқатига хос фидойилик тўғри акс эттирилиши жиҳатидан устун туради.

Асарнинг ўзбекча таржимасида “Алвидо, қурол!” романдаги образлар ўзларининг Хемингуэй яратган характери тўлиқ сақлаганлар. Иброҳим Ғофуров Ҳенри образини доимий тараққиётда кўрсатиш, бош қаҳрамон характери ўзгартирадиган турли мураккаб ҳолатларни тўғри очиб бериш орқали ҳаёт нафаси эсиб туришини таъминлаган. Ўзбек таржимони Ҳенрининг ички дунёсини очиб беришга ҳамда бирин-кетин юз бера бошлаган воқеа-ҳодисалар қандай қилиб Ҳенри табиатидаги унча муҳим бўлмаган хусусиятларни авж олдиргани ва пинҳоний сифатлари очила бориб, унинг характерининг ўзгариб борганини ишонарли тасвирлашга муяссар бўлган.

Романнинг бошида биз Ҳенрини ўзига ишончи комил бўлган босиқ, улуғвор киши сифатида кўрамиз. У ўзини сокин ва муносиб тута билади. Бу Ҳенри нутқининг мароми, услубиданоқ шундоққина билиниб туради.

... Сиз билан номаъқул ўйин бошлаб қўйдим.

Қанақа ўйин?

Ўзингизни гўлликка солманг.

Бу ҳаёлимда ҳам йўқ.

Сиз ажойибсиз, - деди у, шунинг учун сиз иложи борича яхшироқ ўйнашга уриняпсиз. Лекин бу ўйин чиндан ҳам жуда ярамас ўйин.

Сиз доимо бировнинг фикрини ўқийсизми?

Доим эмас. Лекин сиз нима ўйлашингизни биламан. Сиз ўзингизни мени яхши кўргандай қилиб кўрсатишингизнинг ҳождати йўқ [73, Б. 37].

Ҳенри нутқини барча хусусиятлари билан тиклай олиш бу образнинг реалистик тасвирини таржимада тўғри акс эттиришда катта роль ўйнаган. Чунончи, берилган асар парчаларида ҳикоя, баён тарзининг бир меъёрида давом этиши Ҳенрининг довюрак, вазмин, аммо баъзида шўх, хушчакчақ ҳазилкаш характерли бўлганлигидан дарак беради.

Бош қаҳрамон Ҳенри характерида жамиятнинг илғор кишиси бўлишга, давр билан ҳамнафас боришга, шу йўлда фаоллик кўрсатишга интилиш туйғуси етакчилик қилади. Шу билан Ҳенри инсон бахти, ўз муҳаббати, лаънати уруш ҳақида ҳам кўп ўйлайди, уни қоралайди, баъзан изтироб ҳам чекади, гоҳида қаттиқ ғазабланади. Бу хусусиятларнинг барчаси лейтенант Ҳенри характеридаги етакчи жиҳат доирасида, у билан узвий боғлиқ ҳолда акс эттирилади.

Бош қаҳрамонга хос бўлган ушбу фазилятлар асарда ва унинг таржимасидаги куйидаги парчаларида яққол ўз ифодасини топган:

„How you like this goddam war?“

„Rotten.“

„I say it’s rotten. Jesus Christ, I say it’s rotten“ [92, Б. 25].

Иброҳим Ғофуров таржимаси:

“Бу лаънати уруш ҳақида нима дейсиз?

Расво нарса.

Расво, деб секинроқ айтасизми, жин урсин. Расво бўлмасинми яна” [73, Б. 41].

Ўзбек мутаржими қаҳрамон Ҳенри образида ифодаланган урушни қоралашини, шу билан бирга унинг чеккан азоб-укубатлари, изтироб ва аламларини ўзбек ўқувчисига аниқ ва равон етказа олган. Чунончи:

... „The shock dulls the pain; but this is all right, you have nothing to worry about i fit doesn't infect and it rarely does now. How is your head“?

„Good Christ“, I said.

„Better not drink too much brandy then. If you've got a fracture you don't want inflammation. How does that feel“?

Sweat ran all over me.

„Good Christ“! - I said.

„I guess you've got a fracture all right. I'll wrap you up and don't bounce your head around“. He bandaged, his hands moving very fast and the bandage coming taut and sure... [86, p. 45].

Ўзбек тилида:

... Лат еганда оғриқ ўлгандай бўлади. Аммо бари-бир қўрқинчли ҳеч нима йўқ. Заҳарланиш рўй бермаса бўлгани, ҳозир бу ҳам учрайди. Бошингиз қалай?

О худойим? - дедим.

Унда кўп коньяк ичмаганингиз маъқул. Агар дарз кетган бўлса, яллиғланиб кетиши мумкин, яхши бўлмайди. Нима, мана бу ерингиз оғрияптими?

Мен қора терга тушдим.

О худойим! – деб юбордим.

Афтидан, дарз борга ўхшаб қолди-ку. Мен ҳозир боғлайман, сиз бошингизни қимирлатманг.

У боғлашга тушди. Қўллари жуда чаққон ҳаракат қилар, қаттиқ ва маҳкам боғларди... [73, Б. 69].

Асарнинг бош қаҳрамони Ҳенри образини таржимада бадий мукамал қайта тиклаш учун таржимон унинг нутқига хос барча хусусиятларни бекаму кўст акс эттириш керак. Акс ҳолда, асл нусхада мавжуд баъзи бир деталларни ташлаб кетиш ёки ўзгартириб бериш образнинг қиёфасини ўзгартириб ёхуд бутунлай бузиб юборши мумкин.

Қаҳрамон образини тиклашда Ҳенрининг ички ҳис-туйғулари, Кэтрин Барклига бўлган ўй-фикри жуда ҳам чиройли таржима қилинган:

„It was lovely in the nights and if we could only touch each other we were happy. Besides all the big times we had many small ways of making love and we tired putting thoughts in the other one's head while we were in different rooms. It seemed to work sometimes but that was probably because we were thinking the same thing anyway“[92, Б. 82].

Иброҳим Ғофуровда:

“Тунлари кунимиз тугарди, бир-биримизга сал тегиб кетадиган бўлсак ҳам, ўзимизни бундан етти осмонда юргандай ҳис қилардик. Биз ўзимизни катта-кичик ҳамма нарсада бахтиёр сезардик, бир-биримизга дилдорликлар қилардик, бир бўлмаган чоқларимизда эса, бир-биримизни фикримизни ўқишга ҳаракат қилардик. Баъзан ўқигандай ҳам бўлардик, лекин бу эҳтимол, икковимиз ҳам бир нарсани уйлаганимиз учун шундай туюлгандир” [73, Б. 121].

Инглиз тилида *„to be happy“* айнан *“бахтли бўлмоқ”*, дегани бўлиб, буни Иброҳим Ғофуров *“ўзимизни бундан етти осмонда юргандай ҳис қилардик”*, деб дуруст таржима қилган.

Иброҳим Ғофуров асар охиридаги бош қаҳрамон Ҳенрининг ташвишга тушиб, касалхонада ўз севган маҳбубини ўйлаб, азоб чекаётган парчадаги монологини жуда ҳам усталлик билан таржима қила олган. Кэтриннинг ҳалол ва садоқатли маҳбуба эканлигини билган Ҳенрида қувонч ўрнини ғам эгаллайди, аммо шу билан бирга, ўз ҳаётидан ортиқ севган ёри вафоли эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Монологнинг русча ва ўзбекча таржималарини қиёслаймиз.

Лейтенант Ҳенрининг севикли маҳбубаси Кэтрин Баркли ўлим тўшагида ўлим билан олишиб ётиши, ҳеч ҳам бу оламдан кўз юмгиси келмаслиги, ўзини бунга ишонтириб қўймасликка қарши қилаётган ҳаракатлари, уринишлари, сабр-бардошлиги мутаржим томонидан яққол ифодаланган. Берилган парчаларда Кэтрин тез кунларда ёруғ оламни тарк

этиши, ёлғиз Ҳенрисидан ажралиб қолиши мумкинлигини билади. Бунини ёзувчи Э.Хемингуэй ўз асарида китобхонга очикдан-очик айтмайди. Худди шунингдек, И.Ғофуров ҳам ўз таржимасида Кэтриннинг ўлим тўшагида ётган ўша кунларини, нафас олишга ёрдамлашувчи ускуна орқали бўлсада жонини сақлаб қолишига умид қилганлигини, ўлимини тан олгиси келмаётганлигини ўзбек китобхонига чиройли етказа олган. Бу Ҳенри учун ҳам Кэтрин учун ҳам дахшатли жараёнлар эди. Бу Ҳенри учун ҳеч ҳам унутиб бўлмас қора кунлар эди.

„Hello, darling,“ Catherine said in a strained voice. „I’m not doing much“.

„You are Mr.Henry“? the doctor asked.

„Yes. How is everything going, doctor“?

„Things are going vere well,“ the doctor said. „We came in here where it is easy to give gas for the pains“.

„I want it now,“ Catherine said. The doctor plased the rubber mask over her face and turned a dial and I watched Catherine breathing deeply and rapidly. Then she pushed the mask away. The doctor shut off the petcock.

„That wasn’t a very big one. I had a very big one a while ago. The doctor made me go clear out, didn’t you, doctor“? Her voice was strange. It rose on the word doctor.

The doctor smiled.

„I want it again,“ Catherine said. She held the rubber tight to her face and breathed fast. I heard her moaning a little. Then she pulled the mask away and smiled.

„That was a big one“, she said. „That was a very big one. Don’t you worry, darling. You go away. Go have another breakfast“.

„I’ll stay“ I said [92, Б. 225].

Иброҳим Ғофуровда:

Келдингми, жоним? – деди Кэтрин қандайдир ўзгариб кетган овоз билан. – Ишларимиз нимагадир юришмаяпти.

Monsieur Ҳенри сиз бўласизми? – сўради доктор.

Ҳа. Ўзларингиз қалайсиз, доктор?

Ҳаммаси яхши кетаяпти, – деди доктор. Тўлғоқ пайтида газ бериш мумкин бўлсин, деб бу хонага ўтдик.

Беринг, – деди Кэтрин.

Доктор унинг юзига резина ниқоб кийгизди ва қандайдир дискни буради. Кэтрин тез-тез чуқур нафас ола бошлаганини кўрдим. Кейин у ниқобни олиб ташлади, доктор аппаратни ўчирди.

Унча қаттиқ бўлмади. Яқинда жуда қаттиқ, бўлганди. Доктор мени худди йўқдай қилиб қўйди. Тўғрими, доктор? – унинг овози галати эди. “Доктор” сўзини айтганда бироз баландроқ чиқди. Доктор жилмайди.

Беринг, - деди Кэтрин. У ниқобни юзига тез тутиб, тез нафас ола бошлади.

Унинг секин инграётганини эшитдим. Кейин у ниқобни суриб қўйди-да, жилмайди.

Буниси қаттиқроқ бўлди, - деди у. Бу жуда ҳам қаттиқ бўлди. Сен ташвишланма, жоним. Бор. Яна бир марта нонушта қилиб ол.

Мен шу ерда бўламан, - дедим мен [73, Б. 300].

Бош қаҳрамон лейтенант Ҳенри касалхонада Кэтринни ўйлаб, Парвардигордан унга шафоат қилишни сўрайди. Унинг жуда ҳам эзилиб кетганлиги, ички ҳис-туйғулари Ҳенрининг раҳмдил, жонкуяр, ҳатто маҳбубасининг ўлиб қолиши мумкин дея келган фикрига қарши ўзини қийиб, яхши умид қилиш илинжидалиги ушбу парчада мутаржим И.Ғофуров томонидан моҳирона тасвирланган.

Иброҳим Ғофуров таржимон сифатида жаҳон адабиётида буюк образлардан бири ҳисобланмиш Ҳенрининг ёрқин образини зўр санъаткорлик билан ўзбек тилида қайта яратишга мушарраф бўлди.

Учинчи боб бўйича хулоса

Хуллас, Иброҳим Ғофуров таржимон сифатида жаҳон адабиётида буюк образлардан бири ҳисобланмиш Ҳенрининг ёрқин образини зўр санъаткорлик билан ўзбек тилида қайта яратишга мушарраф бўлди, дейишимизга асосимиз бор.

1. Адабий алоқалар, ўзаро таъсир тил пайдо бўлгандан бери ривож топиб, такомиллашиб бормокда. Бирор бир халқ маданиятини, адабиётини бошқа халқлар маданияти ва адабиёти таъсирисиз “соф” ривожланганини тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу диалектик қонуниятга зид.

2. Адабий алоқалар, ўзаро таъсир жараёнида энг муҳим, балки етакчи воситаларидан бири бу бадиий таржимадир. Бадиий таржима туфайли аслият тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда таржима тилининг ҳам барча жабҳалари, тилнинг ўзига хос энг кичик деталигача ўрганилади ва шу билан биргаликда мутаржим шуурида аслият ва таржима тилларининг ўзаро қоришган ғоя ва фикрлари натижасида “учинчи адабиёт” юзага келади.

3. Бадиий таржима бадиий адабиёт сингари қадимийдир. Инглиз-ўзбек адабий алоқалари XX асрнинг 20-йилларига тўғри келди. Ўзбек китобхони америкалик адиб Жек Лондоннинг “Эскимос боласи Киш” асари билан 1926 йилда, инглиз адиблари В.Шекспирнинг “Ҳамлети”и Чўлпон таржимасида, Э.Войничнинг “Сўна” романи М.Исмоилий таржимасида 1934 йилда танишиш бахтига муяссар бўлди.

4. Мавжуд таржималарнинг аксарияти восита тил орқали, фақат икки таржимон А.А.Иминов ва таниқли шоир Жамол Камоллар аслиятдан таржима қилганлар.

5. Таржимашуносликда муаммолар талайгина. Лекин шулардан энг муҳимларидан бири – бу бадиий образни (тимсолни) таржима тилида қайта яратишдир. Образ санъат ва адабиётда ҳаётни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирадиган манзара ва характердир. Воқеликнинг санъат ва адабиётда образлар воситасида акс эттириш ҳақидаги қарашлар Арасту замонасидан

буён мавжуд бўлса ҳам, бироқ асосан XX асрнинг биринчи ярмига келиб, Ҳегел, В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг асарларида тўлиқ шаклланди.

Биз фикр юритмоқчи бўлган образ – санъат ва адабиётга тааллуқлидир. Чунки санъат ва адабиётдаги ҳар бир образ инсонга “қандай бўлиш керак эди, қандай бўлиш лозим”, деган маънони уқтиришга хизмат қилади.

6. Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй – XX аср прозасининг ажойиб вакили. Ижодкорнинг ўзига хослиги соддалик... Услубнинг гўзал хоссаси бўлмиш соддалик самимийликдир. Қалбидаги ҳисларни бўямай, қандай бўлса шунчалигича равшан ифодалаш – бу Э.Хемингуэйнинг услубига хосдир. Асарлардаги образлар талқини ҳам худди муаллифдек содда ва самимий. Мана шу ҳолат мутаржимга катта масъулият юклайди. Муаллифнинг ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб боришга, теран фикрлашга ундайди.

7. Таниқли таржимон Иброҳим Ғофуров катта маҳорат билан “Алвидо, қурол!” романини восита тил орқали она тилимизга ўгирди. Восита тилдан таржима тилга таржима қилиш – бу нақадар оғир, хатарли, масъулиятдир, аммо таржимоннинг муаллиф ижодини чуқур билганлиги, услубини мукаммал эгаллаганлиги унга қўл келди, асарнинг руҳи бадиияти ва шираси тўлиқ сақланган ҳолда таржима қилинган. Масалан: така – хўкиз – от.

...Yes, yes. That's it. You look healthy as a goat. Who's the pretty girl? Is she your girl? I thought so. Isn't this a boatty war? How does that foot? You are fine boy I'll make you better than new. Does that hurt? You bet it hurts. How they love to hurt you, these doctors. What have they done for you so far? Can't that girl talk Italian? She should learn. What a lovely girl I could teach her. I will be patient here myself. No, I will do all your maternity work free. Does she understand that? She will make you a fine boy. A fine blonde like she is. That's fine. That's all right. What a lovely girl?

Иброҳим Ғофуров таржимаси:

...Хўш. Хўш. Бун қаранг-а. Ондай бақувват экансиз. Анов ёқимтойгина қиз ким эди? Севгилингизми? Шундайдир, деб ўйловдим. Шу уруш ёмон бўлди-да! Бу ер оғрияптимми? Азамат экансиз. Тузатамиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Бу ер оғрияптимми? Оғримасинмиям. Бу докторлар оғритишга кўп уста бўлишади-да. Шу пайтгача сизни нима билан даволашди? Бу қиз италянча сўзлаша оладими? Ўрганиш керак. Дилбар қиз экан. Мен унга дарс беришга рози бўлардим. Ўзим шу госпиталда ётаман. Йўқ, яхшиси, мен кўзи ёриган пайтларда текинга доялик қиламан. Нима дейганимни тушунадими? У сизга ажойиб ўғилча туғиб беради. Ўзига ўхшаши оқпар бўлади. Шундай яхши. Шундай аъло. Дилбар қиз.

8. Ҳар қандай таржима асари ҳоҳлаймизми, йўқми қайсидир жиҳати билан аслиятдан йироқлашади. Восита тилдан таржима қилинса, мана шу ҳолат янада ривож топиши мумкин. Иброҳим Ғофуров том маънода она тилимизни зукко билоғони, маҳоратли таржимон. Аммо лекин мутаржимнинг аслият тилини билмаслиги натижасида рус таржимони томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорлашга тўғри келган. Масалан: „... *Come back to bed, Catherine. Please,*“ *I said.*

“I can’t. Didn’t we have a lovely night”?

“And can you be on night duty to night”?

“I probably will. But you won’t want me”.

“Yes, I will”.

“No, you won’t. You’ve never been operated on. You don’t know how you’ll be”.

Ўзбекчада: “...*Бу ёққа кел, Кэтрин. Эшитяпсанми?* – дедим.

Мумкинмас. Кечаси бирам яхши бўлдики!

Бу кечасигаям навбатчиликни олсанг бўлармикан?

Ҳа, эҳтимол, ўзим навбатчилик қиларман. Фақат ўзинг мени ҳоҳламай қоласан”.

ХУЛОСА

1. Моҳир ўзбек таржимонлари она тилида юксак санъат намуналарини яратдилар. Республикамизда ҳар бир ёзувчи, шоир ва драматургни таржимон сифатида ҳам танийдилар. Жаҳон адабиёти классикларининг энг машҳур асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилганликлари туфайли В.Шекспер, деганда Ғофур Ғулом, Максуд Шайхзода, Уйғун, Л.Н.Толстой, деганда Мирзакалон Исмоилий, В.В.Маяковский, деганда Миртемир ва Зулфияларнинг таржимонлик маҳорати кўз ўнгимизда гавдаланади.

2. Республикамизда бадий таржима тажрибасида баъзан рўй бериб турадиган жиддий нуқсонларни бартараф қилиш ўрнига сифатсиз, ғўр таржималарга мослашиш майли сезила бошлаган эди. Кўпинча, ҳар бир таржимон ўз диди, ҳоҳиши ва шахсий мулоҳазаларига қараб китоб топиб таржима қилар, оқибатда жаҳон адабиёти классиклари ёки буюк ёзувчиларнинг энг машҳур асарлари қолиб кетиб, ўртача савиядаги айрим адибларнинг ҳажмдор роман ва повестларини ўзбекчалаштириш ҳоллари рўй бериб турар, бу эса таржима адабиёти бозорини касод қилишга сабаб бўлар эди.

Таржима адабиётини қатъи истиқбол режаси асосида нашр этишга кўчиш таржимачиликни анча тартибга солишга ёрдам беради.

3. Бадий таржима тажрибаси йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Таржима назарияси унинг янада юксалиши учун хизмат қилиши, эришилган ютуқларни илмий томондан чуқур ёритиши ва мустаҳкамлаши, таржимонларимиз фаолиятидаги нуқсонларни бартараф қилишга йўл очиб бермоғи даркор.

4. Ҳар қандай таржима, В.Г.Белинский сўзлари билан айтганда, оригинал асар тилини билмаган кишилар учун мўлжалланади. Аммо ҳозир кўп ўзбек китобхонлари асл нусха тилини ҳам яхши биладилар. Кўп миллатли Ўзбекистон мамлакатида маданий айирбошлаш иши кенгайиб, халқлар ва адабиётлар дўстлиги тобора мустаҳкамланиб, миллий

маданиятларнинг бир-бири билан алоқаси, бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши жараёни мунтазам жадаллашиб бормокда. Катта сиёсий, ғоявий-тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ана шу муқаддас вазифасини реаллаштиришда бадиий таржима муҳим воситадир.

5. Адабиётда уруш мавзуси долзарб эди, долзарблигича қолади. Ёзувчилар китобхонларга ҳақиқатни у қандай бўлган бўлса, ўша тарзда баён этишади. Уларнинг асарлари орқали биз уруш фақат ижтимоий фикргина бўлиб қолмай, у немисларнинг ваҳшиёна хужумкорликлари ҳақида кўп нарсани билиб оламиз: мўъжазгина Сербияга хужуми, Лувенни вайронага айлантирилиши, ниҳоят, сувости уруши орқали “Лузитания” нинг чўктирилиши. Газеталар АҚШнинг “демократияни сақлаб қолиш учун” урушда иштирок этишини талаб қилишган эди. Хемингуэй ва унинг тенгқурлари фронтга отланишарди. Лекин Хемингуэйни Америка армиясига қабул қилишмайди, шунинг учун у 1918 йилнинг апрелида санитарлар отряди билан итальян армияси юборилган эди.

Бу ғарбий фронтнинг энг нобоп участкаларидан бири эди. АҚШ қисмларининг юборилиши секин борарди, кўнгилли санитарлар колонналари ҳам Америка армияси формасини намоёни қилмоғи керак эди, улар истамай курашаётган итальян солдатларининг руҳини кўтаришлари зарур эди. Орадан кўп ўтмай Хемингуэй ўтирган автоколонна Пьяве дарёси бўйидаги Фосальти фронт участкасига келиб қолди. Лекин у олдинги қисмга интиларди, лекин унга окопдаги аскарларга ҳар хил совғалар: тамаки, мактублар ва рисоалар тарқатиш топширилган эди. 9 июлга ўтар кечаси Хемингуэй олдинга сурилган кузатиш постига борадиган бўлди. У ерда у Австрия миномётидан отилган снарядга дуч келиб, оғир контузия (қаттиқ зарб, портлаш натижасида етган жароҳатсиз шикаст) га дуч келади; енгил жароҳатлар ҳам олганди. Унинг ёнидаги икки нафар италиялик аскар ўлдирилган эди. Хемингуэй хушига келгач, оғир ярадор бўлган учинчи солдатни ҳам окопга олиб кирди. Унинг тиззаси ва болдири лат еган эди. Яраланган италиялик солдат ўлдирилган эди. Унинг

танасидан йигирма саккизта осколько (синиклар) ни чиқариб олишди; Хемингуэй Миланда даволанаётганда баланд бўйли қорасочли медицина хамшираси Агнес фон Куровскига ишқи тушади, у асли Нью-Йорклик эди. Хемингуэй госпиталдан соғайиб чиққач, лейтенант унвонига эга бўлади, у шунингдек итальян ҳарбий крести (хочи) билан мукофотланган эди, уни кумуш шуҳрат медали билан мукофотлайдилар. Ўшанда, Италияда 1918 йилда Хемингуэй ҳам ёзувчи бўлмаган эди, у солдат эди, фронтда ўтказган ярим йилда бошидан кечирганлари унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган эди, ўша йиллар таассуротлари уни бир қатор асарларида ўз ифодасини топган эди. 1918 йилда Хемингуэй ўз юрти АҚШга қаҳрамон шуҳрати билан қайтган эди, у биринчи ярадор, биринчи мукофотланган киши сифатида қайтган эди.

Кейинчалик у бошидан кечирган туйғуларни тикларкан, яна уруш мавзусига қайтди. Фронтда бошидан кечирганлари ёзувчининг хотирасида, дунёни ҳис қилишда катта таассурот қолдирган эди, ўша уруш унга тузалмас жароҳат сингари туюлган эди. Хемингуэйни ҳамиша кишиларни, хусусан, уларнинг ҳақиқий инсоний тийнати намоён бўлган вазиятларда тасвирлаш жалб этарди, адибнинг ўзи айтганидек “ҳақиқат чоғи”да юксак жисмоний ва руҳий кўтаринкилик касб этган, ўлим хавфини бошидан кечираётган пайтда тараннум этишни истарди. Лекин ҳақиқий инсон тийнатини тушуниб тасвирлаш осон кечмасди. Урушдан кейинги ўн йилликда кўп жиҳатдан фронт иштирокчилари ҳақида фикрлаб, ўзини рағбатлантирарди, чунки ўшалар “йўқотилган авлодлар” эди. У доимий равишда фронтда бошидан кечирганларини ўйлар, воқеаларни ўлчаб бичар, баҳоларди, баъзан ўз таассуротларини “совутарди”, юксак даражада холисликка эришишга интиларди. Кейинчалик унинг ижодида Биринчи Жаҳон уруши мавзуси катта ўрин эгаллайди-у Германияда, Францияда, Лозаннада кўп ишлайди. У фашизм режимини юзага келтирган тартибсизликлар ва чўкиб кетган Франция ҳақида ёзади. Кейинчалик “Алвидо, қурол” ва “Қўнғироқ кимдан дарак беради” романларида

муаллиф Иккинчи Жаҳон урушида инглиз авиациясида иштирок этиб, “қирғин келтирувчи” самолётларнинг учувчилар билан курашганлиги, француз партизанлари ҳаракатига бошчилик қилганлигини, Германияга қарши ва жасорати учун бронза медали совриндори бўлганлиги ҳақида ёзади. Шундай қилиб, журналист шундай бой ҳарбий тажрибаси билан бир талай замондошлари қатори халқаро муаммолар сир-асрорини тушуниб етади. Жасур репортёр ёзувчи сифатида бир мунча истеъдодли ёзувчи Э.Хемингуэй ўзининг Испания ҳақидаги репортажлар катта маҳорат билан ёзган эди. У кўп ҳолларда урушнинг бориши ҳақида ҳайратомуз даражада аниқ ва чуқур фикр юритарди. У ўзини ғаройиб пейзажлар таҳлилчиси сифатида намоён этди, у талъантли таҳлилчи (муҳаллил) эди.

“Йўқотилган авлод” муаммоси Э.Хемингуэйнинг 1926 йилда чоп этилган “Фиеста” романида кенг ёритилган. Биринчи Жаҳон уруши тугаганига кўп ўтмасдан шундай қисқа муддатда роман ёзиш Хемингуэйдек меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлиш зарур эди. Тағин муҳим бир нарсани унутмаслик керакки, у романни ўзи яхши билган, характерини ипидан игнасиғача чуқур билган, бир неча йил давомидан кузатган авлод ҳақида, ўзи билан бирга Испанияда жангу жадални бошидан кечирган одамлар тўғрисида ёзган эди. У ўзини Джейк Барнс тимсоли орқали тасвирлаган, ўзининг шахсий тажрибаси, бошидан кечирганини борлиғича баён этган эди. Бир пайт Хемингуэй романининг “Фиеста” номидан воз кечиб, уни “Йўқотилган авлод”, деб аташга қарор қилади, кейин бу фикридан қайтиб, уни “Фиеста”, деб атайди, “йўқотилган авлод” иборасини эпиграф қилиб олади, у билан ёнма-ён Экклезиаст (мангу ҳолатда турган Ер ҳақидаги китоб) дан цитата (ҳавола) келтиради.

Э.Хемингуэй роман устида ишлаётиб, жонли ҳаёт, жонли характерлардан чекинади, шу боис унинг романининг қаҳрамонлари бирёқлама эмас, бир хил ранг қизил ёки қора билан бўёлмаган, улар салбий ва ижобий хусусиятларга эга бўлган жонли одамлардир. Э.Хемингуэйнинг романида “йўқотилган авлод” муайян қисмининг характерли хусусиятлари

баён этилган, айнан уруш туфайли йўқотилган характерли хусусиятлар ифодаланган. Лекин Хемингуэй ўзини ва унга яқин бўлган кўп кишиларнинг “йўқотилган авлод” қатори қўшмайди. Лекин “йўқотилган авлод” турфа хил.

Роман саҳифаларида номлари тилга олинган ва тилга олинмаган персонажлар кўзга ташланади, ҳеч шубҳасиз, уларни биринчи қарашдаёқ аниқлаб, илғаб олса бўлади. Ўзининг “йўқолганлиги” билан ажралиб турганлар ғалабалар қувончини, мағлубиятнинг ғамгинлигини яққол кўрсатаётган кишилардир, уруш эса бешафқат, канча булғонган, оғриқлар ва зўравонликка чулганган ҳодисадир. Ўша кунлар хотираси бизнинг хотирамизда мангу яшайди. Балки шундай кун келадики, ер юзида оҳ-воҳларга ва оналар йиғисига чек қўйилар, заминимиз даҳшатли отишмалардан халос бўлган кунни кутиб олар!

“Йўқотилган авлод” ҳақидаги адабиёт Биринчи Жаҳон урушидан сўнгги ўн йилликда Европа ва Америка адабиётларида таркиб топди. Дунёнинг турли мамлакатларида 10-20 – нчи йилларда “Йўқотилган авлод” мавзусида ижод қилган ёзувчиларнинг (Хемингуэй, Ремарк, Р.Олдингтон) китоблари катта шов-шувга сабаб бўлганди. 1910 йилларнинг бошидаёқ яхши бадиий тил, яъни модернизм даври билан ҳамоҳанг тил излаш биринчи ўринга чиққан эди, дунё ва инсон муаммоси шахс ва жамият ўртасидаги муаммоси, “талант” ва “анъана” ўртасидаги муаммо сифатида шаклланди ва неромантик оқим русумини олди. Умуман, хорижий ёзувчилар: Барбюс, Хемингуэй, Олдингтон ва Ремарк асарлари ҳар хил миллий заминда яратилган эди. Мактуб йўсинига, тақдирига ва бадиий қувватига кўра, жойига қараб ўша асарлар XX асрлар санъатида ўзгача ўринни эгаллаган эди. Уруш ҳақидаги аввалги ва ҳозирги китоблар ҳар хил нуқтаи назарларга эга, яъни конкрет воқеаликни бошидан кечирганлигига кўра, албатта. Уруш мавзусини айрим жанглари кенг тасвирлаш ҳаракати муайян даражада сезиларли ҳолдир. Лекин уларнинг илк романларида биринчи жаҳон уруши тасвири алоҳида аҳамиятга

моликдир. Уруш тугагандан сўнгги ўн йиллик ичида ёзилган романлар ғоявий жиҳатдан ҳам, тузилиши жиҳатдан ҳам, қаҳрамонларнинг тақдирини тасвирлаш жиҳатдан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Уруш ҳақидаги барча бошқа асарлар ўзларининг моҳияти, ҳаётийлиги билан ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга боғлиқлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, ўша китоблар замонавий ғоялар силсиласини тараннум этган ҳисобланади. Тўғри, ўша асарлар муайян даражада баҳсларга ҳам сазовордир. Бунинг учун улар кенг миқёсда бўлиши, воқеаларни катта миқёсда тасвирлаган бўлиши асло шарт эмас. Дунёда юз бераётган ижтимоий жараёнларни тўғри намоён этишда, гап ана шунда. Ҳойнаҳой жанг майдонидаги киши зарурият туфайли ўзига ўхшаганларни ўлдириши ва ўзининг ҳам ўлиб кетиши – уруш ҳақидаги ҳарқандай китобнинг оддийгина “қафаси” бўлиб, у барча ахлоқий ва сиёсий масалаларни қамраб олади. Ушбу “қафас” ҳеч қачон чинакамига бетараф бўлмайди, ўз мазмунига кўра соф “биологик” тарзда бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас, у ҳамиша ўзининг ижтимоий характерини фош қилади.

Юқорида номлари келтирилган хорижий муаллифларнинг асарларининг ҳар бирида саҳифадан саҳифага ўтган сайин қонли урушнинг ва қаҳрамонлар ишонган юксак ғояларнинг барбод бўлиши таърифланади, уларнинг ҳаммасида “ватанни ҳимоя қилиш” ҳақидаги “баландпарвоз сўзлар”га бўлган нафрат намоён этилади; ўша китобларнинг ҳаммасида рўшнолиги йўқ ҳаёт баён этилади, қаҳрамонларнинг саросимага тушиши тасвирланади. Ўша маънавий жиҳатдан гўзал инсонларнинг қаҳрамонларча курашгани тараннум этилади. Уруш, шафқатсизлик, барча кучларнинг бирлашуви ва маънавий гўзаллик ўша асарларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Урушнинг шафқатсизлиги гўзалликни инкор этаркан, унинг даҳшати кишиларни ёввойи ҳолга солиши ўша асарларда яққол ифодаланган, шунингдек, одамларнинг руҳан эзилиши, энг юксак орзуларнинг ушалишига бўлган ишончнинг йўқолиши уруш оқибати эканлиги яққол акс эттирилган.

Хемингуэй олға сурган мавзулар абадийлигича қолади. Гарчи ёзувчининг кўп асарлари унинг ўлимидан сўнг чоп этилган бўлса-да, Хемингуэй 60-70 йилларда АҚШда ва бизнинг мамлакатимизда ўз даврининг кўзга кўринган арбоби сифатида тарихда қолди.

6. Адабий алоқалар, ўзаро таъсир тил пайдо бўлгандан бери ривож топиб, такомиллашиб бормоқда. Бирор бир халқ маданиятини, адабиётини бошқа халқлар маданияти ва адабиёти таъсирисиз “соф” ривожланганини тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу диалектик қонуниятга зид.

7. Адабий алоқалар, ўзаро таъсир жараёнида энг муҳим, балки етакчи воситаларидан бири бу бадий таржимадир. Бадий таржима туфайли аслият тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда таржима тилининг ҳам барча жабҳалари, тилнинг ўзига хос энг кичик деталигача ўрганилади ва шу билан биргаликда мутаржим шуурида аслият ва таржима тилларининг ўзаро қоришган ғоя ва фикрлари натижасида “учинчи адабиёт” юзага келади.

8. Бадий таржима бадий адабиёт сингари қадимийдир. Инглиз-ўзбек адабий алоқалари XX асрнинг 20-йилларига тўғри келди. Ўзбек китобхони америкалик адиб Жек Лондоннинг “Эскимос боласи Киш” асари билан 1926 йилда, инглиз адиблари В.Шекспирнинг “Ҳамлети”и Чўлпон таржимасида, Э.Войничнинг “Сўна” романи М.Исмоилий таржимасида 1934 йилда танишиш бахтига муяссар бўлди.

9. Мавжуд таржималарнинг аксарияти восита тил орқали, фақат икки таржимон А.А.Иминов ва таниқли шоир Жамол Камоллар аслиятдан таржима қилганлар.

10. Таржимашуносликда муаммолар талайгина. Лекин шулардан энг муҳимларидан бири – бу бадий образни (тимсолни) таржима тилида қайта яратишдир. Образ санъат ва адабиётда ҳаётни ўзига хос бадий шаклда акс эттирадиган манзара ва характердир. Воқеликнинг санъат ва адабиётда образлар воситасида акс этириш ҳақидаги қарашлар Арасту замонасидан буён мавжуд бўлса ҳам, бироқ асосан XX асрнинг биринчи

ярмига келиб, Ҳегел, В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг асарларида тўлиқ шаклланди.

Биз фикр юритмоқчи бўлган образ – санъат ва адабиётга тааллуқлидир. Чунки санъат ва адабиётдаги ҳар бир образ инсонга “қандай бўлиш керак эди, қандай бўлиш лозим”, деган маънони уқтиришга хизмат қилади.

11. Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй – XX аср прозасининг ажойиб вакили. Ижодкорнинг ўзига хослиги соддалик... Услубнинг гўзал хоссаси бўлмиш соддалик самимийликдир. Қалбидаги ҳисларни бўямай, қандай бўлса шунчалигича равшан ифодалаш – бу Э.Хемингуэйнинг услубига хосдир. Асарлардаги образлар талқини ҳам худди муаллифдек содда ва самимий. Мана шу ҳолат мутаржимга катта масъулият юклайди. Муаллифнинг ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб боришга, теран фикрлашга ундайди.

12. Таниқли таржимон Иброҳим Ғофуров катта маҳорат билан “Алвидо, қурол!” романини восита тил орқали она тилимизга ўгирди. Восита тилдан таржима тилга таржима қилиш – бу нақадар оғир, хатарли, масъулиятдир, аммо таржимоннинг муаллиф ижодини чуқур билганлиги, услубини мукамал эгаллаганлиги унга қўл келди, асарнинг руҳи бадиияти ва шираси тўлиқ сақланган ҳолда таржима қилинган. Масалан: така – хўкиз – от.

...Yes, yes. That's it. You look healthy as a goat. Who's the pretty girl? Is she your girl? I thought so. Isn't this a boatty war? How does that foot? You are fine boy I'll make you better than new. Does that hurt? You bet it hurts. How they love to hurt you, these doctors. What have they done for you so far? Can't that girl talk Italian? She should learn. What a lovely girl I could teach her. I will be patient here myself. No, I will do all your maternity work free. Does she understand that? She will make you a fine boy. A fine blonde like she is. That's fine. That's all right. What a lovely girl?

Иброҳим Ғофуров таржимаси:

...Хўш. Хўш. Бун қаранг-а. Ондай бақувват экансиз. Анов ёқимтойгина қиз ким эди? Севгилингизми? Шундайдир, деб ўйловдим. Шу уруш ёмон бўлди-да! Бу ер оғрияптими? Азамат экансиз. Тузатамиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Бу ер оғрияптими? Оғримасинмиям. Бу докторлар оғритишга кўп уста бўлишади-да. Шу пайтгача сизни нима билан даволашди? Бу қиз италянча сўзлаша оладими? Ўрганиш керак. Дилбар қиз экан. Мен унга дарс беришга рози бўлардим. Ўзим шу госпиталда ётаман. Йўқ, яхшиси, мен кўзи ёриган пайтларда текинга доялик қиламан. Нима дейганимни тушунадими? У сизга ажойиб ўғилча туғиб беради. Ўзига ўхшаши оқпар бўлади. Шундай яхши. Шундай аъло. Дилбар қиз.

13. Ҳар қандай таржима асари хоҳлаймизми, йўқми қайсидир жиҳати билан аслиятдан йироқлашади. Восита тилдан таржима қилинса, мана шу ҳолат янада ривож топиши мумкин. Иброҳим Ғофуров том маънода она тилимизни зукко билоғони, маҳоратли таржимон. Аммо лекин мутаржимнинг аслият тилини билмаслиги натижасида рус таржимони томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорлашга тўғри келган. Масалан: „... Come back to bed, Catherine. Please,“ I said.

“I can’t. Didn’t we have a lovely night”?

“And can you be on night duty to night”?

“I probably will. But you won’t want me”.

“Yes, I will”.

“No, you won’t. You’ve never been operated on. You don’t know how you’ll be”.

Ўзбекчада: “...Бу ёққа кел, Кэтрин. Эшитяпсанми? – дедим.

Мумкинмас. Кечаси бирам яхши бўлдики!

Бу кечасигаям навбатчиликни олсанг бўлармикан?

Ҳа, эҳтимол, ўзим навбатчилик қиларман. Фақат ўзинг мени хоҳламай қоласан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – 45 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 260 б.
3. Абрамович Г.Л. “Адабиётшуносликка кириш” педагогик ин-тлар учун дарслик. 5-нашр. – Москва: Просвещение, 1970. – 390 б.
4. Анастасьев Н.А. Фолкнер: Очерк творчества. – М.: Худож. Лит., 1976. – 221 с.
5. Анастасьев Н.А. “Эрнест Хемингуэй ижоди”. – Москва: Просвещение, 1981. – 112 б.
6. Айтматов Чингиз. Характер и современность // “Литературная газета”, 29 декабря, 1959 г.
7. Балонова М. Г. Проблема героя в позднем творчестве Э. Хемингуэя (40—50-е гг.). Кандидатская диссертация. Нижний Новгород, 2002
8. Белинский В.Г. Сочинения. – М., 1943, Т. 4. – 73 с.
9. Белинский В.Г. Собр. сог. в трех томах. Т. 2. – М., 1948. – 604 с.
10. Буряк Б. Художественный идеал и характер. – М., 1972. – С. 5.
11. Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык. – Т., 1957.
12. Гайсмар М.Э. Хемингуэй: «Вернуться назад никогда не поздно» // Гайсмар М. Американские современники. – М.: Худож. лит., 1979. – 443 с.
13. Гиленсон Б.А. Трилогия Джона Дос Пассоса «США». – В кн.: Гиленсон Б.А. Американская литература 30-х гг. XX века. – М., 1974. – 312 с.
14. Гиленсон Б.А. Эрнест Хемингуэй. – М., Просвещение, 1991. – 192 с.
15. Горкий М. О Литературе. – М., 1953. – 308 с.
16. Горбунов А.Н. Романы Френсиса Скотта Фицджеральда. – М.: Наука, 1974. – 344 с.

17. Грибанов Б. Человека победить нельзя // Хемингуэй Э. Фиеста. Прощай оружие! Старик и море. Рассказы. – М.: Худ. Лит., 1988. – 520 с.
18. Грибанов Б. Эрнест Хемингуэй: жизнь и творчество. Послесловие // Хемингуэй Э. Избранное. – М.: Просвещение, 1984. – 304 с.
19. Грибанов Б. Хемингуэй. – М.: Мол. Гвардия, 1970. – 446 с.
20. Грибанов Б. Одам устидан ғалаба қозониш мумкин эмас // Э.Хемингуэй. Фиеста. Алвидо, курол! Чол ва денгиз ҳикоялари. – М.: Худ. лит., 1988. – 558 б.
21. Грибанов Б. «Э. Хемингуэй: ҳаёти ва ижоди». – Сўз охири.
22. Денисова Т. Хемингуэининг реализм шеърляти // Т.Денисова. Инсон қалбига йўл. Замонавий Америка романчилигида реализм ва леоденизм кураши. – К.: Наукова думка, 1971. – Б. 78-127.
23. Денисова Т. Эрнест Хемингуэй. Життя творчесь. – К.: Днипро, 1972. – 164 б.
24. Денисова Т. «Айсберг сири» // Хемингуэй прозасининг бадий хусусиятлари ҳақида. Литературная учеба. – 1980, № 5. – Б. 202-207.
25. Жантйева Д.Г. Английский роман. XX века, 1918-1939. – М., 1965. – 376 с.
26. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.:“Наука”, 1979. – 492 с.
27. Зарубежная литература XX в. / Под ред. Л.Г.Андреева. – М.: Высшая школа, 2000. – 289 с.
28. Засурский Я.Н. Американская литература двадцатого века. – М.: Просвещение, 1984. – 431 с.
29. Засурский Я. Хемингуэй ва журналистика // Э.Хемингуэй. Репортажлар. – М.: Снисатель, 1969.
30. Затонский Д. XX аср ва романчилик санъати. – М.: Сов. писатель, 1973. – Б. 337-358.
31. Затонский Н. XX аср Америка адабиёти. – М.: МГУ нашриёти, 1984. – 503 б.

32. Зверов А.М. Американский роман 20-30-х гг. – М., 1982. – 455 с.
33. Зингерман Б.И. Пикассо, Чаплин, Брехт, Хемингуэй // Образ человека и индивидуальность художника в западном искусстве XX века. – М., 1984. – 299 с.
34. Каверин В.А. Читая Хемингуэя // Каверин В.А. Избранные. – М., 1975. – 125 с.
35. Кашкин И. Эрнест Хемингуэй. – М.: Худож. лит., 1966.
36. Кашкин И. Хемингуэйни ўқув // Кашкин И. Замонавий китобхонга: Мақола ва изланишлар. – М.: Сов. писатель, 1977. – 558 б.
37. Ковалев В.А. Проблемы стиля в советской литературе. В кн. «Время, Парос, стиль». – М. – Л., 1965. – С. 11.
38. Краткая литературная энциклопедия. – М., 1972, Т. 7. – С. 187.
39. Кухаренко В.А. Э.Хемингуэй услуби ва тили хусусиятлари ҳақида (Биринчи тўплам асосида) // Олий мактаб илмий доклатлари. Филологик фанлар. – М., 1966.
40. Кухаренко В.А. Язык Хемингуэя. – М., 1975. – 125 с.
41. Лидский Ю.Я. Э.Хемингуэй ижоди. 2-нашр. – К.: Наукова, 1978. – 407 б.
42. Марианна Шатерникова. Те, кто его любил. Женщины Хемингуэя // Чайка : журнал. — 15 марта 2002. — № 6(22).
43. Мамажонов С. Услуг жилолари. – Т., 1972. – Б. 80-81.
44. Мендельсон М. Замонавий Америка романи. – М., 1964.
45. Мурза А.Б. Э.Хемингуэй услубини ўрганишда микдорий анализни қўллаш // Вестник. Серия 9. Филология. – М.: Университет, 1981, № 4. – Б. 68-74.
46. Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. – Т., 1980.
47. Мусаев К. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т., 1976.- 288 б.
48. Надеждин Н. Я. Эрнест Хемингуэй: «Жизнь настоящего мужчины», А. И. Осипенко. — М.: Майор, 2008. — 192 с.

49. Олеша Ю. Хемингуэйни ўқиб // Олеша Ю. Қисса ва ҳикоялар. – М.
50. Паскуаль А. М. Эрнест Хемингуэй / А. Беркова. — М.: АСТ, 2006. — 188 с.
51. Платонов А. По поводу романов Э.Хемингуэй «Прощай, оружие!» и «Иметь и не иметь» // Платонов А. Размышления читателя. – М., 1980. – 256 с.
52. Саенко Л. Коты Хемингуэя — «ошибка природы» и национальное достояние. - 2011.
53. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Т.: «Фан», 1980.
54. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: «Ўқитувчи», 1978.
55. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: «Фан», 1966.
56. Саломов Ғ. Таржима масалаларини комплекс ўрганиши тажрибаси // Таржима санъати тўплами. – Т., 1979. – 43 б.
57. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1983.
58. Саломов Ғ. Мен сув ичган дарёлар: Мулокот, мушоҳада чечаклари, шингил воқеалар, одамлар ва тақдирлар. – Т.: “Ёш гвардия”, 1990.
59. Старцев А.И. От Уитмена до Хемингуэя. – М., 1972. – 367 с.
60. Таржима санъати. Мақолалар тўплами (№4). – Т.: «Ўздабийнашр», 1961.
61. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Д.Ғ. Гуломова. Таржимада образ ва хатактерларни қайта яратиш муаммоси. – Т.: «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1973.
62. Таржима назарияси масалалари: илмий ишлар тўплами. Тожиев Қ. “Таржимада қаҳрамон образининг хусусиятларини сақлашга оид”. (Ч.Диккенсининг “Мушкул замонлар” романини инглиз тилидан ўзбекчага ўгириш тажрибасидан) – Т., 1979. – 99 б.
63. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М., 1996. – С. 391.

64. Толмачев В.М. «Потерянное поколение» в творчестве Э.Хемингуэй // произведения в 2 т., т.2. М., - М.: Высш. шк., 1977. – 345 с.
65. Толстой А.О. Литературе. – М., 1956. – 228 с.
66. Урнов М.В. Ричард Олдингтон. – М.: Высш.шк., 1968. – 308 с.
67. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. – Т.: «Фан», 1979.
68. Финкельштейн И. Шеърӣ ҳақиқатни излаб // Адабиёт саволлари. – 1965, № 4.
69. Финкельштейн И. Хемингуэй ҳақида танқид // Адабиёт саволлари. – 1967, № 8.
70. Финкельштейн И. Хемингуэй // Кичик возӣ адабиёти. 8 том. 8 т. – М.: Сов. Энциклопедия, 1975. – Б. 258-262.
71. Фицджеральд Ф.С. Избр. Произв.: В 3 т. М. – М.: Высш.шк., 1986. – 545 с.
72. Фолкнер У. Собр. соч.: В 6 т. М. – М.: Высш.шк., 1967. – 305 с.
73. Хемингуэй Эрнест. Алвидо, қурол! – Т.: «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1973. – 304 б.
74. Хемингуэй Э. Танланма. – М.: Просвещение, 1984. – 304 б.
75. Хемингуэй Э. «Чол ва денгиз, Алвидо, қурол!». – Т., 1986.
76. Хемингуэй Эрнест. Фиеста (И восходит солнце); Прощай, оружие! (Перевод с английского. «Фиеста» – пер. В.Топер. «Прощай, оружие!» пер. Е.Калашниковой). – Д.: «Адиб», 1988. – 368 с.
77. Хемингуэй Э. «Прощай оружие». – Т., 1989. – С. 8.
78. Хемингуэй в воспоминаниях современников / Сост., вступ. ст., коммент. Б.Грибанова. – М.: Терра, 1994. – 542 с.
79. Чернишевский Н.Г. Полное собрание сочинений. Т.II. – М., 1949. С. 85.
80. Шарқ юлдузи. 1979, 11–12 сонлар.
81. Штандель А.Б. К вопросу о стиле Хемингуэя // Литература США Под ред. Л.Г.Андреева. – М., 1975. – 266 с.

82. Ўзбекистон ССРда нашр қилинган чет эл ёзувчиларининг асарлари. – Т., 1985.
83. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. “Шарк юлдузи” журнали, 2012. 6-сон.
84. Холбеков М. Муҳаммаджон. Эрнест Хемингуэй ҳикоялари “Жаҳон адабиёти” журнали, 2011. 2-сон.
85. Хотамов Н.Т. Адабиётшуносликда қисқача руса-ўзбекча терминалогик луғат. Ўрта мактаб ўқувчилари, тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда филолог студентлар учун. – Т.: “Ўқитувчи”, 1969.
86. Aldington R. An intimate portrait. – Carbondale – Edwardsville: Southern Illinois univ. press, 1965. – 186 p.
87. Baker C. Hemingway: The writer as artist. – New York: Princeton univ. press, 1973. – 438 p.
88. Benner J. Concealment in Hemingway’s works. – Columbus, Ohio, 1983. – 311 p.
89. Colvert G.B. Ernest Hemingway’s morality in action // American literature, - N.Y., 1955. – 362 p.
90. Dear Papa, Dear Hotch: The Correspondence of Ernest Hemingway and A. E. Hotchner. — Columbia, Missouri: University of Missouri Press. – 2005.
91. Fiesta (The sun also rises). – London: Pan books, 1972. – 206 p.
92. Hemingway E. A Farewell to Arms. – N.Y., 1970. – 304 p.
93. Hemingway E. A Farewell to Arms. Progress publishers. – Moscow, 1976.
94. Hemingway E. For Whom the Bell Tolls. – Arrow Books Ltd., 1994. - 512 p.
95. Hemingway E. Islands in the Stream. – Simon&Schuster, 1970. – 448 p.
96. Hemingway E. The life and death of a man. – N.Y., 1961. – 237 p.

97. Hotchner A. E. Hemingway, Hounded by the Feds. The New York Times - 2011.
98. Taylor H.U. Erich Maria Remarque: A literary and film biography. – New York: Lang, 1989. – 334 p.
99. The portable Hemingway. – New York: Viking press, 1994. – 642 p.
100. Wagner-Martin L. A Historical Guide to Ernest Hemingway. — New York: Oxford University Press, 2000.
101. Wrenn J.H. John dos Passos. – New York: Twayne, 1961. – 273 p.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР

1. www.wikipedia.com
2. www.ziyonet.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.scop.ac.uk
5. www.univer.scotland.ac.uk
6. www.referatlar.uz
7. www.google.co-uz